

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

51-сон
(1227)
2025 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

792. «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 17 декабрдаги ЎРҚ–1102-сон Қонуни
793. «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўрта-сида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 декабрдаги ЎРҚ–1103-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

794. «Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада сод-

далаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 декабрдаги ПФ–250-сон Фармони

795. «Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги ПФ–252-сон Фармони
796. «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги ПФ–253-сон Фармони
797. «2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 декабрдаги ПҚ–376-сон қарори
798. «Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги ПҚ–383-сон қарори

Учинчи бўлим

799. «Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 декабрдаги 787-сон қарори
800. «Аҳолига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 декабрдаги 796-сон қарори
801. «Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 декабрдаги 798-сон қарори
802. «Саноат зоналарини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 декабрдаги 802-сон қарори
803. «Саноат зоналарида лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 декабрдаги 803-сон қарори

Бешинчи бўлим

804. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 1-dekabrda 305-son “Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 15-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-13*)
805. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 15 декабрдаги 25-сон “Электрон рецепт” тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3725*)
806. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta’lim sifatini ta’minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 2-dekabrda 4-son “Kasbiy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3726*)
807. O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligining 2025-yil 12-dekabrda 15-son, Qishloq xo‘jaligi vazirligining 2025-yil 11-dekabrda 42-son, Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 9-dekabrda 63-son va Suv xo‘jaligi vazirligining 2025-yil 5-dekabrda 01/25-6-son “Transport vositalarini saqlash, ta’mirlash va ularga texnik xizmat ko‘rsatish obyektlari uchun yong‘in xavfsizligi qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2710-1*)
808. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 15-dekabrda 61-q/q-son va Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 11-dekabrda 31-2025-Q/Q-son “Professional ta’lim muassasalari pedagog kadrlari va muhandis-pedagog kadrlarining bo‘sh lavozimlarni egallash uchun ularni tanlov asosida tanlab olish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1461-4*)
809. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 10-dekabrda 309-son “Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3406-2*)
810. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 5-dekabrda 31/9-son “Banklarga o‘rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi

nizomga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro'yatdan o'tkazildi, ro'yat raqami 3618-1*)

811. O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 19-son "Investitsiya vositachisi sifatida depozitar operatsiyalari faoliyati to'xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro'yatdan o'tkazildi, ro'yat raqami 3727*)
812. O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 18-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro'yatdan o'tkazildi, ro'yat raqami 3728*)
813. O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrdagi 20-son "Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro'yatdan o'tkazildi, ro'yat raqami 3729*)
814. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 4-dekabrda 29/2-son "Banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 18-dekabrda ro'yatdan o'tkazildi, ro'yat raqami 3730*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**

792 Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
22 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 ноябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий хизматлар ва ёрдам қонунчиликларида белгиланган тартибда кўрсатилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу соҳага Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва бошқа манбалар ҳисобидан ажратилган маблағларни аниқ йўналтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларни бузганлик, шунингдек ижтимоий ҳимоя органлари ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш, ижтимоий ёрдам беришда жамоат бирлашмалари ва ҳомийлик ташкилотларининг фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда «Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишинча ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларни бузганлик, ижтимоий ҳимоя органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек объектда ногиронлиги бўлган шахслар учун шаҳар-созлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ қулай шарт-шароитлар яратилганлиги бўйича хулоса олишни, ушбу ҳужжатсиз

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 декабрда эълон қилинган.

фаолиятни (ҳаракатни) амалга оширганлик ёки мазкур ҳужжатни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олганлик учун жарималар миқдорларини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги, «Банк сири тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги ҳамда «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун мазкур Агентликка маълумотларга ишлов бериш ваколати берилишини назарда тутувчи қоидалар белгиланмоқда.

Бундан ташқари ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Давлат божи тўғрисида»ги ҳамда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишинча Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига ёки Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар аъзоларига ҳомийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомийлик хайрияларининг солиқ солинмайдиган миқдори оширилишини ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда ундириладиган давлат божининг белгиланган ставкаси миқдори камайтирилишини, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг фаолияти такомиллаштирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга, ижтимоий ҳимоя органи томонидан эҳтиёжманд фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш орқали давлат томонидан аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини ҳамда уларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12,

413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1187, 1188, 1189-моддалар, № 12, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар; 2025 йил, № 1, 5, 8-моддалар, № 2, 187, 188, 196, 198, 201-моддалар, № 3, 368, 376-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **99-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Шаҳарсозлик ҳужжатларига уларда ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлими (қисми) мавжуд бўлмаган ҳолда ёки шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган ушбу алоҳида бўлим (қисм) бўйича эксперт ташкилотлар томонидан ижобий хулоса бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлимига (қисмига) амал қилинмаган ҳолда қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси органлари томонидан рухсатнома бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **198⁸-модда** билан тўлдирилсин:

«198⁸-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг тизимидаги идоралар ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаслик

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари, Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларини бажармаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **215⁵-модда биринчи қисмининг диспозицияси** «ифодаланган тарзда бузилиши» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу Кодекснинг 215⁹-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **215⁹-модда** билан тўлдирилсин:

«215⁹-модда. Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни ва ижтимоий кафолатларни таъминламаслик

Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликнинг арз қилувчидан мурожаатни қабул қилишни рад этганликда, ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш чоғида мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини ва муддатларини бузганликда, арз қилувчидан қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиб олганликда, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс-

лар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни ва ижтимоий кафолатларни таъминламасликда ифодаланган тарзда бузилиши, шунингдек ижтимоий хизматлар кўрсатиш миллий стандартларига риоя этмаслик, — мансабдор шахсларга ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) 245-модданинг:

биринчи қисмидаги:

«47², 47⁴, 47⁵, 47⁶, 47⁷, 47⁸, 48, 49¹, 49⁴, 51¹» рақамлари «47⁴, 47⁵, 47⁶, 47⁷, 47⁸, 49¹, 49⁴» рақамлари билан алмаштирилсин;

«241⁵» рақами «241⁵ (бундан лицензия беришда ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратишга доир қисми мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича судлар якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳам кўриб чиқади, бундан ушбу Кодекс 50¹, 51¹-моддаларида, 60-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 60¹, 65, 68, 68¹, 85¹-моддаларида, 99-моддасининг биринчи — еттинчи, тўққизинчи — ўн биринчи қисмларида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), 99-моддасининг саккизинчи қисмида (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига оид қисмида), 99-моддасининг ўн иккинчи қисмида (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекциясига оид қисмида), 159-моддасининг биринчи қисмида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида), иккинчи ва учинчи қисмларида, 163, 163¹-моддаларида, 175-моддасининг биринчи, учинчи ва олтинчи қисмларида, 211 ва 283-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

6) қўйидаги мазмундаги **245¹²-модда** билан тўлдирилсин:

«245¹²-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция органлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция органларига ушбу Ко-

декснинг 47², 48, 51¹-моддаларида, 99-моддасининг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида, 198⁸, 215⁹-моддаларида, 241⁵-моддасида (лицензия беришда ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шарт-шароитлар яратишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий инспекция органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга Ижтимоий инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Ижтимоий инспекция ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари ҳақлидир»;

7) 266⁴-модда:

номидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «**Вазирлар Маҳкамаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекс 72-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида (ичимлик эҳтиёжлари учун сув қудуқларини казишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузишга оид қисмида), 74-моддасида (ичимлик суви олишнинг белгиланган лимитларини бузишга доир қисмида), 75-моддасида (ичимлик суви иншоотлари орқали чиқарилаётган ичимлик суви миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини бузишга оид қисмида), 76-моддасида (ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга доир қисмида), 99-моддасида (бундан йўл қурилиши соҳасидаги қонунчиликни бузиш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш ёки аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларига зид равишда (бош режаларда назарда тутилмаган) бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуриш, шаҳарсозлик ҳужжатларига уларда ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлими (қисми) мавжуд бўлмаган ҳолда ёки шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган ушбу алоҳида бўлим (қисм) бўйича эксперт ташкилотлар томонидан ижобий хулоса бериш, шаҳарсозлик ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича лойиҳанинг алоҳида бўлимига (қисмига) амал қилинмаган ҳолда қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси органлари томонидан рухсатнома бериш мустасно), 101-моддасида (кўп квартирали уйларнинг иссиқлик таъминотига оид қисмида), 159-моддасининг биринчи қисмида (кўп квартирали уйлардаги турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, кўп квартирали уй-жой фондидан техник фойдаланиш

қоидалари ва нормаларини бузишга оид қисмида), иккинчи ва учинчи қисмларида, 163, 163¹ ва 163²-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

Иккинчи қисмининг:

Биринчи хатбошисидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи хатбошисидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи хатбошисидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи қисмидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда; 2024 йил, № 5, 460-модда, № 9, 958, 964-моддалар; 2025 йил, № 2, 188-модда) **45-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг фуқаронинг ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишга муҳтожлигини аниқлашга қаратилган сўрови бўйича»;

бешинчи ва **олтинчи хатбошилар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил,

№ 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда; 2024 йил, № 10, 1076-модда, № 12, 1286-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда тўртинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига (бундан буён матнда ижтимоий ҳимоя органи деб юритилади) умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, васийликдаги шахснинг мол-мулкни тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризага асосан юборилган сўровга кўра, амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотномалар (маълумотлар), шу жумладан қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди, ҳадя, ижара, гаров, текин фойдаланиш, лизинг шартномалари тўғрисидаги ва ижара ҳақининг миқдори ҳақидаги, автомобилотранспорт воситасини бошқариш ва сотиш ҳуқуқи билан берилган ишончномалар тўғрисидаги, мерос ва ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳамда даромад келтирадиган ва мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа битимларнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар»;

2) **18-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«умрбод таъминлаш шарти билан уйни (квартирани) бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, васийликдаги шахснинг мол-мулкни тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотларни ижтимоий ҳимоя органига тақдим этиши;

амалга оширилган нотариал ҳаракатлар ҳақидаги маълумотномаларни (маълумотларни), шу жумладан қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди, ҳадя, ижара, гаров, текин фойдаланиш, лизинг шартномалари тўғрисидаги ва ижара ҳақининг миқдори ҳақидаги, автомобилотранспорт воситасини бошқариш ва сотиш ҳуқуқи билан берилган ишончномалар тўғрисидаги, мерос ва ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳамда даромад келтирадиган ва мажбурий давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа битимларнинг миқдори ҳақидаги маълумотларни ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризага асосан ижтимоий ҳимоя органи томонидан юборилган сўровга кўра тақдим этиши»;

ўн учинчи — **ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи** — **ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **34-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, шу жумладан ижтимоий картани расмийлаштириш ҳақидаги аризадаги ариза берувчининг ва у билан бирга яшовчи оила аъзоларининг (ўз оиласига эга бўлмаганда ота-онасининг, шунингдек ўз оиласига эга бўлганда эрининг, хотинининг, ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшли ва ундан катта ёшли фарзандларининг) имзоларини нотариал шаҳодатлаш талаб этилмайди. Мазкур аризада ижтимоий ҳимоя органига ариза берувчининг ва у билан бирга яшовчи оила аъзоларининг (ўз оиласига эга бўлмаганда ота-онасининг, шунингдек ўз оиласига эга бўлганда эрининг, хотинининг, ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшли ва ундан катта ёшли фарзандларининг) имзолари уларга доир бўлган, ушбу Қонун 6-моддаси тўртинчи қисмининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маълумотларни, шунингдек кредит ахборотини, қимматли қоғозлар бозоридаги махфий ахборотни ва банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлса, олишга ҳамда уларга ишлов беришга бўлган розилигидир. Бунда ижтимоий ҳимоя органининг ходимлари мазкур аризадаги имзоларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўлади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сир** тўғрисида»ги 530–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда; 2022 йил, № 4, 337-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда; 2025 йил, № 2, 194-модда) **8-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ариза берувчига ва у билан бирга яшовчи оила аъзоларига (ўз оиласига эга бўлмаганда ота-онасига, шунингдек ўз оиласига эга бўлганда эрига, хотинига ҳамда ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшли ва ундан катта ёшли фарзандларига) доир банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлса, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризага асосан олишга ҳамда уларга ишлов беришга ҳақлидир»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил,

№ 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 2, 188, 191-моддалар) **50-моддасининг иккинчи қисми** «давлат солиқ хизмати органларига» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги ЎРҚ–301-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда; 2025 йил, № 3, 369-модда) **24-моддасига** қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин:

биринчи қисм «шунингдек» деган сўздан кейин «ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мақсадда ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризага асосан кредит ахбороти субъектининг ва у билан бирга яшовчи оила аъзоларининг (ўз оиласига эга бўлмаганда ота-онасининг, шунингдек ўз оиласига эга бўлганда эрининг, хотинининг ҳамда ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшли ва ундан катта ёшли фарзандларининг) тўловга қобилиятлилигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига кредит ахбороти тақдим этилади ҳамда унинг алмашинуви амалга оширилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлар тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076-модда, № 11, 1190-модда, № 12, 1283, 1284, 1296, 1297-моддалар; 2025 йил, № 2, 188,

194-моддалар) **378-моддаси** қуйидаги мазмундаги **20¹-банд** билан тўлдирилсин:

«20¹) Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига ёки Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар аъзоларига қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳомийлик ташкилотлари томонидан солиқ даври мобайнида базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри бериладиган пул маблағлари тарзидаги ҳомийлик хайриялари».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда, № 10, 1076, 1079-моддалар, № 11, 1191-модда, № 12, 1279, 1280, 1285-моддалар; 2025 йил, № 1, 4, 6-моддалар, № 2, 188, 189, 195, 197-моддалар) **илова 7-бандининг «а» кичик банди** қуйидаги мазмундаги **изоҳ** билан тўлдирилсин:

«Изоҳ. Ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, хотин-қизлар ҳамда болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–641-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 594-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2024 йил, № 9, 956, 958-моддалар, № 10, 1079-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **27-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат мулки бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланган тартибда ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун бепул асосда тақдим этилади»;

2) **31-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқарони ногиронлиги бўлган шахс ёки ўн саккиз ёшгача бўлган болани ногиронлиги бўлган бола деб топиш тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади»;

олтинчи қисмидаги «ўн» деган сўз «йигирма» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи қисмидаги «шахсий йиғмажилдларини» деган сўзлар «кўрик ишларини электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **34-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Протез-ортопедия мосламаларининг ва реабилитация қилиш техник воситаларининг рўйхати, бундай воситалар билан таъминлаш тартиби, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

4) **36-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда кўрсатилади»;

5) **37-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «соғлиқни сақлаш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари» деган сўзлар «давлат органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ёки педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрда қабул қилинган «**Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–644-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 8, 630-модда) **24-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг сўровига кўра»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча **олтинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар; 2025 йил, № 1, 3, 6-моддалар, № 2, 189, 197-моддалар, № 3, 376-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **2-илова** қуйидаги мазмундаги **125-позиция** билан тўлдирилсин:

«

125.	Объектда ногиронлиги бўлган шахслар учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ қулай шарт-шароитлар яратилганлиги бўйича хулоса	Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолият учун лицензия олиш, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш, кредит бюрolari фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш, тиббий фаолият учун лицензия олиш, фармацевтика фаолияти учун лицензия олиш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
------	---	--	--

»;

2) **4-илованинг II-бўлими** қуйидаги мазмундаги **115-позиция** билан тўлдирилсин:

«

115.	Объектда ногиронлиги бўлган шахслар учун шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ қулай шарт-шароитлар яратилганлиги бўйича хулоса	100
------	---	-----

».

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий химоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 9-моддасининг 1-бандида назарда тутилган ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан бепул шуғулланиш учун давлат мулки бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини тақдим этиш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1 ва 11-моддалари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 8-моддасининг қоидалари 2025 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 декабрь,
ЎРҚ–1102-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ

793 Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
15 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 29 майда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2024 йил 27 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 декабрь,
ЎРҚ-1103-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

794 Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада соддалаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда — божхона органлари) фаолиятида назорат, таҳлил ва хавфларни баҳолаш тизимларининг замонавий шаклларида фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш ҳамда ташқи савдони эркинлаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар 2027 йилга қадар божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

(а) товарларни бевосита чегарада экспорт ва импортга расмийлаштириш ҳажмини 2 баробарга ошириш;

(б) божхона тўловларини кечиктириб тўлаш асосида товарларни эркин муомалага чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга ошириш;

(в) ваколатли иқтисодий операторлар сонини 200 тадан ошириш;

(г) божхона аудити қамровини 30 фоизга етказиш.

II. Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш ва такомиллаштириш

2. 2026 йил 1 мартдан бошлаб товарларни улар чегара ўтказиш пунктига етиб келгунига қадар дастлабки декларациялаш орқали эркин муомалага чиқариш божхона режимида жойлаштиришда:

(а) божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими миқдори 20 фоизга пасайтирилсин;

(б) божхона тўловларини бўлиб-бўлиб (кечиктириб) тўлашда 14 кунгача фоизлар ҳисобламаслик амалиёти жорий этилсин.

3. 2026 йил 1 майдан бошлаб товарларни даврий декларация орқали расмийлаштиришда божхона тўловларини товарлар республика ҳудудига кириб келганда ҳар бир партия учун алоҳида тўлаш имконияти яратилсин.

4. Қуйидагилар бўйича божхона органларининг ахборот тизимида хавф аниқланмаган тақдирда, божхона юк декларациялари автоматик расмийлаштирувдан ўтказилсин:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 декабрда эълон қилинган.

(а) йирик солиқ тўловчи ташкилотлар, давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар томонидан импорт қилинаётган ташқи савдо юклари;

(б) тариф ва нотариф чекловлар татбиқ этилмайдиган экспорт қилинаётган юklar.

5. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида юқори ва ўрта даражаларини эгаллаган ваколатли иқтисодий операторларга қўшимча қуйидаги имкониятлар тақдим этилсин:

(а) божхона тўловлари ва солиқларни қайтариш, ўзаро ҳисобга олишда соддалаштирилган тартиботларни жорий этиш;

(б) товарларни қадоқлаш, ўраш, саралаш ва тозалаш каби қайта ишлаш операцияларида қайта ишлаш учун рухсатнома талаб қилмаслик.

III. Чегара ўтказиш пунктларидаги назорат тартиботларини такомиллаштириш

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) Чегара қўшинлари томонидан шахсларни паспорт назоратидан ўтказишда қуйидаги асосларга кўра божхона органларини хабардор этиш амалиёти йўлга қўйилади:

(i) божхона органлари ахборот тизимида шахснинг божхона назоратидаги автотранспорт воситаси мавжудлиги тўғрисида маълумот бўлса;

(ii) шахс божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги ёки бузиш хавфи мавжуд бўлса;

(б) қуйидагиларни амалга ошириш орқали чегара ўтказиш пунктларида божхона органларининг фаолияти мақбуллаштирилади:

(i) 1-иловага* мувофиқ чегара ўтказиш пунктларидаги божхона назорати тартиб-таомилларини Чегара қўшинларига ўтказиш орқали;

(ii) 2-иловага* мувофиқ чегара ўтказиш пунктларида 2026 йил 31 декабрга қадар синов тариқасида автотранспорт воситаларини кўздан кечиришни фақатгина Чегара қўшинлари томонидан амалга ошириш орқали;

(в) рўйхати 3-иловада* келтирилган божхона постлари тугатилади.

7. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Божхона қўмитасининг «Ойбек», «С. Нажимов» ва «Сирдарё» чегара божхона постларини 2026 — 2029 йилларда реконструкция қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

IV. Божхона тўловлари ва йиғимларини ундириш тартибларини соддалаштириш

8. Белгилансинки, 2026 йил 1 июндан бошлаб:

(а) тадбиркорлик субъектларига божхона божини 120 кунга қадар кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади;

(б) божхона тўловлари тўланишини таъминлашнинг бош таъминоти тўридан фойдаланишда хавфларни бошқариш тизимининг натижаларидан ке-

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

либ чиқиб, тадбиркорлик субъектларига пасайтирилган миқдорда таъминот тақдим этилади.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 мартдан 2027 йил 1 мартга қадар синов тариқасида:

(а) мутасадди вазирлик ва идоралар таклифларига асосан Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) тайёр маҳсулотлар учун божхона божи суммасидан кўра уларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хомашё ва материаллар импорти учун ундириладиган божхона божи суммаси баландроқ ҳисобланадиган товарлар рўйхатини босқичма-босқич шакллантиради;

(б) шакллантирилган рўйхатдаги товарларни қайта ишлаш учун олиб килинадиган хомашё ва материалларни божхона ҳудудига қайта ишлаш божхона режимидан сўнг эркин муомалага чиқаришда:

(i) импорт божхона божи, уларнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдорида қайта ишлаш маҳсулотидан ундирилади;

(ii) қонунчилик билан назарда тутилган божхона тўловларидан имтиёзлар қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан қўлланади;

(в) мазкур тартиб асосида олиб кирилган хомашё ва материаллардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат ўрнатишга Божхона қўмитаси масъул этиб белгиланади.

10. Комиссияга (Ж. Ходжаев) Товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда — ТИФ ТН) бўйича хомашё ва товарларнинг кодларини кичик субпозициялар даражасида деталлаштириш ва уларга божхона божи ставкаларини белгилаш ваколати берилсин.

11. Комиссия (Ж. Ходжаев) икки ой муддатда ТИФ ТН кодларини манипуляция қилиш хавфи мавжуд бўлган товарларга бир-бирига яқин бўлган товарлар учун бир хил ставкаларни қўллаш тамойили асосида импорт божи ставкаларини ваколати дорасида қайта кўриб чиқсин.

V. Товарлар чиқариб юборилгандан кейинги божхона назоратини янада такомиллаштириш

12. 2026 йил 1 июлдан бошлаб божхона аудити доирасида:

(а) аудит ўтказилиши режалаштирилган тадбиркорлик субъектига йўл қўйган камчиликлари тўғрисида олдиндан хабар берган ҳолда тадбиркорнинг ўзи томонидан уларни бартараф этиш имкониятини берувчи «маслаҳатчи аудитор» тамойили йўлга қўйилсин;

(б) божхона органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятида ўтказилган божхона назорати натижалари тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини аниқлашда инобатга олинсин;

(в) божхона органлари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазо чораларини уларнинг хусусияти ва аҳамиятига мутаносиб равишда дифференциялаш орқали адолатли ёндашув таъминлансин;

(г) божхона назорати давомида аниқланиб, қўшимча ҳисобланган божхо-

на тўловларининг сўзсиз тартибда ундирилиши тўғрисидаги инкассо топширикномасини юбориш амалиёти жорий этилсин.

VI. Қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва жавобгарлик чораларини кучайтириш

13. Белгилансинки, 2028 йил 1 январдан бошлаб 4-иловага мувофиқ божхона соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун молиявий жарималарни қўллаш тартиби жорий этилади. Бунда:

(а) молиявий жарималар фақат юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан қўлланади;

(б) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан молиявий жарималар қўлланганда уларнинг мансабдор шахслари ёки якка тартибдаги тадбиркорлар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Олий суд ва Бош прокуратура билан биргаликда олти ой муддатда мазкур Фармоннинг 13-бандидан келиб чиқиб, Божхона кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

VII. Нотариф тартибга солиш чораларини соддалаштириш

15. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ташқи савдо фаолияти билан боғлиқ рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатлар ва сертификатларни расмийлаштириш хавфларини баҳолаш тамойиллари асосида ишловчи ахборот тизимларини қўйидагиларни инobatга олган ҳолда 2026 йил 1 июлдан ишга туширсин:

(а) хавф даражаси паст бўлган товарлар бўйича рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатлар ва сертификатларни автоматик равишда расмийлаштириш;

(б) хавф даражаси ўрта бўлган товарларни ҳужжатли назорат тартибига ўтказиб, синов ва намуналар олмаслик;

(в) хавф даражаси юқори бўлган товарлар белгиланган тартибда синов намуналари асосида текширувдан, зарур ҳолларда, лаборатория синовларидан ўтказилгандан сўнг рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатлар ёки сертификатларни расмийлаштириш.

16. 2026 йил 1 майдан бошлаб ташқи савдога оид нотариф тартиботларни белгилашнинг қўйидаги шаффоф механизми жорий этилсин:

(а) тақиқ ва чекловлар реестри юритилади, уларни ўрнатишдан камида уч ой олдин «Ягона дарча» божхона ахборот тизимида эълон қилинади;

(б) ваколатли давлат идоралари, уларнинг қўйи ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган ҳар бир турдаги хизматлар учун йиғимлар (тўловлар) миқдори ва калькуляцияси «Ягона дарча» божхона ахборот тизимида эълон қилинади;

(в) мазкур талабларга риоя этилмасдан ўрнатилган тақиқ ва чекловлар, йиғимлар ижрога қаратилмайди.

17. Қуйидагилар бекор қилинсин:

(а) 2026 йил 1 январдан бошлаб:

(i) мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришда ҳужжатларни мажбурий тарзда Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси текширувидан ўтказиш;

(ii) сертификатлаш органларида белгиланган тартибда даврий баҳолаш ўтказмасдан туриб Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан уларни электрон тизимдан узиб қўйиш;

(iii) мувофиқлик сертификати беришни рад этиш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлмаганда ҳамда хорижий давлатлар маълумотлари асосида маҳсулотларни сертификатлаш жараёнига чеклов ва тақиқ ўрнатиш;

(б) 2026 йил 1 июндан бошлаб:

(i) Озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва эркин муомалага чиқариш жараёнида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш мажбуриятини ушбу маҳсулот импортёрига юклаган ҳолда «FSSC 22000», «IFS Food», «BRCGS Global Standard for Food Safety», «SQF Food Safety Code» халқаро тизимлари доирасида расмийлаштирилган сертификатга эга корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда санитария-эпидемиологик хулоса олиш талаби;

(ii) товарларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимида жойлаштиришда карантин рухсатномасини олиш талаби.

VIII. Соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш

18. Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон, Туркия, Хитой Халқ Республикаси ва Бельгия Қироллигидаги элчихоналари штатлар жадвалларига қўшимча равишда биттадан штат бирлигидан иборат божхона масалалари бўйича маслаҳатчи — Ўзбекистон Республикасининг Божхона қўмитаси расмий вакили (кейинги ўринларда — маслаҳатчи) лавозими киритилсин. Бунда:

(а) маслаҳатчи лавозими Божхона қўмитаси штат birlikларини мос равишда қисқартириш ҳисобидан ажратилади;

(б) маслаҳатчи лавозимига божхона органларида хизматни ўтаётган, махсус унвонга эга ходим белгиланган тартибда Божхона қўмитаси раисининг тақдимномасига мувофиқ ташқи ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

(в) маслаҳатчи божхона органлари манфаатларини қабул қилувчи мамлакатда ифодалаш, божхона соҳасидаги икки томонлама ва идоралараро музокараларда иштирок этиш, божхона назорати, хавфларни баҳолаш, товарлар келиб чиқиши ва контрабандага қарши курашиш масалалари бўйича ахборот алмашинувини ташкил этиш, ўзбекистонлик экспортёр ва импортёрларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда божхона-логистика муаммоларини ҳал этиш, халқаро стандартларни жорий этишда ҳамкорликни йўлга қўйиш, Жаҳон

божхона ташкилоти ва минтақавий қўмиталар фаолиятида иштирок этиш учун масъул ҳисобланади;

(г) маслаҳатчи ўз мажбуриятларини бажариш даврида Божхона қўмитаси кадрларининг амалдаги захирасига киритилади.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Қўйидагилар:

(а) Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага* мувофиқ;

(б) Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ахборот тизимларига реал вақт режимида тақдим этиладиган ва вазирлик-идоралар билан ахборот алмашинуви йўлга қўйиладиган қўшимча маълумотлар рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда ваколатли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда товарларни республика ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит олиб ўтишда тақиқ ва чекловларни ўрнатишнинг аниқ тартиботлари ва ягона реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) мазкур Фармоннинг 18-банди билан янги жорий этилаётган лавозимларни сақлаш харажатларини қоплаш ва молиялаштириш учун 2026 йилдан бошлаб дипломатик ваколатхоналарнинг штатлар жадвалларига киритилган ўзгартиришларни инobatга олган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигининг сўровига асосан Давлат бюджетда қўшимча маблағлар назарда тутилишини таъминласин;

(б) қўшимча штат бирликлари киритилаётган дипломатик ваколатхоналарга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан биттадан транспорт воситаларини харид қилиш ва сақлаш учун қўшимча лимит ажратсин;

(в) Божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 декабрь,
ПФ–250-сон

* 5 — 7-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 17 декабрдаги
ПФ–250-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Божхона соҳасида молиявий жарималар жорий
қилинадиган қонунбузарлик ҳолатлари
РЎЙХАТИ**

1. Божхона декларациясида божхона тўловлари миқдорини қонунга ҳилоф равишда камайтириб кўрсатиш.
2. Божхона назорати остида турган товарларни ноқонуний тасарруф этиш, йўқотиш ёки йўқ қилиш.
3. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиб шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан имтиёзлар берилишига сабаб бўлганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш.
4. Божхона органларини олдиндан хабардор қилиш тартибини бузиш ва (ёки) тақдим этилиши лозим бўлган дастлабки маълумотларни тақдим этмаслик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

795 Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда ислохотларни амалга ошириш учун йўналтирилаётган бюджет, давлат ташқи қарзи маблағларининг самарадорлиги ва ислохотларнинг натижадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг бюджет харажатлари назоратини янада кучайтириш учун соҳада илғор хорижий тажрибаларни қўллаш, рақамлаштириш қўламини кенгайтириш, давлат аудити ва молиявий назорати сифатини ошириш учун соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(а) халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз манфаатларига уйғунлашган миллий давлат аудити тизимини такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

(б) давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

(в) давлат аудити йўналишида етук ва малакали кадрларни тайёрлаш.

II. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш

2. Ҳисоб палатаси фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқ сифати ва самарадорлигини ошириш, халқаро ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш орқали унинг халқаро миқёсдаги мавқеини юксалтириш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар 5 йилда камида бир маротаба Ҳисоб палатаси фаолиятини ташқи баҳолашдан ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

3. Белгилансинки:

(а) Ҳисоб палатаси фаолиятини ташқи баҳолашдан ўтказиш:

(i) Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI) ва бошқа халқаро даражада тан олинган ташкилотлар методологиялари асосида;

(ii) келишув доирасида халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг олий аудит органлари томонидан;

(iii) мустақил баҳолаш жараёнини ташкил этиш, фаолияти бўйича барча маълумотларни тақдим этиш (бундан давлат сири билан боғлиқ маълумотлар мустасно), натижаларини жамоатчилик учун эълон қилиш шартларида амалга оширилади;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

(б) ташқи баҳолашдан ўтказиш натижалари асосида Ҳисоб палатаси фаолиятини ўрта муддатда ривожлантириш стратегияси қабул қилинади.

4. Халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш самарадорлигини ошириш, халқаро миқёсдаги аудит жараёнларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ҳисоб палатасига:

(а) халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари мурожаатлари (ташаббуслари) ва техник топшириқлари асосида уларнинг маблағлари ҳисобидан мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг молиявий аудити;

(б) халқаро ташкилотларнинг танловларида иштирок этиш ёки ўзаро келишувлар орқали уларнинг фаолияти, лойиҳалари ва дастурлари аудити;

(в) хорижий давлатларнинг олий аудит органлари ёки халқаро аудит ташкилотлари билан:

(i) ўзининг ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича натижаларини алмашиш шарти билан алоҳида ўтказиладиган параллел аудит;

(ii) ягона дастур асосида ўзининг ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича биргаликда ўтказиладиган ва ягона якуний ҳужжат қабул қилинадиган қўшма аудит ўтказиш амалиётини йўлга қўйишга рухсат этилсин.

III. Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини рақамлаштириш

5. 2027 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — ривожлантириш дастурлари)ни шакллантиришдан бошлаб, лойиҳаларни фойдаланишга топширишга қадар барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда йўлга қўйилсин. Бунда:

(а) ривожлантириш дастурлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Kapital qo'yilmalar» автоматлаштирилган ахборот тизимида электрон тарзда шакллантирилиши;

(б) Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш «Шаффоф қурилиш» платформасида амалга оширилиши;

(в) буюртмачи ва пудратчилар ўртасида бажарилган ишлар бўйича ҳисоварақ-фактураларни келишиш «Шаффоф қурилиш» платформасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (таклиф қилинган оферталар) асосида «Kapital qo'yilmalar» автоматлаштирилган ахборот тизимида амалга оширилиши белгилансин.

6. 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

(а) Автомобиль йўллари қўмитаси Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги билан биргаликда автомобиль йўллари қурилиш жараёнлари доирасида космик тасвирлар ва дронлар ёрдамида қурилиш ҳамда молиялаштириш ҳажмларини солиштириш асосида мониторинг қилиш амалиётини йўлга қўйсин;

(б) Ҳисоб палатаси мазкур жараёнларни назорат қилиб борсин.

7. Белгилансинки, 2026 йил 1 июндан бошлаб:

(а) давлат ташқи қарзи маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг шакллантирилишидан бошлаб якуний натижага эришилгунига қадар барча босқичлари Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимида юритилади;

(б) Ҳисоб палатаси томонидан «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириладиган лойиҳалар устидан мониторинг ўрнатилади.

8. Давлат аудити ва молиявий назорати фаолиятини такомиллаштириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

IV. Давлат аудити ва молиявий назорати кўламини кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш

9. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар эксперимент тариқасида давлат органлари ва ташкилотларида маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан таъсирчан назоратни олиб боришининг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

(а) 2-иловага мувофиқ рўйхатда келтирилган давлат органлари ва ташкилотларида Ҳисоб палатасининг вакили сифатида бош инспектор фаолияти йўлга қўйилади;

(б) бош инспектор лавозимлари Ҳисоб палатасининг тузилмасида мазкур тартиб жорий этилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг бир нафар бошқарув штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади;

(в) бош инспектор 3-иловага мувофиқ вазифаларни давлат органлари ва ташкилотларида унинг иш юкламаларини инобатга олган ҳолда тасдиқландиган назорат ишларининг йиллик дастури асосида амалга оширади ҳамда фақатгина Ҳисоб палатасига ҳисобдор бўлади;

(г) бош инспектор фаолиятини баҳолаш Ҳисоб палатаси томонидан тасдиқландиган фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (КРІ) асосида амалга оширилади ва у ҳар чорак якуни бўйича Ҳисоб палатаси раиси ҳузурида ўз фаолияти юзасидан ҳисобот беради;

(д) бош инспектор фаолияти бўйича доимий ҳисобот шакллари Ҳисоб палатаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

10. Бош инспекторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий кўмаклашиш мақсадида Ҳисоб палатаси тузилмасида Давлат органлари ва ташкилотлари бюджетлари харажатларининг самарадорлигини назорат қилиш шўъбаси ташкил этилсин.

11. Ҳисоб палатасига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида давлат дастурлари, қонунчилик ва бошқарув жараёнларининг самарадорлиги, қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини баҳолашни молиявий, мувофиқлик ва самарадорлик аудитлари доирасида ўтказишга рұхсат этилсин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

V. Соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш

12. Иқтидорли ёшларни давлат аудити соҳасига мақсадли йўналтириш, соҳада таълим ва илмий-тадқиқот интеграциясини таъминлаш мақсадида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таълим йўналиши шаклида ҳуқуқий мақоми олий таълим ташкилоти факультетига тенглаштирилган Давлат аудити олий мактаби ташкил этилсин.

13. Белгилансинки:

(а) давлат аудити таълим йўналишига қабул параметрлари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида шакллантирилади;

(б) давлат аудити таълим йўналишининг ўқув дастурлари дунёнинг нуфузли Quacquarelli Symonds (QS) ва Times Higher Education (THE) ташкилотлари рейтингларида соҳалар бўйича биринчи 300 талик рўйхатдаги олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилиб, Ҳисоб палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

14. Ҳисоб палатаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Давлат аудити соҳасида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

15. Давлат органлари ва ташкилотларининг аудит хизматларига янги ишга қабул қилинган ходимлар учун аниқ режа-графикка асосан қуйидаги тартибда икки ҳафталик стажировка ўташ амалиёти жорий этилсин:

(а) давлат органлари ва ташкилотлар аудит хизматларининг раҳбарлари — Ҳисоб палатасида;

(б) давлат органлари ва ташкилотлар аудит хизматларининг ходимлари — Иқтисодиёт ва молия вазирлигида.

VI. Фармон ижросини ташкил қилиш, таъминлаш ва назорат

16. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсад, вазифалари, ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-илова* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Абдуллаев ҳамда Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

20. Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси О.А. Хакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 декабрь,
ПФ–252-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги
ПФ–252-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ҳисоб палатасининг вакили сифатида бош инспектор лавозими
жорий этиладиган давлат органлари ва ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

1. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси
2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
3. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
5. Маданият вазирлиги
6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
8. Рақамли технологиялар вазирлиги
9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
10. Спорт вазирлиги
11. Сув хўжалиги вазирлиги
12. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
13. Транспорт вазирлиги
14. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
15. Энергетика вазирлиги
16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
17. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
18. Давлат активларини бошқариш агентлиги
19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги
20. Ёшлар ишлари агентлиги
21. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Аграр соҳада тўловлар агентлиги

22. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

23. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 18 декабрдаги
ПФ–252-сон Фармониға
3-ИЛОВА

Давлат органлари ва ташкилотларида Ҳисоб палатасининг вакили сифатида фаолият олиб борувчи бош инспекторнинг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Бюджет қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси юзасидан амалға ошириладиган ишларни ташкил этиш.

2. Бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлар ижроси бўйича хавфларни баҳолаш ва самарадорлигини таҳлил қилиш.

3. Давлат ташқи қарзи ва грантлар ҳисобига амалға ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа баҳолаш ҳужжатларидан бошлаб, уларнинг яқунланишига бўлган барча жараёнларни назоратға олиш.

4. Давлат органлари ва ташкилотларининг қўшимча даромадлари ва бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш.

5. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалға ошириш, манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатларини тўхтатиш чораларини кўриш.

6. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалға ошириладиган қурилиш ишлари харажатларини мониторинг қилиш.

7. Давлат органлари ва ташкилотлари «Ситуацион марказ»ларининг фаолияти самарали амалға оширилишини ва Ҳисоб палатаси билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

8. Бюджет, ташқи қарз ва грант маблағларидан самарали ва тежамкорлик тамойили асосида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

9. Субсидияларнинг манзиллилиги ва мақсадлилигини назорат қилиш ҳамда унинг самарадорлигини таҳлил қилиш.

10. Ички назорат тузилмалари ходимлари ва «хавфларни бошқариш» қўмиталари аъзоларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда мувофиқлаштириш.

11. Давлат бюджети харажатлари самарали ва мақсадли ишлатилиши билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

12. Жорий назорат натижалари бўйича ҳар чораклик ҳисоботни «Давлат аудити» дастурий комплексига мажбурий тарзда киритиш.

13. Молиявий соҳадаги коррупциявий хатарлар аниқланган тақдирда, дархол Ҳисоб палатаси раисига ахборот бериш ва маълумотларни «Давлат аудити» дастурий комплексига киритиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

796 Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда конституциявий назорат самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, Конституциявий суд фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш, конституциявий одил судловга эришиш кафолатларини кучайтириш ҳамда Конституциявий суднинг қонун устуворлигини таъминлашдаги ролини янада ошириш мақсадида, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар Конституциявий суд фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор мақсадлари этиб белгилансин:

(а) фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий одил судловга эришиш, уларнинг бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш имкониятларини кенгайтириш;

(б) фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (шикоятлари)ни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқлар ва оворагарчиликларни бартараф этиш;

(в) Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш орқали ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатиш;

(г) конституциявий суд ишларини юритиш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали Конституциявий суд фаолиятида шаффофликни ошириш.

II. Конституциявий суд фаолияти самарадорлигини ошириш

2. Конституциявий суднинг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотида (кейинги ўринларда — Ахборот) қайд этиладиган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этишнинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга оид Олий Мажлис палаталари ва Конституциявий суднинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Ахборотда қайд этилган таклиф ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан чора-тадбирлар режасини Олий Мажлис палаталари кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқлаш ҳамда унинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш;

(б) масъул давлат органлари томонидан Олий Мажлис палаталари кенгашлари тасдиқлаган чора-тадбирлар режасида назарда тутилган топши-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

риклар ижроси юзасидан белгиланган муддатларда Олий Мажлис палаталари ва Конституциявий судга ахборот киритиш.

3. Конституциявий суднинг мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

(а) Конституциявий судга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳуқуқи субъекти бўлмаган фуқаро ёки юридик шахс томонидан Конституциявий судга тааллуқли масала юзасидан йўлланган мурожаатни Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектга юбориш;

(б) Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъект томонидан фуқаро ёки юридик шахснинг мурожаатидаги масала Конституциявий судга киритилмаган ҳолатларда муаллифга унинг мурожаатидаги масалани Конституциявий судга киритишга асос мавжуд эмаслигини тушунтирган ҳолда хабар бериш ва Конституциявий судга ахборот тақдим этиш амалиётини жорий этиш.

4. Конституциявий суд (М. Абдусаломов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2026 йил 1 июнга қадар фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, конституциявий суд ишларини юритиш, хулоса ва қарорларни қабул қилиш каби процессуал масалаларни ўз ичига олган конституциявий суд ишларини юритишни тартибга солувчи конституциявий қонун лойиҳасини киритсин.

5. Конституциявий суднинг конституциявий шикоят институти самарадорлигини ошириш ва суд ҳимоясини таъминлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) муайян иш бўйича суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилиши суд ҳужжатини ўрнатилган тартибда қайта кўришга;

(б) муайян иш бўйича қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан Конституциявий судга Олий суд томонидан мурожаат киритилиши ҳолатини судда тегишли иш бўйича иш юритувини тўхтатишга асос сифатида белгилаш.

III. Конституциявий суд фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш

6. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2026-2027 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини рақамлаштириш дастури I-илова* мувофиқ тасдиқлансин:

(а) суд иштирокчиларини Конституциявий суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида «Суд хабарномаси» электрон хизмати ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси орқали Давлат бюджети ҳисобидан электрон тарзда хабардор қилиш;

* I-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) суд мажлислари видеоконференцалоқа режимда, шу жумладан, мобил иловадан фойдаланган ҳолда ўтказилишини таъминлаш;

(в) Конституциявий суд фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида фуқаро ва юридик шахсларга интерактив хизматлар кўрсатадиган ахборот тизимларини яратиш;

(г) одил судловни амалга оширишда зарур бўлган маълумотларни фуқаро ва юридик шахсларни овора қилмаган ҳолда ваколатли давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш амалиётини йўлга қўйиш;

(д) суд мажлисларини аудиоёзув орқали қайд этиб бориш ҳамда суд мажлиси баённомаларини ушбу тизим ёрдамида шакллантириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборот тизимини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Конституциявий суд ахборот тизимини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан белгиланган тартибда интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар Конституциявий суднинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

9. 2027 йил 1 августдан бошлаб Конституциявий суд фаолиятига қуйидаги имкониятларга эга «E-KSUD» ахборот тизими синов тарихида жорий этилсин:

(а) Конституциявий судга электрон шаклда мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш;

(б) фуқаролар ва юридик шахсларга одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида интерактив хизматлар кўрсатиш;

(в) суд мажлисларини жонли эфирга узатиш имкониятини яратиш;

(г) ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

10. Белгилансинки, Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштиришда:

(а) дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳамда халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

(б) зарур компьютер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ҳамда халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ (кейинги ўринларда — Ягона интегратор) Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш бўйича тизим оператори этиб белгилансин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

(а) Конституциявий суд фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни рақамлаштириш;

(б) «E-KSUD» ахборот тизимини жорий этиш, бошқа ахборот тизимлари

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан интеграциясини амалга ошириш ҳамда Конституциявий судга мазкур йўналишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб бориш.

12. Қуйидагиларга:

(а) Ягона интеграторга Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркининг резиденти мақомини сақлаб қолган ҳолда, истисно тариқасида, суд фаолияти учун дастурий-аппарат комплекслари, ахборот тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси, шунингдек, ушбу мақсадлар учун зарур ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиб бериш ҳуқуқи;

(б) Конституциявий судга:

(i) лойиҳа ва техник ҳужжатларни тайёрлаш, дастурий-аппарат комплекслари, автоматлаштирилган ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва муҳандислик инфратузилмаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун зарур ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиб бериш бўйича Ягона интегратор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи;

(ii) дастурий-аппарат комплекслари, ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва муҳандислик инфратузилмасига оид лойиҳаларни бажариш доирасида ускуналар, бутловчи қисмлар, технологик ҳужжатлар ва дастурий таъминотни етказиш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан Ягона интегратор билан тузилган шартномалар бўйича 30 фоизгача миқдорда олдиндан тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

IV. Конституциявий суд фаолиятига оид ташкилий масалалар

13. Конституциявий суд фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан самарали таъминлаш мақсадида 2026 йил 1 январдан қўшимча 8 та штат бирлиги ажратилсин.

14. Конституциявий суднинг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди» эмблемаси намунасини тайёрлаш ва ундан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

(а) Конституциявий суд девони раҳбари, экспертлар гуруҳи раҳбари ва бўлим бошлиқларига Олий суд судьяси, бошқарув ходимларига эса вилоят даражасидаги умумюрисдикция суди судьяси учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

(б) ушбу банднинг «а» кичик бандидаги шартлар муқаддам судьялик лавозимида ишлаган шахсларга нисбатан қўлланилиб, ушбу шахсларнинг шу лавозимларда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади ва пенсия тайинлашда ҳисобга олинади.

16. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Конституциявий суд ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига қуйидагилар киритилсин:

(а) ўз хизмат вазифасини виждонан бажараётган ҳамда алоҳида муҳим ишларни амалга ошираётган ходимларни икки ойлик лавозим маоши миқдоридан (алоҳида меҳнат шароитлари инobatга олинган ҳолда) мукофотлаш;

(б) лавозим маошининг бир баравари миқдорида (алоҳида меҳнат шaroитлари инoбатга oлинган ҳoлда) йилда бир марoтаба моддий ёрдам пули;

(в) лавозим маошининг 15 фоизи миқдоридаги (алоҳида меҳнат шaroитлари, малака даражаси ва мансаб даражаси учун қўшимча ҳақ ҳамда меҳнати рағбатлантириш коэффициентини инoбатга oлинган ҳoлда) моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағлари.

17. Вазирлар Маҳкамаси 2026 йил 1 мартга қадар Конституциявий судни алоҳида бинода жойлаштириш, уни реконструкция қилиш ва жиҳозлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (А. Хайдаров) ушбу Фармонга асосан ажратилаётган қўшимча штат бирликларини 2026 йилдан бошлаб молиялаштириш учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларнинг назарда тутилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Конституциявий суд (М. Абдусаломов) Олий суд (Б. Исламов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармон талабларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

21. Фармон ижросини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Н.Ж. Хақимова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 декабрь,
ПФ–253-сон

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

797 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида*

2027 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтадиган футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этиш ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси ва Осиё футбол конфедерациясининг нуфузли йирик мусобақаларини ўтказиш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор йўналишлар

1. 2027 йилда футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатини (кейинги ўринларда — Жаҳон чемпионати) ташкил этиш ва ўтказишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Жаҳон чемпионатиغا муносиб тайёргарлик кўриш, уни юқори даражада ўтказиш;

(б) Жаҳон чемпионатиغا тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (кейинги ўринларда — ФИФА) талабларига мувофиқ зарур бўлган инфратузилмани яратиш;

(в) Жаҳон чемпионати иштирокчилари ва мухлисларига юқори даражадаги хизматларни кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш;

(г) Жаҳон чемпионатини ўтказиш орқали мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

II. Жаҳон чемпионатини ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар

2. Қуйидагилар:

(а) 2025 йил 2 октябрь куни ФИФА Кенгаши томонидан футбол бўйича Жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

(б) 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

(в) 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага (А. Арипов) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) Жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказиш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 декабрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(б) ФИФА талабларига мувофиқ Жаҳон чемпионати ўтказиладиган объектларнинг инфратузилмасини яхшилаш, замонавий техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланишини таъминлаш;

(в) Жаҳон чемпионати иштирокчиларининг Ўзбекистонга келиб-кегиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт, тиббий хизмат кўрсатиш ва волонтерлик масалаларини мувофиқлаштириш;

(г) Жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган ҳудудларни узлуксиз ва муқобил электр энергияси билан таъминлаш, ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

(д) Жаҳон чемпионати бўлиб ўтадиган ҳудудларда футбол стадионлари, машғулот майдонлари ва меҳмонхоналарни тайёр ҳолатга келтириш.

4. Белгилансинки, Ташкилий қўмитага ушбу қарорнинг 3-бандида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Жаҳон чемпионатини юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ тезкор қарорларни қабул қилиш ваколати берилади.

III. Молиявий ресурслар

5. 2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати доирасида амалга ошириладиган харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабнома-ларига асосан Транспорт вазирлиги:

(а) Жаҳон чемпионатида аккредитациядан ўтган шахслар ҳамда ўйин кунлари чипталари мавжуд бўлган шахсларнинг жамоат транспорти воситаларида бориб келиши учун Тошкент — Янги Тошкент — Тошкент йўналишида алоҳида автобуслар қатновини йўлга қўйсин;

(б) Жаҳон чемпионатида аккредитациядан ўтган шахслар ҳамда ўйин кунлари чипталари мавжуд бўлган шахслар учун жамоат транспорти воситаларидан (автобус, метро) бепул фойдаланиш имкониятларини яратиш чораларини кўрсин.

IV. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

7. ФИФА ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг Тошкент шаҳрида ФИФАнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий офисини (кейинги ўринларда — минтақавий офис) очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Белгилансинки:

(а) минтақавий офисни ташкил этиш ва сақлаш харажатлари биринчи навбатда ФИФА томонидан ажратиладиган маблағлар, етмаган қисми эса Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бироқ умумий харажатларнинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда қопланади;

(б) минтақавий офис Тошкент шаҳри Ислом Каримов кўчаси 98а-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон футбол ассоциациясининг биносида беғараз асосда жойлаштирилади;

(в) минтақавий офис биносини таъмирлаш, зарур мебель, жиҳоз, техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 ноябрдаги ПҚ–355-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади. Бунда минимал сақлаш талаблари Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан белгиланади.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Жаҳон чемпионатини юқори савияда ўтказиш мақсадида:

(а) Ўзбекистон футбол ассоциацияси Янги Тошкент шаҳри ҳудудига барпо этилаётган «Янги Тошкент марказий футбол ўйингоҳи» ФИФА ва Осиё футбол конфедерациясининг нуфузли мусобақалар ўтказиш бўйича талабларига мослаштирилишини назорат қилсин;

(б) Ўзбекистон футбол ассоциацияси Спорт вазирлиги билан биргаликда:

(i) Жаҳон чемпионатининг расмий футбол тўпини, логотипини, рамзини (маскот) оммага таништириш маросимлари ҳамда бошқа расмий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш чораларини кўрсин;

(ii) Жаҳон чемпионати бош соврини — Жаҳон кубогини оммага таништириш учун республика бўйлаб маршрутини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини ташкил этсин;

(в) Энергетика вазирлиги Жаҳон чемпионати объектлари ва Халқаро трансляция марказини ФИФА талаблари бўйича узлуксиз ва муқобил электр энергияси билан таъминласин;

(г) Ўзбекистон футбол ассоциацияси 2026 йил 1 январга қадар ФИФА талаби асосида Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича маҳаллий ишчи гуруҳ (Local Organization Committee) ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги:

(а) ФИФА томонидан белгиланган талабларга мувофиқ Жаҳон чемпионати учрашувларини эфирга узатиш ҳуқуқи учун лицензия олиш чораларини кўрсин;

(б) Жаҳон чемпионатини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича медиарежани ишлаб чиқсин;

(в) мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар эълон қилиниши, брифинглар, тематик телекўрсатувлар тайёрланишини ташкил этсин.

11. Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) уч ой муддатда мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ харажатларни молиялаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

(б) 2026 йил 1 майга қадар Вазирлар Маҳкамасининг ФИФА билан эришилган келишувдан келиб чиқиб, Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва юқори савияда ўтказиш доирасида ФИФАга, унинг аъзолари ва ҳамкорларига, ташкил этилаётган маҳаллий ишчи гуруҳга, тадбиркорлик субъектлари

ва мухлисларга тақдим этилаётган қулайлик ва имтиёзларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ҳукуматга киритсин.

12. Иқтисодийёт ва молия вазирлиги Жаҳон чемпионатиға муносиб тайёргарлик кўриш, уни юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган маблағлар 2026-2027 йилларда Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишға масъул ва шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси Б.Н. Курбанов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ш.Б. Умурзаков белгилансин.

14. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 декабрь,
ПҚ–376-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 15 декабрдаги
ПҚ–376-сон қарорига
3-ИЛОВА

**2027 йилги футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионати
доирасида амалга ошириладиган харажатлар ва уларни
молиялаштириш манбалари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

(а) 2027 йилда футбол бўйича U-20 Жаҳон чемпионатининг (кейинги ўринларда — Жаҳон чемпионати) қуръа ташлаш, очилиш ва ёпилиш маросимларини ташкил этиш ва ўтказиш;

(б) Жаҳон чемпионати спорт объектларини ижараға олиш, безатиш, тарғибот материалларини (тарқатма материаллар ва бошқалар) тайёрлаш ва чоп этиш ҳамда ахборот-кўнгилочар тизимни (Infotainment) Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (кейинги ўринларда — ФИФА) талабномаси асосида зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

(в) расмий хорижий меҳмонлар, иштирокчи жамоалар, ҳакамлар, уларга бириктирилган гид-таржимон ва кузатувчилар, волонтер, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ташкилий қўмита аъзолари, маҳаллий ишчи гуруҳ аъзоларининг меҳмонхонаға жойлаштирилишини, транспорт воситалари билан таъминланишини, овқатланишини ташкил этиш;

(г) ташкилий масалаларни тезкор ҳал қилиш бўйича маҳаллий ишчи гуруҳ (Local Organization Committee) аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш харажатларини қоплаш;

(д) Жаҳон чемпионати ўтказиладиган объектлар, матбуот хоналарини LED мониторлар, зарур техника воситалари, синхрон таржима жиҳозлари ва юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш;

(ж) Жаҳон чемпионатини ўтказиш учун зарур бўлган спорт жиҳозлари ва анжомлари ҳамда асбоб-ускуналарни харид қилиш;

(з) Халқаро трансляция марказини ташкил этиш ва унинг ФИФА талабларига мувофиқ фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш ҳамда ФИФА талабларига асосан ишлаб чиқиладиган Хавфсизлик концепциясига мувофиқ техник воситалар ҳамда ускуналар билан таъминлаш;

(и) Жаҳон чемпионатини тарғиб қилувчи расмий видеороликларни тайёрлаш;

(к) Жаҳон чемпионати бош соврини — Жаҳон кубогини оммага таништириш тадбирларини ташкил этиш;

(л) Жаҳон чемпионати ўтказиладиган спорт объектларини умумий суғурта (мулкӣ ва жавобгарлик) қилиш ҳамда ФИФА ходимлари учун ҳаётни суғурта (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти) қилиш харажатларини қоплаш;

(м) Жаҳон чемпионатининг расмий футбол тўпини, логотипини, рамзини (маскот) оммага таништириш маросимлари ҳамда бошқа расмий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

(н) Жаҳон чемпионати доирасида хорижий (инглиз, араб, француз, испан, португал, немис) тилларда синхрон таржимонлар иштирокини таъминлаш;

(о) Жаҳон чемпионатини хорижий оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

(п) расмий хорижий меҳмонлар, иштирокчи жамоалар, ҳакамлар, уларга бириктирилган гид-таржимон ва кузатувчилар, волонтер, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Ташкилий қўмита аъзолари, маҳаллий ишчи гуруҳ аъзоларининг республика ҳудудида ҳаракатланиши учун авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш;

(р) ФИФА талабларидан келиб чиқиб юзага келадиган бошқа харажатлар.

2. Жаҳон чемпионати гуруҳ ўйинлари ўтказиладиган ҳудудлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан:

(а) Жаҳон чемпионати ўтказиладиган ва диққатга сазовор жойларни ободонлаштириш ҳамда тадбир ўтказиш учун тайёр ҳолга келтириш;

(б) аэропорт ва темир йўл вокзалларида ҳамда марказий кўчалар бўйлаб ўрнатилган баннерлар ва LED мониторларда Жаҳон чемпионатини кенг ёритиш;

(в) хорижий иштирокчилар, уларга бириктирилган гид-таржимон ҳамда кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларини Жаҳон чемпионати гуруҳ ўйинлари ўтказиладиган ҳудудлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб ҳаракатланиши учун транспорт воситалари билан таъминлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

798 Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ҳудудларда комплекс ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Аҳоли эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:

(а) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун уларни жамиятга интеграция қилишга қаратилган ижтимоий хизматларни жорий этиш;

(б) чекловларсиз ва жамият билан узвий боғланган ижтимоий хизмат кўрсатиш шаклларини жорий этиш орқали интернат шаклида хизмат кўрсатиш тизимини ноинституционаллаштириш жараёнларини жадаллаштириш;

(в) аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда нодавлат секторнинг улушини ошириш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.

II. Ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари фаолиятини йўлга қўйиш

2. 2025 йилда Андижон ва Тошкент шаҳарларида тажриба тариқасида Ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — ҳудудий марказлар) фаолияти йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Андижон шаҳри ва Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган ҳудудий марказлар тажрибаси асосида 2026-2027 йиллар давомида босқичма-босқич 20 та ҳудудий марказ фаолияти йўлга қўйилсин.

4. Белгилансинки:

(а) ҳудудий марказлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари тизимида давлат муассасаси сифатида ташкил этилади;

(б) ҳудудий марказлар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(в) ҳудудий марказлар фаолияти учун зарур штат бирликлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг мақбуллаштирилган штатлари ҳисобидан шакллантирилади. Бунда Ижтимоий ҳимоя миллий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 декабрда эълон қилинган.

агентлиги директорига Давлат бюджетидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолияти учун ажратилган маблағлар ҳамда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудудий марказлар фаолияти учун зарур штат бирликларини жорий этиш ва молиялаштириш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар ҳудудий марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

(а) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ва оғир ҳаётий вазиятдаги болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилишини ташкил этиш;

(б) ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тўғри парваришлаш бўйича оила аъзолари ва парваришлаш билан банд бўлган бошқа шахсларнинг кўникмаларини мустаҳкамлаш;

(в) оғир ҳаётий вазиятдаги болаларнинг ижтимоий мослашувидаги муаммоларни ўрганиш орқали уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш;

(г) психологик-педагогик, таълим ва бошқа ижтимоий хизматларни тақдим этиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

(а) ҳудудий марказлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига реабилитация, абилитация, физиотерапия ва даволаш-жисмоний тарбия, қараб туриш ва парваришлаш хизматлари кўрсатилади. Бунда мазкур хизматлар нодавлат ташкилотларни, шу жумладан, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларни жалб этиш орқали ҳам кўрсатилиши мумкин;

(б) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий хизматлардан имтиёзли шартларда (хизмат харажатларини ваучер асосида ёки компенсация шаклида қоплаш) фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар ҳудудий марказлар хизматларидан «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг йўлланмаси асосида фойдаланади. Бунда ушбу шахсларга йўлланма «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб берилади;

(в) ҳудудий марказларнинг хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча тартиб-таомиллар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ахборот тизимлари орқали тўлиқ электрон шаклда амалга оширилади.

7. Қуйидагилар:

(а) Ҳудудий ижтимоий хизматлар марказларининг намунавий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

(б) Ҳудудий ижтимоий хизматлар марказларини жойлаштириш учун ажратиладиган вазирлик ва идоралар ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги балансидаги ер участкалари ва бино-иншоотларнинг рўйхати 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

8. Ҳудудий марказларни аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун зарур бино-иншоот ва инфратузилма билан таъминлаш мақсадида:

* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(а) Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ бино-иншоотларни Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ажратсин;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ой муддатда мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фойдаланишида бўлмаган ер участкаларининг белгиланган тартибда захирага қайтарилишини ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бўлинмаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

9. Белгилансинки:

(а) ҳудудий марказларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

(б) мазкур қарорга 2 ва 2а-иловаларда кўрсатилган бино-иншоотларда лойиҳалаш, қурилиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

10. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги:

(а) 2026 йил 1 майга қадар:

(i) ҳудудий марказлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича концепция ҳамда уларнинг фаолиятига қўйиладиган талабларни;

(ii) 2027 — 2029 йилларда ҳудудий марказлар фаолиятини йўлга қўйишнинг мақсадли кўрсаткичларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ҳукуматга киритилишини таъминласин;

(б) 2026 йил якунига қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудудий марказлар фаолиятини мониторинг қилиш, уларга ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини йўналтириш учун электрон йўлланмани шакллантириш ва бошқа имкониятларни таъминловчи ахборот модулини ишлаб чиқиб, «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудий марказлар фаолияти йўлга қўйиладиган бино-иншоотларда қурилиш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш бўйича таклифларни келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритиб бурсин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу

қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ҳимоя бўйича маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

14. Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 декабрь,
ПҚ–383-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

799 Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бутунжаҳон туризм ташкилоти шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2025 йил 20 ноябрдаги ПҚ–350-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеясининг 25-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ва БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти ўртасида тузилган келишув битимига мувофиқ Бутунжаҳон туризм ташкилоти (кейинги ўринларда — Ташкилот) шафелигида Халқаро туризм академияси Самарқанд кампуси (кейинги ўринларда — Академия) ташкил этилгани;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 12 январдаги ПФ–9-сон Фармонида Академияда юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳар йили Давлат бюджети ҳисобидан маблағлар ажратиб борилиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 18 июлдаги ПҚ–269-сон қарорида:

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Академияда меҳмонхоналар ва ресторанлар учун юқори малакали хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлашни йўлга қўйиш;

Академияга талабаларни қабул қилиш квоталари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиқиб белгиланиши;

Академия Самарқанд шаҳрининг Бобур Мирзо кўчаси 3а-уй манзилидаги «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетига (кейинги ўринларда — Университет) қарашли бинога бепул жойлаштирилиши назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 декабрда эълон қилинган.

2. Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо хорижий давлатларнинг иқтидорли мутахассислари Халқаро туризм академияси Самарқанд кампусида таълим олиши бўйича махсус грант ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар Академия ҳузуридаги «Глобал яшил туризм стартаплари» лабораториясининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

республикада «яшил туризм» талабларини кенг қўллашга кўмаклашувчи инновацион ишланмаларни яратиш;

стартап лойиҳаларга маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишда, шу жумладан, замонавий технологиялар ва дастурий маҳсулотлар трансферини амалга оширишда кўмаклашиш;

стартап лойиҳалар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан янги маърузалар, қўлланмалар, ўқув материаллари яратишда ҳамда «яшил туризм» масалалари билан боғлиқ ўқув фаолиятининг бошқа шаклларида фойдаланишни ташкил этиш;

«яшил туризм» йўналишида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш, уларнинг натижаларини тижоратлаштириш ва кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш;

«яшил туризм» йўналишидаги стартап лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари ва олинган натижаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш.

4. Белгилансинки:

Академиянинг маъмурий бошқарув штатлари сони 16 бирликни ташкил қилади;

Академиянинг профессор-ўқитувчилари, ўқув-ёрдамчи ва техник ходимлари сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар асосида аниқланади.

5. Туризм қўмитаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳри Гўрўғли кўчасидаги 13-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларни бузиш ёки реконструкция қилиш, ушбу ҳудудда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва «Бадий галерея» ўқув лабораториясини ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Биноларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, «Бадий галерея» ўқув лабораториясини ташкил этиш, манзарали дарахтлар, буталар ва гул кўчатларини экиш ишларини (кейинги ўринларда — қурилиш-монтаж ва ташкилий ишлар) қисқа муддатларда яқунлаш мақсадида, истисно тариқасида, Самарқанд вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» ДУКни буюртмачи этиб белгилашга рухсат берилсин. Бунда:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги қурилиш-монтаж ва ташкилий ишлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қисқа муддатда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси қурилиш-монтаж ва ташкилий ишларни амалга оширишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Туризм қўмитаси раиси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими А.М. Бобоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 декабрь,
787-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 15 декабрдаги 787-сон қарорига
ИЛОВА

**Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо хорижий давлатларнинг
иқтидорли мутахассислари Халқаро туризм академияси
Самарқанд кампусида таълим олиши бўйича махсус грант
ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо хорижий давлатларнинг иқтидорли мутахассислари Халқаро туризм академияси Самарқанд кампусида (кейинги ўринларда — Академия) таълим олиши (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) бўйича махсус грант ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ҳар йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо давлатларнинг 100 нафар иқтидорли мутахассисларига Академиянинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларида таълим олиш учун Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан махсус грант ажратилади.

3. Академиянинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларида махсус грант асосида таълим оладиган мутахассислар йил давомида ўтказиб бориладиган танлов орқали аниқланади.

4. Танловда қуйидаги шахслар иштирок эта олмайди:

а) ҳужжат топшириш вақтида шахс 45 ёшдан ошган, илгари хорижда шу каби мутахассислик бўйича малака оширган бўлса;

б) дипломатик ва консуллик корпуси аъзолари ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ва консуллик корпуси вакиллари-нинг оила аъзолари;

в) Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари;

г) Ўзбекистон Республикасида жойлашган халқаро ташкилотлар ходимлари ёки Ўзбекистонда жойлашган халқаро ташкилотлар ходимларининг оила аъзолари;

д) инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for

Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL IBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл кўрсаткичи билан тан олинган халқаро сертификатга эга бўлмаган шахслар (инглиз тилида таҳсил олган ёки инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг мутахассислари бундан мустасно);

е) соҳада олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлмаса.

5. Академиянинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурларида махсус грант бўйича таълим олиш учун номзодлар комиссия (кейинги ўринларда — Танлов комиссияси) томонидан танлаб олинади.

6. Танлов комиссиясининг таркиби ва иш тартиби «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университетининг Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) томонидан тасдиқланади.

2-боб. Танлов ўтказилишини эълон қилиш ва унда иштирок этиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

7. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ «Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети ва Академиянинг расмий веб-сайтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

махсус грант ажратиладиган таълим дастурлари рўйхати;

талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни қабул қилиш тартиби, муддати ва жойи;

танлов иштирокчиларига (ёши, чет тилини билиш даражаси, илмий мақолаларнинг мавжудлиги бўйича) қўйиладиган талаблар;

танлов босқичларини ўтказиш жойи ва муддати;

боғланиш учун телефон рақамлари ва электрон почта манзили.

8. Танлов иштирокчилари Академияга электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

белгиланган намунадаги ариза;

шахсини тасдиқловчи паспорт ёки ID карта нусхаси;

диплом ва сертификатларнинг нусхалари;

инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи IELTS бўйича камида 5,5 балл ва ундан юқори, Common European Framework of Reference for Languages (CEFR) бўйича камида B2 ва ундан юқори, TOEFL IBT бўйича камида 72 ва ундан юқори балл кўрсаткичи билан тан олинган халқаро сертификат нусхаси (инглиз тилида таҳсил олган ёки инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг мутахассислари бундан мустасно);

танлов иштирокчисининг иқтидорини намоён этиш этувчи қисқа ролик;

Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо хорижий давлатнинг туризм соҳасига масъул бўлган юқори ташкилотининг тавсияномаси.

9. Танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган иштирокчилар ҳужжатларни босма шаклда расмийлаштирилган ҳолда Академияга тақдим этади.

3-боб. Танловни ўтказиш тартиби

10. Танлов комиссияси танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқади.

11. Тўпланган хужжатлар асосида танлов иштирокчилари билан уларнинг касбий билим ва кўникмалари, шахсий-касбий хусусиятлари ва қобилиятлари йўналишида суҳбат ўтказилади, бунда суҳбат жараёни видеотасвирга туширилади.

Васийлик кенгашининг қарорига асосан танлов иштирокчиси билан суҳбат онлайн-видео мулоқот шаклида ўтказилиши мумкин.

12. Суҳбат жараёнидаги номзодга бериладиган саволлар ва уларнинг жавоблари, Танлов комиссияси аъзолари томонидан танлов иштирокчисига қўйиладиган баллар ҳамда суҳбатнинг умумий натижалари қайд этиб борилади.

13. Танлов комиссияси аъзолари танлов иштирокчисининг билими, шунингдек, иш тажрибасини ҳисобга олиб, уни суҳбатдан ўтган ёки ўтмаган деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда ушбу қарор Танлов комиссияси мажлисида ҳозир бўлган аъзоларнинг берган баллари натижаси бўйича қабул қилинади.

14. Танлов комиссияси суҳбат натижаларини умумлаштиради ва Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади.

15. Васийлик кенгаши махсус грант ажратилиши тавсия этилган танлов ғолиблари рўйхатини тасдиқлайди.

16. Академия ўз веб-сайтида танлов ғолиблари рўйхатини эълон қилади.

17. Танлов ғолиби ўқиш жараёнлари бошланганидан кейин бир ой мобайнида ўқув жараёнида иштирок этмаса, яъни Академияга кела олмаса, унга грант ажратилмайди.

18. Танлов ғолиби билан Академия ўртасида ўқув жараёнларини ташкил этиш шартлари, томонларнинг мажбуриятларини кўрсатган ҳолда шартнома тузилади.

4-боб. Апелляция комиссияси

19. Танлов ўтказилиши юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашининг қарорига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

20. Апелляция комиссиясига шикоятлар танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч кун ичида берилади.

21. Апелляция комиссияси шикоят келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт.

22. Танловни ўтказиш тартиби ва Танлов комиссияси аъзолари томонидан суҳбат жараёнида хато ва камчиликларга йўл қўйилган деб топилган тақдирда, Апелляция комиссияси танлов иштирокчилари билан қайта суҳбат ўтказиши ёки танлов натижаларни қайта ҳисоблайди.

5-боб. Танлов ғолибларига грантлар ажратиш миқдори ва шартлари

23. Махсус грант миқдори хорижий давлатлар мутахассисларининг (кейинги ўринларда — мутахассислар) қуйидаги харажатларини қамраб олади: ҳар ойда 500 АҚШ доллари эквивалентидаги стипендия ва яшаш харажатлари;

бир марталик 100 АҚШ доллари эквивалентидаги саёҳат, Ўзбекистон ҳудудлари маданияти ва ҳаёти билан танишиш билан боғлиқ харажатлар;

бир марта эконоом классда Ўзбекистонга келиш ва ўз Ватанига қайтиш харажатлари.

24. Танлов ғолиблари билан Академия ўртасида томонларнинг мажбурий ва ваколатларини белгилаб берувчи шартнома тузилади.

Тузилган шартномага мувофиқ махсус грантлар танлов ғолиблари Ўзбекистонга келган ва Академияга ўқишга қабул қилинган жараёндан бошлаб ўтказиб берилади.

25. Танлов ғолиблари шартнома шартларини бажармаган тақдирда, Академия тингловчилари сафидан четлатилади ва уларнинг Академияда бўлиши ҳамда ўқишини таъминлаш учун ажратилган барча молиявий харажатлар белгиланган тартибда Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасига қайтарилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

26. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

800 Аҳолига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–206-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки:

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тарзидаги тўловлар (кейинги ўринларда — давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар) фуқароларнинг мурожаати талаб этилмаган (проактив шаклда) ҳолда, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ) «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали тайинланади;

суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб этилган тижорат банки томонидан суғурталанган шахсларда мавжуд ижтимоий карта ёки банк картаси орқали амалга оширилади;

«Ягона реестр» АТ орқали суғурталанган шахсларнинг мобил алоқа воситаларига давлат ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ жараёнлар бўйича бепул қисқа СМС-хабарлар юборилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ:

иш берувчилар меҳнат шартномаларини, шунингдек уларга доир ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) ўз вақтида рўйхатга олиши шарт этиб белгиланганлиги;

ходимнинг хоҳишига кўра қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳолларда иш ҳақи сақланмайдиган таътил мажбурий тартибда берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026 йил 1 январдан бошлаб:

давлат ижтимоий суғуртаси доирасида барча иш берувчилар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимларга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

бериладиган барча турдаги таътилларни, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни «ЯММТ» ИДАКда рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилади;

суғурталанган шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра бир календарь йил давомида 2 иш кунидан кўп бўлмаган иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилади.

4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

бир ой муддатда «ЯММТ» ИДАКда ходимларга бериладиган барча турдаги таътилларни ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни рўйхатга олиш имкониятини яратсин;

2027 йил 1 январга қадар ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибидан бўлган шахсларнинг, судьяларнинг ва прокуратура органларининг мартаба даражаларига (ҳарбий ва махсус унвонларга) эга бўлган ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини, шунингдек уларга доир ўзгартириш ва қўшимчаларни «ЯММТ» ИДАКда киритиш имкониятларини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармасининг Кузатув кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармасининг Ижро этувчи дирекцияси тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Давлат ижтимоий суғуртаси доирасида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Давлат ижтимоий суғуртаси янги тизимининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёритиш бўйича медиа-режа 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Агентлик уч ой муддатда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали суғурталанган шахслар томонидан суғурта стажлари, тўланган суғурта бадаллари ҳисобидан хабардор бўлиш, нафақа тайинлаш рад этилганлиги ёки унинг миқдори нотўғри ҳисобланганлиги ва бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилиш имкониятини яратсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2026 йил 1 январга қадар Солиқ қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Ягона тиббий ахборот тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

* 2, 3, 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ягона тиббий ахборот тизимини Солиқ қўмитасининг тегишли ахборот тизимлари ва «ЯММТ» ИДАК билан тўлиқ интеграция қилиш;

меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштириш вақтида суғурталанган шахснинг иш жойи Ягона тиббий ахборот тизимида автоматик равишда аниқлаш имкониятини яратиш;

меҳнатга лаёқатсизлик варақасини ўтказиб юборилган кунлар учун расмийлаштиришнинг техник имкониятларини тўлиқ чеклаш, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олиниши ёки васий қилиб белгиланиши бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштиришда, меҳнатга лаёқатсизлик варақалари «Ягона реестр» АТга келиб тушганда, уларни расмийлаштириш мақсадини аниқлаш имкониятини яратиш;

б) бир ой муддатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда, ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 17 декабрь,
796-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 декабрдаги 796-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг
Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) фаолиятини бошқариш, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) директорининг буйруқлари ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, шахсий қазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси;
қисқартирилган номи — Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственный фонд социального страхования Национального агентства социальной защиты при Президенте Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи — Государственный фонд социального страхования;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — State Social Insurance Fund of the National Agency for Social Protection under the President of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи — State Social Insurance Fund.

5. Жамғарма Давлат мақсадли жамғармаси ҳисобланади.

6. Жамғарманинг жойлашган жойи (почта манзили) — Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 3-уй, почта индекси 100060.

7. Жамғарма ўз фаолиятида Давлат ижтимоий суғурта жамғармасининг

Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда — Кузатув кенгаши) ва Агентликка ҳисобдордир.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

8. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киради ва унинг ҳисоби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси орқали юригилади.

9. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан миқдори белгиланадиган иш берувчилар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқнинг бир қисми;

суғурта бадали сифатида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонуни билан миқдори (ставкаси) белгиланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бир қисми;

давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий тартибда қамраб олинадиган фуқаролар томонидан амалга ошириладиган суғурта бадаллари;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган трансфертлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан фоиз шаклида олинадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Жамғарма маблағлари солиқ солинадиган объект ҳисобланмайди.

10. Ушбу Низомнинг 9-банди:

иккинчи ва учинчи хатбошиларида белгиланган манбалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тақсимотга мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан автоматик равишда Жамғармага йўналтирилади;

тўртинчи хатбошида назарда тутилган маблағлар фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри Жамғармага тўланади.

3-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш

11. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) томонидан бошқарилади.

Дирекция Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

12. Кузатув кенгаши:

ҳар йили Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини, Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

умумий тасдиқланган параметрлар доирасида, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни даврий равишда эшитиб боради ва тасдиқлайди;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўлаш бўйича молиявий агентни жалб қилади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотларни жалб қилиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайрияларини жалб этишда Жамғармага кўмаклашади.

Жамғарма Кузатув кенгаши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

13. Кузатув кенгаши мажлислари заруратга кўра ўтказилади.

14. Кузатув кенгаши мажлисини кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса — кенгаш раисининг ўринбосари бошқаради.

15. Кузатув кенгаши мажлиси унда Кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг қарори кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Овозлар тенг бўлганда, Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

16. Кузатув кенгаши қарорлари Кузатув кенгаши мажлисининг баённомалари билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда эса, кенгаш раисининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

17. Дирекция Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

18. Агентлик:

Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини мувофиқлаштирилади;

Жамғармага юкланган вазифаларнинг ижросини ташкил қилиш, тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ва зарур тавсиялар тайёрланишини таъминлаш чораларини кўради;

Жамғарма фаолияти, шу жумладан маблағларнинг белгиланган йўналишлар бўйича мақсадли йўналтирилиши, давлат ижтимоий суғуртаси соҳасига доир қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Жамғарма Ижрочи директори ва унинг ўринбосарини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимдан озод этади.

19. Дирекция:

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда, Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўйича Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ҳар йилги прогноз кўрсаткичларини шакллантиради ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтириш ва харажатлар самарадорлигини оширишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Кузатув кенгаши ҳамда Агентликка киритади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун зарур қўшимча маблағларни жалб этиш бўйича амалий чоралар кўради;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси юзасидан хисоботни Кузатув кенгаши ҳамда Агентликка тақдим этади;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши юзасидан белгиланган тартибда мониторинг юритилишини таъминлайди ҳамда мониторинг натижасида аниқланган ҳолатларни таҳлил қилади ва тегишли қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгаши ёки Агентликка таклиф киритади;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқади, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади;

Дирекция штатлар жадвали ва харажатлар сметасини, зарур ҳолларда уларга киритиладиган тегишли ўзгартиришларни тасдиқлайди;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

20. Дирекция қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта ҳодисаси юзага келганда, заруратга қараб, суғурта ҳодисаси юзага келганлигини текшириш;

суғурта бадалларини ҳисобга олиш ва тўлаш бўйича ҳужжатларни (электрон маълумотларни), шунингдек, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш;

суғурталанган шахсни идентификация қилиш, суғурта стажини ва суғурта бадалининг миқдорини аниқлаш, суғурта ҳодисаси юзага келганлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган суғурталанган шахс тўғрисидаги маълумотларни бепул олиш;

«Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва тугатиш;

ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар, шу жумладан суғурталанган шахс томонидан тақдим этилган ишончсиз ёки сохта ҳужжатлар (маълумотлар) асосида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тайинланганлиги муносабати билан қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар билан судга муурожаат қилиш;

нафақаларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ етказиб берилиши мониторингини юритади;

Дирекция қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Қуйидагилар Дирекциянинг мажбуриятлари ҳисобланади:

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар учун суғурта бадалларини жамғариб бориш;

фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириш;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларнинг ўз вақтида тайинланишини ва белгиланган миқдорларда тўланишини таъминлаш;

суғурта бадаллари ва тўловларининг электрон ҳисобини юритиш;
суғурта бадалларини тўлаган шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртасини ахборот дастурлари ёрдамида автоматлаштирилган тартибда амалга ошириш;
суғурта қилдирувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш;

суғурта қилдирувчилар ва суғурталанган шахсларнинг, Жамғарма тушумлари ва харажатларининг ягона ҳисобини юритиш, шунингдек, суғурталанган шахсларнинг персоналлаштирилган ҳисоби учун тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини бошқа давлат органлари билан электрон ахборот алмашинуви орқали текшириш;

суғурта қилдирувчилар ва суғурталанган шахслар учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, шу жумладан суғурта бадалларининг ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича амалга оширилган тўловларнинг ҳисоби юзасидан шахсга доир маълумотларни, мазкур тўловлар бўйича мурожаат қилиш ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш.

22. Ижрочи директор Дирекциянинг раҳбари ҳисобланади.

Ижрочи директор:

Жамғарма жорий фаолиятини оператив бошқаради;

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Жамғарма фаолиятини ташкил этади;

Жамғарма номидан вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиради, молиявий, хўжалик ҳамда бошқа шартномаларни имзолайди;

бажарилган ишлар ҳамда келгуси чорак учун иш режалари тўғрисида ҳар чоракда Кузатув кенгаши ёки Агентликка ҳисоб беради;

Жамғарма ходимларини ишга қабул қилиш, рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда уларни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқлар чиқаради. Бунда Ижрочи директор ўринбосари ва Жамғарманинг мустақил бўлинмалари раҳбарлари Агентлик билан келишилган ҳолда ишга қабул қилинади;

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа буйруқлар қабул қилади;

Жамғарма номидан судларга ариза (даъво, шикоят) билан мурожаат қилади;

ички меҳнат тартиби қоидалари, таркибий бўлинмалар низомлари, лавозим йўриқномаларини ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

23. Хорижий валютадаги маблағлар Жамғарманинг чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига тушади.

Жамғарманинг чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига тушган хорижий валютадаги маблағлар, заруратга кўра қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилиб, Жамғарманинг асосий ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу Низомга мувофиқ фойдаланилади (бундан мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолатлар ва алоҳида харажатлар мустасно).

Жамғарманинг чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларидаги маблағлар импорт шартномалари, хорижий маслаҳатчиларни жалб этиш ва чет элда ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа зарур харажатлар учун ишлатилиши мумкин.

24. Дирекция ходимлари штат бирликлари Агентликнинг марказий аппарати ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг бошқарув штат бирликлари доирасида ажратилади, шунингдек, Дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари Агентлик марказий аппаратининг ходимлари учун белгиланган разрядлардан бир поғона паст миқдорда қўлланади.

Дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа шартлари бўйича Агентлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган шартлар татбиқ этилади.

25. Ушбу Низомнинг 19-банди талабларини инобатга олган ҳолда Дирекция ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича қуйидагиларга тенглаштирилади:

Ижрочи директор Агентликнинг бошқарма бошлиғига;

Ижрочи директорнинг ўринбосари Агентликнинг бошқарма бошлиғи ўринбосарига;

Дирекциянинг бўлим бошлиғи Агентликнинг бўлим бошлиғига;

Дирекциянинг мутахассислари Агентликнинг тегишли мутахассисларига;

Дирекциянинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари Агентликнинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига.

26. Жамғарма ходимларини қўшимча рағбатлантириш ва мукофотлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилиши мумкин.

27. Дирекцияни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, Агентлик томонидан ажратилган маблағлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

28. Хизмат вазибаларини бажаришда фойдаланиш учун Жамғармага 1 та автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилади.

29. Жамғарма томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Жамғарма харажатлари ҳамда бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботлар ҳар чорақда Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштириб борилади.

4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

30. Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади: давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тўлаш;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш.

31. Жамғарманинг йил якуни бўйича маблағлари қолдиғи олиб қўйил-

майди ва кейинги молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда инобатга олинади.

5-боб. Жамғарманинг тушуми ва маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда жавобгарлик

32. Дирекция Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавоб беради.

33. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

34. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

36. Жамғарма қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 декабрдаги 796-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Давлат ижтимоий суғуртаси доирасида вақтинча меҳнатга
лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини
тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун)га мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси доирасида суғурта бадаллари ва стажлари ҳисобини юритиш, суғурталанган шахсларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) — суғурта бадалларини жамғариш, суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги (кейинги ўринларда — Агентлик) давлат мақсадли жамғармаси;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар — суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурталанган шахсга Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган нафақалар тарзидаги давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар;

«Ижтимоий суғурта» ахборот модули — идоралараро электрон ҳамкорлик асосида суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш, тўлаш, маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов беришни назарда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг алоҳида модули;

меҳнатга лаёқатсизлик варақаси — суғурталанган шахсни ишдан озод қилиш, шунингдек, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни суғурталанган шахсга тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжат;

молиявий агент — давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни суғурталанган шахсларга тўлаб беришга масъул бўлган тижорат банки;

суғурта бадали — суғурталанган шахс учун Жамғармага ўтказиладиган ажратма ёки тўлов;

суғурталанган шахс — суғурта ҳодисаларидан давлат ижтимоий суғуртаси орқали ҳимояланган жисмоний шахс;

суғурта ҳодисаси — суғурталанган шахсга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш мажбуриятининг юзага келиши;

суғурта қилдирувчи — суғурта ҳодисалари юзага келганда суғурта-

ланган шахснинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ижтимоий солиқ ва (ёки) суғурта бадаллари тўлайдиган шахс;

суғурта стажи — суғурталанган шахс учун суғурта бадалларини тўлови амалга оширилган давр;

тўлов рўйхат (ведомост)лари — давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тўланиши белгиланган суғурталанган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт маълумотлари, банк картаси (ижтимоий карта) орқали тўланганда тегишли тижорат банки ҳамда банк картаси (ижтимоий карта) реквизитлари ва тўланиши лозим бўлган нафақа суммасига доир маълумотлар акс эттирилган ва молиявий агентга электрон кўринишда тақдим этиладиган ҳужжат;

ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси — суғурталанган шахсга туғруққача етмиш календарь кун ҳамда туғруқдан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда, етмиш календарь кун) давомида таътил даврида меҳнат мажбуриятларини бажара олмаганлиги учун тўланадиган кафолатли тўлов.

3. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича муносабатлар давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда қамраб олинadиган фуқароларга даромад ҳисобланган пайтдан, давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда қамраб олинadиган фуқароларга суғурта бадаллари тўланган пайтдан бошлаб юзага келади.

4. Ушбу Низомга мувофиқ суғурта ҳодисалари юзага келган тақдирда суғурталанган шахсларга қуйидаги давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тўланади:

2026 йил 1 январдан бошлаб юзага келган суғурта ҳодисасига нисбатан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;

2026 йил 1 июлдан бошлаб юзага келган суғурта ҳодисасига нисбатан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси.

5. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос ҳисобланади.

6. Суғурта ҳодисаси юзага келганда суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш шартлари ва тартиби

7. Суғурталанган шахсларга суғурта ҳодисаси юзага келганда, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар қуйидаги шартларга асосан тайинланади:

а) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни олиш ҳуқуқи қуйидаги даврлардан бирида юзага келганда, бундан ушбу банднинг еттинчи хатбошиси мустасно:

суғурталанган шахслар иш берувчи билан якка тартибдаги меҳнатга оид

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муносабатларда бўлган даврда, синов муддати ва ишдан бўшатирилган кунни ҳам қўшган ҳолда, бундан ушбу Низомнинг 23-бандида белгиланган ҳолатлар мустасно;

юридик ёки жисмоний шахслар билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар асосида хизмат кўрсатаётган (ишларни бажараётган) даврда;

қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа расмий фаолият билан банд бўлган даврда;

б) ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш учун камида ўн ой, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини олиш учун камида олти ой суғурта стажи мавжуд бўлса.

Қонунга мувофиқ суғурта бадали эри (хотини) томонидан тўланган ишламайдиган фуқаролар ва юридик шахсларнинг муассислари (иштирокчилари) сифатида даромадлар оладиган фуқаролар учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳисобланадиган ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган суғурта стажи асосида тайинланади. Бунда ушбу фуқаролар эр-хотин ёки юридик шахсларнинг муассислари (иштирокчилари) бўлмаган даврларда суғурта бадаллари тўланганда, ушбу даврлар суғурта стажи сифатида ҳисобга олинмайди.

8. Ушбу Низом 4-бандида назарда тутилган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида суғурталанган шахсларнинг мурожаати талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) «Рақамли ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан тайинланади.

9. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳудудий амбулатор-поликлиника ёки туғуруқхона муассасаси, шунингдек, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси беришга ваколатли бошқа тиббий муассасалар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ягона тиббий ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Ягона тиббий» АТ) электрон шаклда расмийлаштирилади.

10. «Ягона тиббий» АТ томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси автоматик равишда «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига юборилади ҳамда ушбу ахборот модулида у очилгандан бошлаб ёпилгунига қадар бўлган жараёнлар акс эттирилади.

«Ижтимоий суғурта» ахборот модулида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёпилгандан сўнг ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган тегишли давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўлов тайинлаб борилади, бундан ушбу Низомнинг 34-банди бешинчи хатбошиси мустасно.

11. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси қўйидаги ҳолатлар бўйича суғурта ҳодисаси юзага келганда тўланади:

а) ушбу Низомнинг 7-банди «а» ва «б» кичик бандлари талабларига мувофиқ келадиган суғурталанган шахсларда қўйидаги ҳолатлар юзага келганлиги натижасида меҳнат мажбуриятларини бажара олмаганлиги учун:

вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотиш билан боғлиқ касаллик вақтида (шикастланишда);

санаторий ва соғломлаштириш муассасаларида даволанганда;
касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
карантинда;
сил касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
меҳнат лаёқатини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда;

б) ушбу Низомнинг 7-банди еттинчи хатбошиси талабларига мувофиқ келадиган суғурталанган шахслар учун:

санаторий ва соғломлаштириш муассасаларида даволанганда;
ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

12. «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида:

суғурталанган шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанган давридаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари ва суғурта бадаллари тўлови тўғрисидаги маълумотлар — Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари орқали;

ихтиёрий давлат ижтимоий суғуртаси билан суғурталанган шахсларнинг тўланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар — «Ижтимоий суғурта» ахборот модулининг суғурта бадаллари реестри орқали ҳамда уларнинг фаолияти тури (ўз ўзини банд қилиш, яқка тартибдаги тадбиркор ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар — Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари орқали;

суғурталанган шахсларнинг меҳнат стажи, бандлиги ва таътиллари, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар тўғрисида маълумотлар — «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) орқали автоматик равишда текширилади.

13. «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали суғурталанган шахсларнинг ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган шартларга мувофиқлиги аниқланган тақдирда, автоматик равишда тегишли давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўлов тайинланади.

Суғурталанган шахсларга тайинланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларнинг миқдорини ҳисоблаш ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда тегишли тўловни тайинлаш билан бир вақтда «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида амалга оширилади.

14. Қуйидаги ҳолларда «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш автоматик равишда рад этилади:

суғурталанган шахсларнинг ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган шартларга мувофиқ келмаслиги;

меҳнатга лаёқатсизлик варақаси янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга, ушбу мақсадларда расмийлаштирилганда;

ушбу Низомнинг 20-бандига асосан меҳнатга лаёқатсизлик даврининг нафақа тўланадиган умумий давомийлигидан ошганда.

15. «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали суғурталанган шахсга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тайинланганлиги, унинг миқдори, тўлов шакли ва муддати бўйича ёки тегишли тўловни тайинлаш рад этилганлиги ва унинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар унинг «Ягона тиббий» АТда қайд этилган мобил телефон рақамига СМС-хабарнома шаклида ёки Ягона давлат интерактив хизматлари порталидаги шахсий кабинетига ҳамда унинг иш берувчисининг (агар мавжуд бўлса) Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидаги ва «ЯММТ» ИДАКдаги шахсий кабинетларига автоматик тарзда хабарнома юборилади.

3-боб. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари

1-§. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблаш шартлари

16. Суғурталанган шахсларга суғурта ҳодисаси юзага келганда, уларга тайинланадиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар миқдори қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Нафақа миқдори = ЎОИХ / 25,3 х СК х КС , бунда

ЎОИХ — ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи;

25,3 — иш кунларининг ўртача ойлик сони;

СК — суғурта стажига мутаносиб равишда ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан қўлланиладиган стаж коэффициентини;

КС — меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган давр ичидаги Жамғарма ҳисобидан қоплаб бериладиган кунлар сони.

17. Меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган давр ичида якшанба кунини ҳамда Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ ишланмайдиган байрам кунлари мавжуд бўлган тақдирда, ушбу кунлар давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар миқдорини ҳисоблашда инobatга олинмайди.

18. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси миқдорини ҳисоблашда суғурталанган шахснинг суғурта стажига мутаносиб равишда ўртача ойлик иш ҳақиға қуйидаги стаж коэффициентини қўлланилади:

олти ойдан тўқсон олти ойгача (тўқсон олтинчи ой ҳам киради) суғурта стажига эга бўлганда — 60 фоиз;

тўқсон етти ва ундан ортиқ ой суғурта стажига эга бўлганда — 80 фоиз.

19. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси миқдори:

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки қарамоғида 18 ёшга тўлмаган 4 ёки ундан ортиқ фарзандлари бўлган ёхуд фарзандларидан камида бирида ногиронлик бўлган суғурталанган шахсларга стаж коэффициентини 20 фоиз бандга оширилган ҳолда ҳисобланади;

календарь йил давомида расмийлаштирилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаларидаги (бундан ҳомиладорлик ва туғишга оид давр мустасно) 77 календарь кундан ошган давр учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси

микдори тегишли стаж коэффициентини 10 фоиз бандга камайтирилган ҳолда ҳисобланади.

20. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси бўйича тўловлар меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун, бироқ бир календарь йил давомида 182 календарь кундан ошмаган қисми учун амалга оширилади, бундан ушбу Низомнинг 21-бандида белгиланган ҳоллар мустасно.

Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасининг тегишли календарь йилдаги меҳнатга лаёқатсизлик даврининг бешинчи кунигача бўлган қисми давлат ижтимоий суғуртаси билан суғурталанган шахснинг иш берувчиси томонидан (агар иш берувчиси мавжуд бўлмаса суғурталанган шахснинг ўз ҳисобидан), олтинчи кундан бошлаб эса Жамғарма томонидан тўлаб берилади.

21. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси суғурталанган шахс (ота-она, уларнинг ўрнини босувчи шахс, васий ёки ҳомий)га касалланган боласини парваришlash учун очилган ҳолларда ушбу Низомнинг 20-бандининг биринчи хатбошисида белгиланган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланадиган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври қуйидагича узайтирилади:

14 ёшгача бўлган фарзанди учун — қўшимча 20 календарь кун;

16 ёшгача ногиронлиги бўлган фарзанди учун — қўшимча 40 календарь кун.

22. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасининг иш берувчи томонидан тўланадиган қисми ўриндошлик асосидаги (шу жумладан, ички ўриндошлик асосидаги) иш жойи бўйича ҳам тўланади.

23. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик қуйидаги даврларга тўғри келганда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланмайди:

иш ҳақи сақланмаган таътил;

иш ҳақи қисман сақланадиган таътил;

болани парваришlash бўйича таътил;

ҳарбий ўқув ёки текширув йиғини;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган ўқув таътили вақтида;

Ушбу даврлардан бошланиб давом этаётган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси суғурталанган шахс ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

24. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа микдорини ҳисобlashда суғурталанган шахснинг суғурта стажига мутаносиб равишда ўртача ойлик иш ҳақига қуйидаги стаж коэффициентини қўлланилади:

ўн ойдан йигирма тўрт ойгача (йигирма тўртинчи ой ҳам киради) суғурта стажига эга бўлганда — 75 фоиз;

йигирма беш ойдан олтмиш ойгача (олтмишинчи ой ҳам киради) суғурта стажига эга бўлганда — 85 фоиз;

олтмиш бир ва ундан ортиқ ой суғурта стажига эга бўлганда — 100 фоиз.

25. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа меҳнатга лаёқатсизлик ва-

рақасида кўрсатилган барча давр учун, бироқ ушбу Низомнинг 17-банди талабларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади ва тўланади.

Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган давр тугагунча она ва (ёки) бола вафот этган ҳолда тўланган ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа қайтариб олинмайди.

2-§. Суғурталанган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ва суғурта стажини ҳисоблаш тартиби

26. Суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда суғурталанган шахсларга тайинланадиган тегишли давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўлов миқдори суғурталанган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Бунда суғурталанган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

суғурталанган шахсга нафақа тайинладиган ойдан олдинги суғурта стаж сифатида инобатга олинadиган ўн икки ойлик даврдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига бўлиш орқали;

суғурталанган шахснинг суғурта стаж сифатида инобатга олинadиган ойларидаги иш ҳақи миқдорини мавжуд суғурта стаж ойлари сонига бўлиш орқали.

Суғурталанган шахснинг ўртача ойлик иш ҳақининг нафақа тайинладиган санада қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (кейинги ўринларда — МҲТЭКМ)нинг ўн баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган қисми инобатга олинади.

Жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда суғурталанган шахс учун мазкур бандда белгиланганидан бошқа қўшимча тўловлар назарда тутилиши мумкин.

27. Суғурталанган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини аниқлаш:

а) давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанган шахслар учун солиқ тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортиладиган ва суғурта бадали сифатида ажратмалар ажратилadиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадларини инобатга олган ҳолда;

б) давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанган шахслар учун ихтиёрий тарзда ҳар ойда тўланган суғурта бадалларини ойлик иш ҳақига айлантирган ҳолда ҳисобланади.

Бунда ушбу кичик бандга мувофиқ бир ойлик иш ҳақи миқдори 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар ой тўланган суғурта бадали суммасини, уни тўлаш даврида амалда бўлган суғурта бадали ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Мисол: суғурталанган шахс ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ихтиёрий равишда 2026 йил январь учун Жамғармага бир юз эллик минг сўм миқдорда суғурта бадали тўлади. Ушбу фуқарога нафақа ҳисоблашда унинг 2026 йил январь учун 3 000 000 сўм миқдорда иш ҳақи аниқланади:

Бир ойлик иш ҳақи миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

тўланган суғурта бадали (бир юз эллик минг) / суғурта бадали ставкаси (2026 йил учун суғурта бадали ставкаси — 5 фоиз) $\times 100\% = 3\,000\,000$ сўм.

Аниқланган бир ойлик иш ҳақи миқдори нафақа ҳисобланаётган суғурталанган шахсга ўртача бир ойлик иш ҳақи сифатида инобатга олинади.

28. Суғурталанган шахс ҳомиладорлик ва туғиш таътили ёки бола парвариши таътилидан қайтганидан сўнг ёхуд бола парвариши таътилида бўлган даврда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича такрорий нафақа тайинлаш зарурияти вужудга келганда, унинг ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш учун такрорий нафақа тайинладиган ойгача бўлган ойлик иш ҳақи ҳисобланган охириги ўн икки ой инобатга олинади.

Суғурталанган шахсга такрорий нафақа тайинлаш учун унинг ўртача иш ҳақи миқдори ушбу банднинг биринчи хатбошисига мувофиқ инобатга олинadиган ўн икки ойлик жами иш ҳақи миқдорини ўн иккига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Бунда суғурталанган шахс ҳомиладорлик ва туғиш ёки бола парваришлаш таътилидан қайтгандан сўнг:

иш ҳақи ҳисобланган ёки ихтиёрий суғурта бадали тўланган ойлар сони 3 ойдан кам бўлса, ушбу бандга мувофиқ аниқланган ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатан 0,5 коэффициент;

иш ҳақи ҳисобланган ёки ихтиёрий суғурта бадали тўланган ойлар сони 3 ойдан 6 ойгача бўлса, ушбу бандга мувофиқ аниқланган ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатан 0,75 коэффициент қўлланилади.

Бунда суғурталанган шахсга нафақа тайинлаш учун ҳисобга олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори минимал истеъмол харажатлари миқдоридан кам бўлганда, мазкур шахснинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори минимал истеъмол харажатлари миқдорига тенглаштирилади.

29. Қуйидагилар суғурталанган шахсларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлашда суғурта стажи сифатида ҳисобга олинади:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда;

2020 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ижтимоий солиқ тўланган тақдирда;

2026 йил 1 январдан — Жамғармага суғурта бадаллари тўланган тақдирда.

30. Суғурталанган шахсларнинг суғурта стажига қуйидаги ойлар киритилади:

ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган тўловлар ҳисобланган ой;

иш ҳақи сақланган ҳолда таътилдаги ой;

иш ҳақи қисман сақланadиган таътилдаги ой;

ижодий таътилдаги ой;

ҳарбий ўқув ёки текширув йиғинида қатнашган ой;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган ўқув таътилидаги ой.

Ушбу банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлардан иккитаси битта календарь ойда вужудга келганида суғурта стажига фақат бир ой киритилади.

Қонунчиликка мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун йилига бир маротаба ижтимоий солиқ тўловчи шахсларнинг ушбу тўловни тўлаган даври учун ҳисобланадиган меҳнат стажини суғурта стажини сифатида ҳисобга олинмайди, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар бундан мустасно.

31. Суғурталанган шахсларга ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдори нафақа тайинлаш ва унинг миқдорини ҳисоблаш даврида амалда бўлган МХТЭКМнинг:

ярим бараваридан бир бараваригача бўлган тақдирда, икки ойлик меҳнат стажини даври бир ой суғурта стажига тенглаштирилган ҳолда ҳисобланади;

ярим бараваридан кам бўлган тақдирда, мазкур ой суғурта стажини сифатида ҳисобга олинмайди.

3-§. Айрим тоифадаги суғурталанган шахсларнинг ўртача иш ҳақи миқдорини ва суғурта стажини ҳисоблаш тартиби

32. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ходими ҳисобланган суғурталанган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори ва суғурта стажини ҳисоблаш мазкур бобда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошида белгиланган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ёки инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари томонидан ташкилотнинг давлат ижтимоий суғуртаси билан суғурталанган ходимларига (суғурталанган шахсларга) нисбатан суғурта ҳодисаси юзага келганда нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб ўн кун ичида уларнинг охириги ўн икки ой давомида ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи ва меҳнат стажини тўғрисидаги маълумотларни «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига киритиш орқали Жамғармага тақдим этади. Бунда:

а) ходимнинг (суғурталанган шахсларнинг) ўртача ойлик иш ҳақи миқдори:

МХТЭКМнинг ўн бараваригача бўлган тақдирда «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига ушбу миқдор киритилади;

МХТЭКМнинг ўн бараваридан ошган тақдирда, «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига МХТЭКМнинг ўн баравари миқдоридagi қисми киритилади;

б) давлат ижтимоий суғуртаси билан суғурталанган шахсларнинг суғурта стажини ўн икки ойдан кам бўлса, суғурта стажини сифатида инобатга олинмайдиган ойларидаги иш ҳақи миқдорини мавжуд суғурта стажини ойлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

33. Фуқароларнинг ҳарбий хизматчи сифатидаги, ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибидаги ва прокуратура органларидаги мартаба даражаларига

(ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходим сифатидаги аввалги фаолияти, мазкур даврдаги иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар мазкур фуқаролар томонидан Жамғармага тақдим этилганда, уларга суғурталанган шахс сифатида нафақалар тайинлашда инобатга олинади.

4-боб. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўлаш тартиби

34. Ушбу Низомга мувофиқ суғурталанган шахсларга тайинланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўлаш молиявий агент томонидан амалга оширилади.

«Ижтимоий суғурта» ахборот модулида тайинланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тўғрисидаги тўлов рўйхат (ведомост)лари молиявий агентга қуйидаги муддатларда тақдим этилади ҳамда Жамғарманинг газна ҳисобварағидан зарур маблағлар молиявий агентга ўтказиб берилади:

ҳар ойнинг 1 — 15-саналари оралиғида тайинланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тўғрисида мазкур ойнинг 20-санасига қадар;

ҳар ойнинг 16-санасидан ушбу ойнинг якуний санаси оралиғида тайинланган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тўғрисида кейинги ойнинг 5-санасига қадар.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилиб, ўн кун ва ундан ортиқ давр ичида ёпилмаган бўлса, у бўйича ҳам ушбу банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган муддатларда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар тегишли кунлар учун ҳисобланиб тўланади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатнинг охири куни байрам ёки дам олиш кунларига тўғри келганда, тўлов рўйхат (ведомост)лари ва зарур маблағлар кейинги икки иш куни мобайнида молиявий агентга тақдим этилиши ва молиялаштирилиши мумкин.

35. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тўлаш учун молиявий агент томонидан Жамғармадан келиб тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўйича алоҳида махсус банк ҳисобварақлари очилади.

36. «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали тўлов рўйхат (ведомост)лари шакллантирилади. Бунда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар:

биринчи навбатда суғурталанган шахснинг ижтимоий картаси мавжуд бўлганда, «Ижтимоий карта» ахборот тизими орқали унинг ижтимоий картасига;

суғурталанган шахснинг ижтимоий картаси мавжуд бўлмаганда, тегишли банклараро репроцессинг марказларидан унинг номига очилиб, актив ҳолатда бўлган ҳамда охириги транзакциялар охириги олтмиш кун давомида амалга оширилган бўлиб, амал қилиш муддати тугашига камида ўн беш кун қолган банк картасига тўланади.

37. Молиявий агент томонидан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ тўлов рўйхат (ведомост)ларини тақдим этиш учун белгиланган сўнгги кундан кейинги беш иш куни ичида тўланади.

38. Молиявий агент ҳар ойнинг охириги иш кунига қадар ушбу ой учун ҳар бир нафақа олувчи суғурталанган шахс бўйича амалга оширилган тўловлар, нафақа тўланган сана ва тўланмаган маблағлар ҳақидаги маълумотларни доимий равишда «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали Жамғармага тақдим этади ва маълумотлар тўғрилигига жавобгар бўлади.

5-боб. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ жараёнларни мониторинг қилиш

39. Жамғарма томонидан суғурталанган шахсларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тайинлангандан кейин тўқсон кун ичида «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали автоматик равишда бола туғилганлиги, шу жумладан, ўлик туғилганлиги ёки туғруқ муассасасидан чиққунга қадар нобуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали текширилади.

40. «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида текшириш натижасида бола туғилганлиги, шу жумладан ўлик туғилганлиги ёки туғруқ муассасасидан чиққунга қадар нобуд бўлганлиги қайд этилмаган ҳолатлар бўйича нафақа олувчи суғурталанган шахсларнинг рўйхати ҳудудлар кесимида шакллантирилади.

«Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали қуйидаги маълумотлар «Ягона тиббий» АТга тўғри киритилганлигини текшириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади:

шакллантирилган рўйхат бўйича нафақа олувчи суғурталанган шахсларнинг ҳомиладорлик ва туғиш бўйича маълумотлари;

меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган даврларда бола туғилганлиги, шу жумладан ўлик туғилганлиги ёки туғруқ муассасасидан чиққунга қадар нобуд бўлганлиги ҳолатларига мутаносиб киритилганлиги.

41. Нафақа олувчи суғурталанган шахслар бўйича шакллантирилган рўйхат Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Жамғарма маблағлари тушумини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўйича бош мутахассислар (кейинги ўринларда — ҳудудий вакиллар) томонидан ҳар чоракда ФХДЁ органлари ва/ёки тиббиёт муассасасига борган ҳолда танлов асосида ўрганилади.

42. Ҳудудий вакиллар томонидан ўрганиш натижалари бўйича ФХДЁ органлари ва/ёки тиббиёт муассасасининг масъул ходимлари иштирокида «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида электрон далолатнома шакллантирилиб, тегишли ФХДЁ органлари ва/ёки тиббиёт муассасаси раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳолда, тегишлигича ФХДЁ тизимига ёки Ягона тиббий ахборот тизимига юборилади.

Бунда далолатнома дастлаб ҳудудий вакил томонидан «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

43. «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида ҳар ойда, иш ҳақи ҳисобланган, аммо «ЯММТ» ИДАҚда меҳнат стажи тўғрисида маълумоти бўлмаган шахслар рўйхати шакллантирилади ва мазкур рўйхат Камбағалликни қисқар-

тириш ва бандлик вазирлигига ундаги маълумотларни ўрганиш ва зарур чоралар кўриш учун юборилади.

44. Нафақа олувчи суғурталанган шахснинг тиббиёт ёки бошқа тааллуқли муассасаларга ёлгон маълумот бериши ёхуд ҳисоб-китоблардаги хатоликлар туфайли нотўғри тўланган нафақа мазкур суғурталанган шахс томонидан Жамғармага бир ой ичида қайтарилиши лозим. Бунда:

ихтиёрий равишда Жамғармага қайтарилмаган ёки тўлиқ қайтарилмаган маблағлар суд тартибида ундирилади;

ахборот тизимларида мавжуд камчиликлар ёки ўзаро электрон маълумот алмашинувидаги техник хатоликлар сабабли ортиқча тўланган маблағлар қайтарилмайди ҳамда Жамғарма харажатлари сифатида инобатга олинади.

6-боб. Давлат ижтимоий суғуртаси доирасида суғурта бадалли ва стажлари ҳисобини юритиш тартиби

1-§. Суғурталанган шахсларни рўйхатга олиш ва уларнинг персоналлаштирилган ҳисобини юритиш

45. Суғурта бадалли ва стажларининг ҳисобини юритиш, суғурталанган шахсларни идентификация қилиш ва уларнинг персоналлаштирилган ҳисобини юритиш Жамғарма томонидан амалга оширилади.

46. Жамғарма томонидан «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида қуйидаги маълумотларнинг алоҳида реестри юритилади:

суғурта қилдирувчилар реестри;

суғурталанган шахслар реестри;

суғурта бадаллари реестри;

ортиқча/нотўғри тўланган нафақалар реестри.

47. Жамғармада давлат ижтимоий суғуртаси бўйича муносабатлар субъектларини рўйхатга олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанган шахслар солиқ агенти томонидан мазкур шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш тартибдаги даромадларига жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ҳисобланганда, Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларидан «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига келиб тушган ҳисобот маълумотлари асосида рўйхатга олинади;

б) давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанган шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ рўйхатга олинади.

48. Ушбу Низомнинг 47-бандига мувофиқ рўйхатга олинган шахсларга «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида шахсий ҳисоб очилади. Шахсий ҳисобда қуйидагилар юритилади:

а) суғурта қилдирувчилар кесимида уларда фаолият юритаётган шахсларнинг персоналлаштирилган рўйхати;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) суғурталанган шахслар бўйича:
суғурта бадаллари тўловлари (ойлар кесимида);
суғурта стажи сифатида ҳисобга олинган даврлар;
меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар тўғрисидаги маълумотлар,
мавжуд бўлса, маълумот манбалари кўрсатилган ҳолда;
ушбу Низомнинг 19 — 21-бандларига мувофиқ алоҳида тартиб қўлланган даврлар.

49. Жамғарма ҳар ой якунидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида суғурталанган шахсларнинг шахсий ҳисоблари ҳолатини янгилаб боради.

Суғурталанган шахс «Ижтимоий суғурта» ахборот модули орқали ўзининг шахсий ҳисоби тўғрисидаги маълумотномаларни электрон тарзда олиши мумкин.

2-§. Давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанадиган шахслар томонидан суғурта бадалларини тўлаш ва ҳисоблаш тартиби

50. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанган шахслар учун суғурта бадали сифатида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунида белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан тегишли ажратмаларни Жамғарманинг ғазна ҳисобварақларига ўтказиб боради.

Бунда давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанган шахслар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан миқдори (ставкаси) белгиланадиган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг бир қисми ҳисобидан Жамғарманинг ғазна ҳисобварақларига ўтказилган ой бир ойлик суғурта стажи сифатида ҳисобланади.

51. Солиқ қўмитаси:

суғурта қилдирувчиларнинг солиқ агентлари сифатида тақдим этган маълумотлари асосида жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўланганлиги бўйича жисмоний шахслар кесимидаги ҳисоботларни юритади ва бу тўғрисидаги маълумотларни ўз базасида сақлайди;

ҳар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасигача суғурталанган шахсга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳамда мазкур даромадлар бўйича ҳисобланган (тўланган) жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи миқдорлари тўғрисидаги ҳисоботларни «Ижтимоий суғурта» ахборот модулига юборади.

52. Жамғарма Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари орқали юборилган маълумотлар асосида суғурталанган шахслар кесимида уларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳамда мазкур даромадлар бўйича ҳисобланган (тўланган) жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи миқдорлари бўйича уларнинг персоналлаштирилган ҳисобини «Ижти-

мой суғурта» ахборот модулининг ушбу Низомнинг 46-бандида белгиланган тегишли реестрларда юритади.

3-§. Давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанадиган шахслар томонидан суғурта бадалларини тўлаш тартиби

53. Давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанадиган шахслар суғурта бадалини у тўланадиган ойнинг исталган даврида тўлаши мумкин.

Бунда давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанадиган шахслар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам суғурта бадали тўланган ой бир ойлик суғурта стажи сифатида ҳисобланади.

54. Суғурталанган шахслар томонидан ҳар ойлик ихтиёрий суғурта бадаллари ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ белгиланган тартибга асосан тўланади.

4-§. Давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий (мажбурий) асосда суғурталанишдан мажбурий (ихтиёрий) асосда суғурталанишга ўтиш (конвертация)

55. Шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда, ҳам давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанганда, улар учун давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанганлиги бўйича амалга оширилган суғурта бадали устувор ҳисобланади.

56. Давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанишдан давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанишга ўтиш:

суғурталанган шахс давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий суғурталанган ойда, мазкур ойнинг биринчи кунидан бошлаб амал қилади;

давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанган даврлар учун тўланган суғурта бадаллари ҳисоби сақланади ва суғурта стажи ҳисобланишида инобатга олинади.

57. Давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий асосда суғурталанишдан давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталанишга ўтиш давлат ижтимоий суғуртаси билан мажбурий суғурталанишга асос бўлган меҳнат фаолияти тугаган ойнинг кейинги ойдан амал қилади. Бунда суғурталанган шахс давлат ижтимоий суғуртаси билан ихтиёрий асосда суғурталаниш бўйича рўйхатдан ўтиб, суғурта бадалларини мустақил тўлайди.

7-боб. Якунловчи қоидалар

58. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан суғурталанган шахслар тўғрисидаги электрон шаклда олинган маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

Тегишли вазирликлар ва идоралар ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида суғурталанган шахслар тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

59. Ушбу Низомга мувофиқ давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни тайинлаш ва тўлаш учун асос ҳисобланган Жамғармага тегишли ахборот тизимлари орқали юборилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончилиги учун жавобгарлик ахборот тизимларига маълумотларни киритган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ахборот тизимлари орқали тақдим этилмаганлиги ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилиши натижасида суғурта нафақалари ортиқча ёхуд кам тўланиши учун жавобгарлик ушбу ахборот тизимларнинг эгаси бўлган вазирлик ва идораларга юкланади.

Суғурталанган шахс ва (ёки) суғурта қилдирувчилар томонидан нафақалар тайинлаш ва тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Жамғармага хабар бермаганлиги ёки улар томонидан содир этилган суиистеъмолликлар натижасида унга нафақалар суммасининг ортиқча тўланиши туфайли Жамғармага етказилган зарарни тўлаш мажбурияти суғурталанган шахс ва (ёки) суғурта қилдирувчиларга юкланади.

60. «Ижтимоий суғурта» ахборот модулида ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида техник носозликлар ҳамда маълумотлар алмашинуви жараёнида узилишлар юзага келганда, ушбу ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар меҳнатга лаёқатсизлик варақасидаги электрон маълумотларни киритиш, нафақаларни тайинлаш ва тўлаш муддатлари узайтирилиши мумкин.

61. Суғурталанган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта стажлари ёки амалга оширилган суғурта бадаллари ёхуд бошқа масалалар юзасидан тўғридан-тўғри шунингдек, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ёки «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали Жамғармага мурожаат қилиши мумкин.

62. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 декабрдаги 796-сон қарорига
6-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига:

а) қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. 2025 йил декабрь ойидан бошлаб Қашқадарё вилоятида, 2026 йил 1 май ойига қадар республиканинг қолган ҳудудларида тажриба-синов тариқасида ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари (кейинги ўринларда — Реабилитация марказлари)га йўллаш «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими орқали электрон тарзда амалга оширилади. Бунда:

Реабилитация марказларига йўлланма олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари ёки ижтимоий ходимлар орқали ёхуд бевосита оилавий шифокорга мурожаат қилиш имконияти яратилади;

ногиронлиги бўлган шахсларни Реабилитация марказларига йўллаш учун қарши кўрсатмалар мавжудлигини аниқлаш оилавий шифокор томонидан амалга оширилади;

Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида Реабилитация марказларига электрон тарзда йўллаш тартиби Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади»;

б) 8-иловининг 30-банди иккинчи хатбошисидаги «75» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги «Айрим турдаги нафақаларни тайинлаш ва тўлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 314-сон қарорига:

а) қарорда:

2-банд қуйидаги мазмундаги «а¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«а¹) Янги туғилган болани фарзандликка олган ёки васий қилиб белгиланган ходимга бериладиган нафақанинг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1¹-иловасига мувофиқ:

туғиш вақтида ёки туғишдан кейинги даврда она вафот этганда, туғилган болани (болаларни) фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдорида нафақа тўланиши;

нафақа меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ягона тиббий ахборот тизимидан олинган маълумотлар асосида

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали фуқароларнинг мурожаатларисиз «проактив шакл»да тайинланиши ва тўланиши»;

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, хомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга нафақани (кейинги ўринларда — нафақа) тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини белгилайди. Бунда:

а) хомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ва тўлашга доир нормалар «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонун татбиқ этилмайди-ган ташкилотларнинг ходимларига ушбу турдаги нафақани тайинланиши ва тўланиши билан боғлиқ муносабатларни;

б) вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлашга доир нормалар:

«Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонун татбиқ этилмайди-ган ташкилотларнинг ходимларига ушбу турдаги нафақани тайинланиши ва тўланиши билан боғлиқ муносабатларни;

давлат ижтимоий суғуртаси бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даврининг иш берувчи томонидан тўланадиган қисми бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади»;

3-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда ва яқка тартибдаги тадбиркорларда ишловчи янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга республика бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган нафақани қоплаб бериш тартиби 1¹-иловага мувофиқ амалга оширилади.

Иш берувчиларнинг ушбу нафақани тўлаш бўйича мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган нафақа миқдорида камайтирилади»;

в) қўйидаги мазмундаги 1¹-илова билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 майдаги 314-сон қарорига
1¹-ИЛОВА

**«Янги туғилган болани фарзандликка олган ёки васий қилиб
белгиланган ходимга бериладиган нафақанинг бир қисмини
қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда (кейинги ўринларда — юридик шахслар) ва якка тартибдаги тадбиркорларда меҳнат шартномасига асосан охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга янги туғилган болани фарзандликка олганлиги ёки унга васий қилиб белгиланганлиги муносабати билан бериладиган нафақанинг (кейинги ўринларда — нафақа) бир қисмини республика бюджети маблағлари ҳисобидан тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг алоҳида модули — идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик асосида нафақани «проактив» шаклда тайинлаш ва тўлашни назарда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимининг таркибий қисми (кейинги ўринларда — «Ягона реестр» АТ);

нафақа олувчи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда охирги олти ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган ҳамда янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходим (якка тартибдаги тадбиркор);

тўлов рўйхат (ведомост)лари — нафақа олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт маълумотлари, банк картаси орқали тўланганда тегишли тижорат банки ҳамда нафақа олувчининг банк картаси реквизитлари ва тўланиши лозим бўлган нафақа суммасига доир маълумотлар акс этирилган, нафақа бўйича тўловларни амалга оширувчи тижорат банкига электрон кўринишда тақдим этиладиган ҳужжат.

3. Ушбу Низом бюджет ташкилотларида, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлайдиган ходимларга татбиқ этилмайди.

4. Нафақа туғиш вақтида ёки туғишдан кейинги даврда она вафот этган кундан бошлаб, туғилган болани (болаларни) фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган шахсга (ходимга), бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь куни, икки ёки ундан ортиқ бола туғилганда етмиш календарь кунигача бўлган муддатда белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида тайинланади ва тўланади.

5. Нафақа минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдорида тўланади.

Бунда нафақанинг миқдори у тайинланган даврда амалда бўлган минимал истеъмол харажатларининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

6. Нафақани тўлаш ва нотўғри тайинланган нафақани қайтариш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) мазкур мақсадларда ажратилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Нафақа олувчининг асосий иш жойи ҳисобланган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг нафақа тўлаш бўйича мажбуриятлари Агентлик томонидан тўланган нафақа миқдоридан камайтирилади.

8. Нафақа «Ягона реестр» АТ томонидан фуқароларнинг мурожаатларисиз «проактив шакл»да тайинланади ва тўланади.

2-боб. Нафақани тайинлаш тартиби

9. Белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нафақани тайинлаш ва тўлаш учун асос бўлади.

10. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳудудий амбулатор-поликлиника ёки туғуруқхона муассасаси, шунингдек, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси беришга ваколатли бошқа тиббий муассасалар томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ягона тиббий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ягона тиббий» АТ) электрон шаклда расмийлаштирилади.

11. «Ягона тиббий» АТ томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси автоматик равишда «Ягона реестр» АТга юборилади.

12. «Ягона реестр» АТ томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тўғрисидаги маълумотлар келиб тушгандан сўнг, автоматик равишда нафақа олувчининг охириги олти ой давомида:

узлуксиз иш стажига эга эканлиги ва юридик шахсда бандлиги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК), якка тартибдаги тадбиркорларда бандлиги Солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси орқали;

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжудлиги — Солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси орқали;

бюджет ташкилотларида ишлаши ёки ишламаслиги Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «UzASBO» дастурий мажмуаси орқали автоматик равишда текширилади.

13. Нафақа олувчининг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажини ҳисоблашда, юридик шахсларда «ЯММТ» ИДАКдаги ва якка тартибдаги тадбиркорларда Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидаги меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кунга қадар олти ой узлуксиз иш стажини инобатга олинади.

Бунда ушбу даврда ўттиз бир кундан кўп бўлмаган танаффуслар бўлганда, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган кундан олдинги ўн икки ой давомидаги кетма-кет даврлар иш стажини ҳисоблашда қўлланилади. Агар охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажини даврида ходимнинг

меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжуд бўлмаса, ушбу давр иш стажини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Болани парваришlash учун таътилда бўлган ходимнинг иш стажини Солиқ қўмитасининг маълумотлар базаси орқали текширишда унинг таътилга чиқишидан олдинги даври ҳисобга олинади.

14. Нафақа ходим йиллик (асосий ва қўшимча) меҳнат таътилида, болани парваришlash учун таътилда ёки иш ҳақи сақланмайдиган таътиллarda бўлганда ҳам тўлаб берилади.

15. Нафақа олувчининг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажидавридаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари мавжуд бўлса ва «ЯММТ» ИДАҚда иш стажидавридаги маълумот бўлмаган тақдирда, бу ҳақда «Ягона реестр» АТ томонидан автоматик тарзда нафақа олувчининг «Ягона тиббий» АТда қайд этилган мобил телефон рақамига СМС-хабар, шунингдек, иш берувчининг Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидаги ва «ЯММТ» ИДАҚдаги шахсий кабинетларига хабарнома юборилади.

Нафақа олувчининг иш стажидавридаги номуаносиблиги (нотўғри киритилганлиги ёки киритилмаганлиги) хабарнома олинган ойдан кейинги ойнинг охириги иш кунига қадар «ЯММТ» ИДАҚда иш берувчи томонидан тўғриланиши лозим.

16. Хабарнома юборилган нафақа олувчиларнинг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажидавридаги хабарнома юборилган ойдан кейинги ойнинг охириги иш кунига қайта текширилади.

Номуаносиблик тўғриланмаган ҳолларда, нафақа тайинlashни рад этиш тўғридаги қарор «Ягона реестр» АТ томонидан автоматик тарзда шакллантирилади.

17. «Ягона реестр» АТ томонидан нафақа олувчининг охириги олти ой давомидаги узлуксиз иш стажидавридаги меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари ва унинг ишлаши тасдиқланганда, нафақани тайинlash тўғридаги қарор автоматик тарзда шакллантирилади.

18. «Ягона реестр» АТ томонидан:

нафақа тайинlash тўғридаги қарор қабул қилинганда, нафақанингда тўлов шакли ва муддати бўйича;

нафақа тайинlashни рад этиш тўғридаги қарор қабул қилинганда, рад этиш сабаблари бўйича нафақа олувчининг «Ягона тиббий» АТда қайд этилган мобил телефон рақамига СМС-хабар, шунингдек, иш берувчининг Солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидаги ва «ЯММТ» ИДАҚдаги шахсий кабинетларига автоматик тарзда хабарнома юборилади.

3-боб. Нафақани тўлаш тартиби

19. Ушбу Низомга мувофиқ тайинланган нафақани тўлаб бериш Агентлик томонидан тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб этилган тижорат банки томонидан амалга оширилади.

20. «Ягона реестр» АТ томонидан ҳар ойнинг 10-санасига қадар нафақа бўйича тўлов рўйхат (ведомост)лари тижорат банкига тақдим этилади ҳамда

Агентликнинг махсус ғазна ҳисобварағидан зарур маблағлар белгиланган тартибда тижорат банкига ўтказиб берилади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатнинг охири куни байрам ва дам олиш кунларига тўғри келганда, тўлов рўйхат (ведомост)лари ва зарур маблағлар кейинги 2 иш куни мобайнида тижорат банкига тақдим этилиши ва молия-лаштирилиши мумкин.

21. Нафақани тўлаш учун тижорат банкида алоҳида махсус банк ҳисобварақлари очилади.

22. «Ягона реестр» АТ томонидан тўлов рўйхат (ведомост)лари банк картаси бўйича шакллантирилади. Бунда тегишли банклараро репроцессинг марказларидан нафақа олувчининг номига очилган, актив ҳолатда бўлган, охири олтмиш кун давомида охири транзакция амалга оширилган банк пластик картаси танлаб олинади.

Нафақа олувчининг банк картаси бўлмаганда, тўлов нақд пул кўринишида амалга оширилади.

23. Тижорат банки томонидан нафақа тўлов амалга ошириладиган ойнинг 27-санасига қадар тўлаб берилади.

24. Тижорат банки томонидан нафақани нақд пул кўринишида нафақа олувчининг мурожаатига асосан, бироқ нафақа тайинланганлиги тўғрисида СМС-хабар юборилган кундан бошлаб тўқсон кун давомида белгиланган тартибда тўланади.

25. Жорий ой мобайнида нафақа олувчилар томонидан талаб қилинмаган маблағларни тижорат банкининг махсус ҳисобварақлардан келгусида тўлаш учун Агентлик махсус ғазна ҳисобварағига қайтарилади.

26. Тижорат банки ҳар ойнинг охири иш кунига қадар ушбу ой учун ва йил бошидан амалга оширилган тўловлар ҳамда тўланмаган маблағлар ҳақидаги маълумотларни «Ягона реестр» АТга тақдим этади.

27. Нафақа олувчиларга тижорат банки томонидан нафақани нақд пул шаклида тўлаб берганлик учун банк хизмат ҳақи миқдори тижорат банки ва Агентлик ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ, бироқ нақд пул шаклида тўлаб берилган нафақа миқдорининг 0,5 фоизидан ошмаган миқдорда белгиланади.

28. Нафақа олувчининг виждонсизлиги ёки ҳисоб-китоблардаги хатоликлар туфайли нотўғри тўланган нафақа нафақа олувчи томонидан Агентликка бир ой ичида қайтарилиши лозим. Бунда ихтиёрий равишда қайтарилмаган ёки тўлиқ қайтарилмаган маблағ суд тартибда ундирилади.

Ушбу бандда кўрсатилган асослардан бошқа сабаблар билан нотўғри тўланган нафақа хатоликка йўл қўйган ташкилот ходимидан белгиланган тартибда ундирилади.

Нотўғри тўланган нафақа тижорат банки орқали нафақа олувчидан хизмат ҳақи ундирилмаган ҳолда қайтарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

29. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан нафақа олувчи тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олин-

ган маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

Тегишли давлат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида нафақа олувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

30. «Ягона реестр» АТда ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларида техник носозликлар ҳамда маълумотлар алмашинуви жараёнида узилишлар юзага келганда, ушбу ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар меҳнатга лаёқатсизлик варақасидаги электрон маълумотларни киритиш, нафақани тайинлаш ва тўлаш муддатлари узайтирилиши мумкин.

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради».

г) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 июлдаги 405-сон қарори билан тасдиқланган Ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат қилишини қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда электрон реестрда турган I ва (ёки) II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсни расмий бандлиги таъминланган ойда ишга қабул қилинган санадан қатъий назар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича шарт бажарилган тақдирда, мазкур ногиронлиги бўлган шахс бир ой давомида расмий банд қилинган деб ҳисобланади»;

б) 19-банднинг биринчи хатбошиси «бажарилиши таъминлангандан кейин» сўзларидан кейин «олти ой ичида» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 25-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) сурдотаржимон ёки психолог хизматини кўрсатмоқчи бўлган шахслар мазкур соҳада олий маълумотга эга бўлиши ёки давлат таълим ташкилотларида касбий ва педагогик қайта тайёрлов курсларини тамомлаган бўлиши талаб этилади.

Республика касбий кўникмалар маркази ёки Ўзбекистон қарлар жамияти томонидан сурдотаржимонлик йўналишида ташкил этиладиган ўқув курслари ёки қайта тайёрлов курсларини ўқиб тугатган шахслар томонидан сурдотаржимон хизмати кўрсатилиши мумкин»;

г) 26-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат таълим ташкилотларининг касбий ва педагогик қайта тайёрлов курсларини тамомлаган ёки республика касбий кўникмалар маркази ёхуд Ўзбекистон қарлар жамияти томонидан ташкил этиладиган ўқув курслари ёки қайта тайёрлов курсларини ўқиб тугатган шахслар, ушбу маълумотни тасдиқловчи ҳужжатларни (диплом, сертификат) илова қилиш орқали»

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 27-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан ушбу Низомнинг 26-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган хужжатлар илова қилинган ҳолда, мурожаат этилган тақдирда, мазкур хужжатлар «ЯМИХ» АТ орқали Агентликнинг тегишли ҳудудий бошқармалари томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилиб, текширилади»;

ж) 28-бандда:

биринчи хатбошиси «маълумотлар мавжудлиги аниқланган» сўзларидан кейин «ёки ўз тасдиғини топган» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошиси «маълумотларнинг мавжуд эмаслиги» сўзларидан кейин «ёки ўз тасдиғини топмаганлиги» сўзлари билан тўлдирилсин;

з) 39-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар бандликка кўмаклашиш субсидияси ёки иш ўринларига мослаштириш субсидияси тадбиркорлик субъектлари томонидан нотўғри киритилган (кўрсатилган) маълумотлар асосида ёки техник камчиликлар ёхуд ҳисоб-китоблардаги хатоликлар туфайли нотўғри тўланган тақдирда, мазкур маблағлар уларнинг нотўғри тўланганлиги аниқланган санадан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан Жамғармага бир ой ичида қайтарилиши лозим. Бунда ихтиёрий равишда Жамғармага қайтарилмаган ёки тўлиқ қайтарилмаган маблағ суд тартибида ундирилади»;

и) 3-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ қисми билан тўлдирилсин:

«Изоҳ.

Бандликка кўмаклашиш субсидияси ажратилишига асос бўлган I ва (ёки) II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс учун тадбиркорлик субъектига субсидия тақдим этилган бўлса, мазкур ногиронлиги бўлган шахс учун бошқа тадбиркорлик субъектига ушбу турдаги субсидия ажратилишига йўл қўйилмайди.

Тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш субсидиясини тайинлашда, унинг миқдори ушбу Низомнинг 18-бандида белгиланган шартлар бажарилган ёки бажарилиши таъминланган даврда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2025 йил 16 июлдаги 444-сон қарорида:

а) қарорда:

3-банднинг «б» кичик бандидаги «маҳаллий» сўзи «республика» сўз билан алмаштирилсин;

5-банддаги «тегишли бюджет» сўзлари «Давлат бюджети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

5-бандидаги «маҳаллий» сўзи «республика» сўз билан алмаштирилсин;

11-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахс вафот этган тақдирда»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Изоҳ. Мазкур илованинг 2-банди «б» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси 2026 йил 1 январдан, бешинчи хатбошиси 2026 йил 1 июлдан кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 17 декабрдаги 796-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙҲАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги «Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 515-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 5 октябрдаги «Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 640-сон қарорига илованинг 8-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**801 Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 17 январдаги ПҚ–12-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали камбағал аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги ПҚ–12-сон қарорига мувофиқ:

камбағал оила аъзоларини жалб этган ҳолда 20 минг гектар ўрмон фонди ерларида саноатбоп, манзарали ва мевали дарахт турларидан иборат ўрмонлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш, бунда камбағал оила аъзоларига мазкур ер участкаларида ўз эҳтиёжлари учун сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга рухсат этилгани;

«Экофаол фуқаро» платформасига ўзи эккан дарахти тўғрисида маълумотлар киритган камбағал оилалар аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган ҳар 100 та дарахт учун «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида субсидия ажратиш тартибини жорий этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

худудларда «маҳалла еттилиги» томонидан ўрмон фонди ерларида саноатбоп, манзарали ва мевали дарахт турларидан иборат ўрмонлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш лойиҳаларини (кейинги ўринларда — лойиҳалар) амалга ошириш орқали даромад топиш истагини билдирган камбағал оила аъзолари аниқланади;

ўрмон фонди ерларида лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирган Ижтимоий реестрга киритилган оила аъзолари оилавий пудрат шартномаси асосида жалб этилади. Бунда оилавий пудрат шартномасида белгиланган миқдорда экиладиган дарахт кўчатлари сони субсидия тўлаш учун асос бўлган миқдордан кам экилганда ёки кўчатлар экилгандан кейин уларнинг 50 фоизидан ками кўкариб чиқмаганда, камбағал оила аъзоси томонидан дарахт кўчатлари қайтадан экилади;

лойиҳалар доирасида экиладиган кўчатлар давлат ўрмон хўжаликлари ташкилотлари томонидан камбағал оила аъзоларига бепул етказиб берилади.

3. Камбағал оила аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган дарахтлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан биргаликда «маҳалла еттилиги» томонидан ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромад топиш истагини билдирган камбағал оила аъзолари рўйхати ҳар йили январь ва август ойларида шакллантирилиши ҳамда тегишли давлат ўрмон хўжалиги ташкилотларига тақдим этиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатга мувофиқ камбағал оила аъзоларини ўрмон фонди ерларида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда дарахт кўчатларини экиш ва парваришlash ишларига жалб этиш чораларини кўрсин;

ушбу қарорга иловага мувофиқ тартибда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги маблағлар ҳисобидан камбағал оила аъзоларига субсидиялар ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ўрмон фонди ерларида ўрмонлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил этиш ва доривор ўсимликлар етиштириш лойиҳаларини амалга оширишда камбағал оила аъзоларини жалб этиш тўғрисида намунавий оилавий пудрат шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини ташкил этсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 декабрь,
798-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 18 декабрдаги 798-сон қарорига
ИЛОВА

Камбағал оила аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган дарахтлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом камбағал оила аъзоларига ўрмон фонди ерларида экилган ва парваришланган ҳар 100 та дарахт учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

кўчат экиш мавсумлари — дарахт-буталар кўчатларини уларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баҳор ёки куз мавсумларида экиш вақти;

кўчатларни парваришlash даври — кўчатлар экилгандан кейин уларнинг кўкариб чиқишини таъминлаш бўйича агротехник тадбирлар мажмуи;

талабгор — ўрмон фонди ерларида кўчатлар экиш ва парваришlash истагини билдирган камбағал оила аъзолари;

«Экофаол фуқаро» платформаси — аҳолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш орқали мамлакатда «Экофаол фуқаро» ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган электрон тизим.

3. Субсидия Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига (кейинги ўринларда — Экология қўмитаси) «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан йил давомида иккига бўлиниб, кўчатлар экилган вақтда (баҳор ва куз мавсумларида) ҳамда уларни парваришlash давридан кейин тенг улушларда тўланади.

2-боб. Субсидияни ажратиш тартиби

4. Камбағал оила аъзоларига субсидия ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ ажратилади.

5 «Маҳалла еттилиги» томонидан ўрмон фонди ерларида дарахт кўчатларини экиш истагини билдирган камбағал оила аъзоларининг рўйхати шакллантирилиб, ўрмон хўжалиги ташкилотига тақдим этилади.

6. Ўрмон хўжалиги ташкилоти томонидан:

кўчатлар экиладиган ер майдони танланади;

танланган ер майдонининг тупроқ-иқлим шароитига мос дарахт-буталар турлари аниқланади, уларнинг рўйхати шакллантирилади;

рўйхат асосида дарахт кўчатлари талабгорга бепул етказиб берилади;

дарахт кўчатларини экиш учун ерни ҳар хил чиқиндилардан тозалаш, текислаш, шудгорлаш, суғориш ариқларини қазиш, экиш учун жўяк олиш тадбирлари талабгор билан биргаликда амалга оширилади;

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мавсумнинг бошланиш ва тугаш саналари тўғрисидаги маълумотлар, дарахт кўчатларини парваришlash бўйича тавсиялар бериб борилади ҳамда яқиндан услубий ёрдам кўрсатилади.

7. Талабгор ўрмон хўжалиги ташкилоти томонидан тайинланган масъул ходим (кейинги ўринларда — мураббий) тавсия ва кўрсатмаларига асосан танланган майдонда ерни тайёрлайди, дарахт кўчатларини бир мавсум давомида экади ва парваришлайди.

8. Мураббий туман (шаҳар) экология бўлими билан биргаликда талабгор томонидан экилган дарахт кўчатларини жойига чиққан ҳолда далолатнома ва фотоҳисобот асосида қабул қилиб олади.

9. Туман (шаҳар) экология бўлими томонидан «Экофаол фуқаро» платформасида ҳар бир талабгор учун шахсий кабинет очилади ва унга экилган дарахт кўчатлари тўғрисидаги маълумотлар талабгор томонидан мустақил равишда, зарур ҳолларда «маҳалла еттилиги» кўмагида киритиб борилади. Киритилган маълумотлар туман (шаҳар) экология бўлими томонидан беш иш куни ичида тасдиқланади ёки тасдиқланиши рад этилади.

10. Туман (шаҳар) экология бўлими экилган дарахт кўчатлари сонига мутаносиб равишда субсидиянинг 50 фоизини талабгорга тўлаб бериш учун «Экофаол фуқаро» платформасига далолатномани юклаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаларига (кейинги ўринларда — Экология бошқармалари) талабнома юборади.

11. Экология бошқармалари «Экофаол фуқаро» платформасидаги талабномалар асосида субсидия маблағларини беш иш куни мобайнида талабгорнинг тижорат банкида очилган банк картасига ўтказиб беради.

12. Субсидия экилган ва парваришланган ҳар 100 та дарахт кўчатлари учун тўланади.

13. Дарахт кўчатлари 100 тадан кўп миқдорда экилган тақдирда, талабгорга ажратиладиган субсидия миқдори ҳақиқатда экилган дарахт кўчатлари сонига мутаносиб равишда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$x = a * b / 100;$$

a — экилган кўчатлар сони;

b — базавий ҳисобlash миқдорининг бир баравари миқдори.

3-боб. Камбағал оила аъзолари томонидан ўрмон фонди ерларида экилган дарахт кўчатларини мониторинг қилиш тартиби

14. Камбағал оила аъзолари ўрмон фонди ерларида эккан дарахт кўчатларининг мониторинги туман (шаҳар) экология бўлими, камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда тегишли ўрмон хўжалиги (мураббий) ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда ишчи гуруҳ таркибига Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот

институту, «Яшиллойиҳа» лойиҳалаш институти ёки бошқа илмий ташкилотларнинг ходимлари ва экофаоллар жалб этилиши мумкин.

15. Ўрмон фонди ерларида экилган дарахт кўчатларининг мониторинги ишчи гуруҳ аъзоларининг ўзаро келишуви асосида ҳар мавсум давомида ва экилган дарахт кўчатларини парваришlash даврида амалга оширилади.

16. Мониторинг ўтказиш давомида ишчи гуруҳ томонидан қуйидагилар жойига чиққан ҳолда ўрганилади:

талабгор томонидан тупроқ-иқлим шароитга мос дарахт кўчатлари экилгани;

белгиланган миқдорда кўчатлар экилгани ҳамда дарахт турига боғлиқ ҳолда кўчатларнинг кўкариб чиққани;

бир мавсум давомида экилган дарахт кўчатларини парваришlash ва суғориш ишлари ўз вақтида бажарилаётгани;

талабгорга субсидия маблағлари ўз вақтида тўлаб берилиши.

17. Мониторинг якунлари бўйича экилган дарахт кўчатлари ва уларни парвариш қилиш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади.

Бунда оилавий пудрат шартномасида белгиланган миқдорда экиладиган дарахт кўчатлари сони субсидия тўлаш учун асос бўлган миқдордан кам экилганда ёки кўчатлар экилгандан кейин уларнинг 50 фоизидан ками кўкариб чиқмаганда, талабгор томонидан дарахт кўчатлари қайтадан экилади.

18. Талабгор экилган кўчатларни парваришlashдан воз кечгани ёки парваришlash бўйича тавсияларга амал қилинмаётгани юзасидан ўрмон хўжалиги ташкилотининг мурожаати келиб тушганда, туман (шаҳар) экология бўлими томонидан мурожаат ўрганилади ҳамда ушбу кўчатларни парваришlash мажбуриятини ўрмон хўжалиги ташкилотининг тавсиясига кўра бошқа талабгорга ўтказишга рухсат бериш тўғрисида хулоса тақдим этилади.

Ушбу хулоса ва ўрмон хўжалиги ташкилотининг тавсияси асосида туман (шаҳар) экология бўлими томонидан уч кун муддатда кўчатларни парваришlash мажбурияти «Экофаол фуқаро» платформасида янги талабгор номига расмийлаштирилади.

Мазкур ўзгаришлар субсидия тўловларининг парваришlash бўйича иккинчи қисмини кейинчалик янги талабгорга тўлаш учун асос бўлади.

Туман (шаҳар) экология бўлими хулосасидан норози бўлган дастлабки талабгор Экология бошқармаларига, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига ёки суд тартибда мурожаат қилиши мумкин.

19. Ишчи гуруҳ томонидан расмийлаштирилган далолатнома кўчатлар экилган вақтда (баҳор ва куз мавсумларида) ҳамда уларни парваришlash давридан кейин тенг улушларда тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

20. Туман (шаҳар) экология бўлими томонидан субсидиянинг қолган 50 фоизи тўлаб берилиши бўйича «Экофаол фуқаро» платформаси орқали талабнома юборилади.

21. Экология бошқармалари томонидан ушбу маблағлар беш иш куни мобайнида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Экология бошқармалари субсидия бериш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва ажратилган маблағларнинг талабгорларга етказилиши учун масъул ҳисобланади.

23. Мазкур Низом талабларига мувофиқ субсидия ажратиб берилган камбағал оила аъзоси бир вақтнинг ўзида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа турдаги субсидияларни олишга ҳақли.

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**802 Саноат зоналарини бошқариш тизимини такомиллашти-
ришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Республика ҳудудларида фаолият кўрсатаётган саноат зоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бухоро вилоятида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 5 декабрдаги ПҚ–423-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги саноат зоналари дирекциялари саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор бўлиб кириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ушбу қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилиш учун масъул ва шахсан жавобгар этиб белгилансинлар.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 декабрь,
802-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 декабрдаги 802-сон қарорига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳридаги саноат зоналари дирекциялари саноат зоналари
иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш
лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва
иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун ер
участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор
бўлиб кириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саноат зоналари дирекциялари (кейинги ўринларда — дирекциялар) саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор бўлиб кириш тартибини белгилайди.

2. Дирекциялар саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун тадбиркорлик субъектларининг розилиги асосида ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор бўлиб киради.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Дирекция — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарорларига асосан саноат зонаси фаолиятини тезкор бошқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс;

саноат зонаси иштирокчиси — белгиланган тартибда саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган ва саноат зонаси ҳудудида лойиҳани амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти;

саноат зонаси — саноат, ишлаб чиқариш корхоналарини бир жойда жойлаштириш, инфратузилма объектларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида аҳоли пункти ҳудудининг қонунчилик ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ва ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ҳамда чегаралари аниқ белгиланган қисми;

улушдорлик — дирекциянинг саноат зоналари иштирокчилари учун хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор бўлиб кирган қиймати, маълум фоизга эга бўлиши, яъни унда ҳисса (улуш) билан қатнашиши;

хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳалари — саноат зоналари

худудиди саноат зоналари иштирокчилари учун хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги лойиҳалар мажмуи.

2-боб. Улушдорликни ташкил этиш ва бошқариш тартиби

4. Улушдорлик саноат зоналари худудиди фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари негизиди саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун лойиҳаларни жойлаштириш мақсадида ташкил этилади.

5. Саноат зоналарига саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдор бўлиб кириш қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳалари учун амал қилади.

6. Саноат зоналари худудиди хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш учун қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган хизмат кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш, тайёр бино ва иншоотларни қуриш (саноат ипотекаси) учун саноат зоналарида ер участкалари электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ажратилади ҳамда ушбу ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқининг бозор қиймати хўжалик жамиятининг устав фондига дирекциянинг улуши сифатида киритилади.

3-боб. Хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида тайёр бино ва иншоотларни қуриб берувчи (саноат ипотекаси) тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш тартиби

7. Ер участкасининг электрон онлайн-аукцион савдоларида аниқланган ижара ҳуқуқи қиймати дирекция ва иштирокчи томонидан ташкил этилади-ган хўжалик жамиятининг (масъулияти чекланган, акциядорлик жамияти, қўшма корхона) устав фондига дирекция улуши (ушбу жамиятнинг устав фондидаги давлат улушини оширган ҳолда) сифатида киритилади.

8. Хўжалик жамиятининг устав фондига киритиш белгиланган ер участкаси дирекциянинг мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши лозим.

9. Ер участкасининг қиймати, устав фондига киритилган пайдан бошлаб ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи хўжалик жамиятига тегишли бўлади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

4-боб. Томонларнинг мажбуриятларни қабул қилиши

10. Ер участкасининг ижара ҳуқуқи қиймати шаклидаги дирекция улуши хўжалик жамияти устав фондининг 49 фоизидан ошмаслиги шарт.

11. Хўжалик жамиятининг устав фондидаги иштирокчиларнинг биргаликда фаолият юритиш шартлари инвестиция битимида белгиланиши лозим.

12. Ер участкасининг ижара ҳуқуқи қиймати шаклида хўжалик жамиятининг устав фондига киритилган дирекция улуши, агар бошқа муассислар томонидан уни имтиёзли сотиб олиш рад этилган тақдирда, инвестиция битимида кўрсатилган муддатда (қоида тариқасида уч йилдан кейин) қонунчиликда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдолари орқали хусусийлаштирилиши мумкин.

Барча ҳолларда ер участкасининг ижара ҳуқуқи қиймати ҳисобидан шакллантирилган улуш уни сотиш пайтида баҳоланган қийматда сотилади.

5-боб. Улушдорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Улушдорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

узоқ муддатли ижара шартномалари доирасида ажратилган ер участкалари ва (ёки) хизмат кўрсатиш майдонларига мустақил эгалик қилиш ҳамда инвестиция битимида кўрсатилган хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаси доирасида фойдаланиш;

хизмат кўрсатишни ташкил этиш фаолиятининг бошланиши кечикишига объектив сабаблар мавжуд бўлганда, дирекциянинг қарори асосида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муддатини (бир марта 6 ой муддатдан ошмаган ҳолда) узайтириш.

14. Улушдорлар саноат зоналари иштирокчиларининг хизмат кўрсатишни ташкил этиш лойиҳаларига ер участкаларининг ижара ҳуқуқи билан улушдорлик тўғрисида тузилган инвестиция битимида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш жадвалининг муддатлари ва параметрларига риоя этиши шарт.

6-боб. Яқунловчи қоида

15. Ушбу Низомнинг талабларини бажаришда юзага келадиган низолар томонларнинг ўзаро музокаралари натижасида ҳал этилмаса, суд тартибида кўриб чиқилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

803 Саноат зоналарида лойиҳалар амалга оширилишини
жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида*

Худудларда фаолият юритаётган саноат зоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини янада жадаллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлар учун тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 27 декабрдаги ПФ–229-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг саноат зоналарида саноат зоналари иштирокчилари томонидан якунига етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган инвестицияларни баҳолаш ҳамда қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларда инвестиция киритиш ва қурилиш ишларини амалга оширган саноат зоналари иштирокчилари томонидан сарфланган маблағларни қоплаб бериш шarti билан янги иштирокчиларга бериш тартибini жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Саноат зоналари иштирокчилари томонидан якунига етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган инвестицияларни баҳолаш ҳамда қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларда инвестиция киритиш ва қурилиш ишларини амалга оширган саноат зоналари иштирокчилари томонидан сарфланган маблағларни қоплаб бериш шarti билан янги иштирокчиларга бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳамда саноат зоналари дирекциялари ушбу қарорга иловада тасдиқланган вақтинчалик низомда белгиланган талабларнинг бажарилишига шахсан жавобгар этиб белгилансин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 декабрь,
803-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 декабрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 19 декабрдаги 803-сон қарорига
ИЛОВА

**Саноат зоналари иштирокчилари томонидан якунига
етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган
инвестицияларни баҳолаш ҳамда қурилиши тугалланмаган бино
ва иншоотларда инвестиция киритиш ва қурилиш ишларини
амалга оширган саноат зоналари иштирокчилари томонидан
сарфланган маблағларни қоплаб бериш шarti билан янги
иштирокчиларга бериш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом саноат зоналари иштирокчилари томонидан якунига етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган инвестицияларни баҳолаш, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларда инвестиция киритиш ҳамда қурилиш ишларини амалга оширган саноат зоналари иштирокчилари томонидан сарфланган маблағларни қоплаб бериш шarti билан янги иштирокчиларга бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 4 мартдаги ПФ–41-сон Фармониға мувофиқ «Саноат зоналари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучға киргунға қадар амал қилади.

Бунда киритилган инвестициялар миқдори ҳамда қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар қиймати ваколатли баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади.

2. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дирекция — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарорларига асосан саноат зонаси фаолиятини тезкор бошқариш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс;

инвестиция битими — иқтисодий, ижтимоий ва фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишға қаратилган, томонлар мажбурияти кўрсатилган Дирекция ва иштирокчи ўртасида тузиладиган битим;

лойиҳа ташаббускори — саноат зонаси иштирокчиси мақомини олишға талабгор юридик шахс;

саноат зонаси иштирокчиси — белгиланган тартибда саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган ва саноат зонаси ҳудудида лойиҳани амалга ошираётган тадбиркорлик субъекти;

саноат зонаси — саноат, ишлаб чиқариш корхоналарини бир жойда жойлаштириш, инфратузилма объектларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини

иш билан таъминлаш мақсадида, аҳоли пункти ҳудудининг қонунчилик ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ва ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ҳамда чегаралари аниқ белгиланган қисми;

яқунига етказилмаган лойиҳа — саноат зонасида амалга оширилиши белгиланган, бироқ саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция битимида кўрсатилган мажбуриятларни муддатида бажарилмаслиги ёки бажара олмаслиги маълум қилинган лойиҳа.

2-боб. Саноат зоналарида яқунига етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган инвестицияларни баҳолаш ҳамда қурилиши яқунланмаган бино ва иншоотларни дирекцияга ўтказиш тартиби

3. Саноат зонасидаги яқунига етказилмаган лойиҳаларни амалга оширишга киритилган инвестицияларни баҳолаш инвесторнинг саноат зонаси иштирокчиси мақомини йўқотгандан сўнг унинг лойиҳа доирасида амалга оширган харажатларини маълум шартлар асосида қоплаб бериш мақсадида амалга оширилади.

Бунда саноат зонаси иштирокчиси мақомини йўқотган инвестор ва дирекция ўртасидаги келишув битими асосида иштирокчи томонидан қурилиши бошланиб, қурилиши тугалланмаган объектлар улар қурилишига сарфланган харажатларни қоплаш шарти билан дирекцияга ўтказилади.

Қурилиши тугалланмаган объектларни баҳолашдан ўтказиш харажатларини қоплаш ва баҳолашдан ўтказиш натижалари бўйича икки томоннинг розилигини тасдиқлаш масалалари келишув битимида акс этади.

4. Инвесторнинг саноат зонаси иштирокчиси мақоми қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилингандан сўнг ер участкаси қурилиши тугалланмаган объект билан биргаликда дирекцияга қайтарилади.

Бунда икки ҳафта муддатда дирекция қурилиши тугалланмаган объектни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиб, бир ой муддатда мазкур объектни баҳолашдан ўтказилади.

5. Объект баҳолангандан сўнг, дирекция ер участкасини қурилиши тугалланмаган объект билан биргаликда ёки объект қурилишини яқунлаб, фойдаланиш учун рухсатнома олингандан сўнг уч кунлик муддатда янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда электрон-онлайн аукционга жойлаштиради.

6. Электрон-онлайн аукцион савдолари яқуни голиб аниқланиб, тўловлар амалга оширилгандан сўнг, электрон-онлайн аукцион оператори маблағларни Дирекцияга йўналтиради ҳамда дирекция бир кун муддатда келишув битимида мувофиқ қурилиши тугалланмаган объектнинг баҳоланган қийматини иштирокчи мақоми бекор қилинган инвесторнинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

Бунда электрон-онлайн аукцион савдосидан тушган маблағнинг қурилиши тугалланмаган объектнинг баҳоланган қийматидан ортикча қисми дирекция ҳисобида қолади.

7. Инвестиция битимида янги саноат зонаси иштирокчиси (лойиҳа ташаббускори) компенсация тўлови мажбуриятини олаётган вақтда баҳоловчи хулосаси билан таништирилади ҳамда хулосанинг бир нусхаси битимга илова қилинади.

3-боб. Яқунловчи қоида

8. Мазкур Вақтинчалик низом талабларини бажаришда юзага келадиган низолар томонларнинг ўзаро музокаралари натижасида ҳал этилмаса, суд тартибида кўриб чиқилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****804 Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi
yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
15-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2773-13*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 7-iyuldagi PF–109-son “Qishloq xo‘jaligi ekinlari urug‘liklarining sifatini baholash tizimini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 24-avgustdagi 500-son “Vakolatli iqtisodiy operatorlar to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi va 2024-yil 5-avgustdagi 481-son “O‘simliklarni himoya qilish sohasidagi litsenziyalash va ruxsat etish xususiyatiga ega hujjatlarni berish bilan bog‘liq ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasining 2016-yil 29-fevraldagi 01-02/15-07-son qarori (ro‘yxat raqami 2773, 2016-yil 6-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 14-son, 133-modda) bilan tasdiqlangan Bojxona yuk deklaratsiyasini to‘ldirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga** muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Mazkur buyruqqa ilovaning 7-bandi 2026-yil 28-fevraldan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**J. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 1-dekabr,
305-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 16-dekabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 30-oktabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 28-oktabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

805 «Электрон рецепт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3725*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги 570-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ташкилотларида рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 28-бандига асосан **буюраман**:

1. «Электрон рецепт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги 570-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 4-бандига асосан:

Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш таъминловини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармонига мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган 15 та туманлар (шаҳарлар)даги барча тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини беморларга тайинлашда дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи бўйича (мавжуд бўлса) электрон рецепт расмийлаштирилади (бундан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар, таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар сақловчи дори воситалари ҳамда реимбурсация дастури билан боғлиқ жараёнлар мустасно);

тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарнинг мавжуд ахборот тизимларини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Рақамли соғлиқни сақлаш платформасига ва ахборот тизимига улаш ёки уларнинг сўровига асосан уларда вазирликнинг «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими модуллари бепул ўрнатилади;

тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига уланиш учун зарур моддий-техник базага, барқарор Интернет ва электр тармоғига эга бўлишлари шарт.

Бунда, «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими ва «Электрон рецепт» модулига интеграция қилинмаган мазкур бандда келтирилган тиббиёт ташкилотларида электрон рецепт билан бериладиган дори воситаларини беморларга тайинлашда Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 16 декабрда эълон қилинган.

тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 3277, 2020 йил 1 июль) 1-иловасига мувофиқ қоғоз шаклдаги рецептларни расмийлаштиришга 2026 йил 1 мартга қадар рухсат берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 1 июлдаги 121-сон буйруғи (рўйхат рақами 3277, 2020 йил 1 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 10/20/3277/1022-сон) билан тасдиқланган Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловадаги «рецепт бланкаси шакли» мазкур буйруқнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХУДАЯРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 15 декабрь,
25-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил
15 декабрдаги 25-сон буйруғига
1-ИЛОВА

«Электрон рецепт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш ТАРТИБИ

Ушбу ҳужжат Тошкент шаҳри ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилаётган 15 та туман (шаҳар)лардаги барча тиббиёт ташкилотларида (бундан буён матнда тиббиёт ташкилотлари деб юритилади) «Электрон рецепт» тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжатда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
дорихона — дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни, шунингдек, уларни тайёрлаш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилган дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рецепт — шифокорнинг фармацевт маълумотига эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланиш усули тўғрисидаги ёзма кўрсатмаси;

электрон рецепт — шифокорнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори воситаси тўғрисидаги маълумотларни (халқаро патентланмаган ёки оригинал номи, тайёрлаш, кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги) электрон шаклда қайд этилган ва тасдиқланган кўрсатмаси;

«Электрон рецепт» модули — электрон рецепт билан боғлиқ барча жараёнлар (ҳаракатлар)ни жамлаш, маълумот алмашиш, тегишли ҳисоботларни шакллантириш каби функцияларни амалга оширувчи ахборот дастури;

беморнинг қонуний вакили — беморнинг оила аъзоси ёки беморга васийлик ёки ҳомийлик қилишга тайинланган шахс;

халқаро касалликлар таснифи — касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ бошқа муаммоларнинг халқаро статистик таснифи.

2. Беморларга тайинланган дори воситалари тўғрисидаги маълумот (халқаро патентланмаган ёки оригинал дори номи, кунлик дозаси, қабул қилиш ёки юбориш усули, миқдори, давомийлиги) электрон рецептга бевосита шифокор томонидан киритилади ҳамда электрон тасдиқлаш усуллари орқали тасдиқланади.

3. Электрон рецепт билан бериладиган дори воситалари бевосита бемор ёки унинг вакилига «Электрон рецепт» модули билан ўрнатилган тартибда тиббиёт ташкилоти билан маълумот алмашинуви йўлга қўйилган дорихоналар орқали берилади.

2-боб. Рецепт билан бериладиган дори воситаларини рецепт асосида тайинлаш

4. Тиббиёт ташкилотларида рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш босқичма-босқич жорий этилади.

5. Электрон рецептга ўтказиладиган дори воситаларининг гуруҳларини шакллантириш мақсадида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари, давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг етакчи шифокорлари, соҳа экспертлари ва бош мутахассислардан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан Экспертлар кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ташкил этилади.

Кенгаш йиғилишлари ҳар ойда бир марта (заруриятга кўра, ҳафтасига бир марта) ташкил этилади.

6. Кенгаш томонидан дори воситаларининг тиббий аҳамияти, ижтимоий хавфи, суиистеъмол қилиш эҳтимоли ҳамда амалиётдаги эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич электрон рецепт орқали бериладиган дори воситалари гуруҳлари шакллантирилади.

7. Рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлашнинг биринчи босқичида қуйидаги дори воситалари электрон рецепт асосида белгиланади:

антибиотиклар ва тизимли таъсир этувчи синтетик антибактериал дори воситалари;

тизимли таъсир этувчи гормонал дори воситалари.

Рецепт билан бериладиган дори воситаларини электрон рецепт асосида тайинлаш кейинги босқичларда Кенгаш томонидан шакллантирилган электрон рецептга ўтказиладиган дори воситалари гуруҳлари бўйича жорий этиб борилади.

Бунда, электрон рецептга ўтказиладиган дори воситалари гуруҳлари, электрон рецепт тизимини жорий этиш босқичлари ва уларни амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади ва барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлиши таъминланади.

Электрон рецепт тизимини жорий этиш жараёнида аҳоли ва тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ва бошқа ахборот манбалари орқали тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилади.

8. Беморларга биринчи босқич доирасида электрон рецепт орқали берилиши назарда тутилган дори воситалари буюрилган тақдирда, ушбу дори воситалари уларга электрон рецепт орқали тайинланиши шарт.

Электрон рецепт ёки қоғоз рецепт асосида бериладиган дори воситалари бир вақтнинг ўзида тайинланган тақдирда, уларнинг барчасини электрон рецепт орқали расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Беморни даволаш давомида унинг эҳтиёжи мавжуд бўлган, бироқ тиббиёт ташкилотида мавжуд бўлмаган дори воситаларига шифокор томонидан рецепт расмийлаштирилишига йўл қўйилади.

9. Дорихона провизори дори воситасини бемор ёки унинг вакилига беришда дастлаб «Электрон рецепт» модули орқали ушбу дори воситаси учун расмийлаштирилган электрон рецептнинг ҳақиқийлигини текширади.

Дорихона провизори томонидан дори воситасини беришда электрон рецептнинг ҳақиқийлигини текшириш беморнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (қоғоз ёки электрон шаклдаги) асосида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) орқали амалга оширилади ва шунинг асосида дори воситаси берилади.

10. Дори воситасини тайинлаш учун рецепт қоғоз шаклида расмийлаштирилган бўлса, унинг юқори қисмида шифокор томонидан беморнинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) қайд қилинган бўлиши керак.

Бунда, қоғоз шаклидаги рецептдаги маълумотлар дорихона провизори томонидан «Электрон рецепт» модулига мажбурий тартибда киритилади.

11. Сурункали касаллиги бўлган беморлар учун амбулатория шароитида, халқаро касалликлар таснифига киритилган касалликлар бўйича қўлланиладиган дори воситаларига, шунингдек асосий фармакологик таъсирига кўра анаболик фаолликка эга бўлган дори воситаларига рецепт берилган тақдирда, даволовчи шифокор томонидан мазкур дори воситаларининг 60 кунлик даволаш курси учун, қолган тайёр дори воситалари учун 90 кунлик даволаш

курси учун етарли миқдори, жумладан реимбурсация тизими орқали 30 кунлик миқдори тайинланиши мумкин.

Бунда, электрон рецепт ҳамда унга тегишли QR-коднинг амал қилиш муддати тайинланган даволаш курсининг муддатига тенг бўлиши керак.

12. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш зарурияти туғилганида тез тиббий ёрдам хизмати ва шошилиш қабул бўлимлари томонидан қонунчиликка мувофиқ бепул биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Бунда беморга келгусида амбулатор тиббий ёрдам ёки шифокор назорати лозим бўлганда, унинг хоҳишига кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 июндаги 384-сон «Республикада аҳолига бирламчи тиббий- санитария ёрдамлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тиббиёт бригадасига (оилавий поликлиникага) бириктириш орқали шифокор томонидан электрон рецепт асосида дори воситалари тайинланиши мумкин.

13. Тиббиёт ташкилотларида электр энергияси ёки интернет тармоғидаги узилишлар, ахборот тизимидаги техник носозликлар юзага келганда электрон рецепт билан бериладиган дори воситаларини тайинлашда Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 3277, 2020 йил 1 июль) 1-иловасига мувофиқ қоғоз шаклдаги рецептни расмийлаштиришга йўл қўйилади.

14. Электрон рецепт тизимини жорий этиш жараёнида аҳоли ҳамда тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар орқали мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилади ҳамда тиббиёт ходимлари ва дорихона провизорлари учун доимий равишда ўқув-семинарлари ташкил этилади ва ўтказиб борилади.

15. Фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил қилинган 1003 қисқа рақамли «Call-марказ» орқали ётоқ режимида бўлган ва сурункали касалликка чалинган беморлар учун қуйидаги имкониятлар таъминланади:

ўзлари бириктирилган оилавий шифокорга мурожаат қилиш;

даволаш курсини давом эттириш мақсадида ўз оилавий шифокорига (ёки тор соҳа мутахассисига) масофадан мурожаат қилиш орқали электрон рецепт олиш;

соғлиғининг ҳолатидан келиб чиқиб, тиббиёт ходимларини чақирган ҳолда (патронаж хизмати) тиббий хизматдан фойдаланиш.

3-боб. Яқунловчи қоида

16. Ушбу ҳужжатнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI HUZURIDAGI TA’LIM
SIFATINI TA’MINLASH MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

**806 Kasbiy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat
akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari
bo‘yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3726*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 5-maydagi PF–76-son “Ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim xizmatlari ko‘rsatish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 6-avgustdagi 498-son “O‘rta maxsus, kasbiy, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’lim, shuningdek, kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tashkilotlarini kompleks hamda maxsus davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazish tizimini joriy etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Kasbiy ta’lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o‘tkazishda baholash mezonlari bo‘yicha indikatorlar ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Direktor

B. YULDASHEV

Toshkent sh.,
2025-yil 2-dekabr,
4-son

Kelishildi:

*Oliy ta’lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

K. SHARIPOV

2025-yil 13-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 18-dekabrda e’lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGI VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO‘JALIGI VAZIRLIGINING
QARORI

807 Transport vositalarini saqlash, ta‘mirlash va ularga texnik xizmat ko‘rsatish obyektlari uchun yong‘in xavfsizligi qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2710-1

O‘zbekiston Respublikasining “Avtomobil transporti to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 22-sentabrdagi 602-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida nazorat qilish inspeksiyasi faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Transport vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Qishloq xo‘jaligi vazirligi va Suv xo‘jaligi vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi, O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligining 2015-yil 27-iyuldagi 36, 19 va 15-son qarori (ro‘yxat raqami 2710, 2015-yil 24-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 34-son, 459-modda) bilan tasdiqlangan Transport vositalarini saqlash, ta‘mirlash va ularga texnik xizmat ko‘rsatish obyektlari uchun yong‘in xavfsizligi qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Transport vaziri

Toshkent sh.,
2025-yil 12-dekabr,
15-son

I. MAXKAMOV

Ichki ishlar vaziri

Toshkent sh.,
2025-yil 9-dekabr,
63-son

A. TASHPULATOV

Qishloq xo‘jaligi vaziri

Toshkent sh.,
2025-yil 11-dekabr,
42-son

I. ABDURAXMONOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-dekabrda e‘lon qilingan.

Suv xo'jaligi vaziri**Sh. XAMRAYEV**

Toshkent sh.,
2025-yil 5-dekabr,
01/25-6-son

O'zbekiston Respublikasi
Transport vazirligining 2025-yil 12-dekabrda
15-son, Qishloq xo'jaligi vazirligining 2025-yil
11-dekabrda 42-son, Ichki ishlar vazirligining
2025-yil 9-dekabrda 63-son va Suv xo'jaligi
vazirligining 2025-yil 5-dekabrda
01/25-6-son qaroriga
ILOVA

**Transport vositalarini saqlash, ta'mirlash va ularga texnik xizmat
ko'rsatish obyektlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalariga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“Mazkur Qoidalar transport vositalarini saqlash, ta'mirlash va ularga texnik xizmat ko'rsatish obyektlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalarini belgilaydi.”.
2. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“6. Ish beruvchi xodimlarning mehnatni muhofaza qilish bo'yicha yo'l-yo'riqdan o'tishini, o'qitishni, qayta tayyorlashni, malakasini oshirishni va mehnatni muhofaza qilish masalalari bo'yicha bilimlarini tekshirishni ta'minlashi lozim.”.
3. 7-banddan “Mehnat muhofazasi bo'yicha yo'riqnomalarni ishlab chiqish to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 870, 2000-yil 7-yanvar) muvofiq” degan so'zlar chiqarib tashlansin.
4. 18-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“18. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari O'zDSt 2435:2011 “Mexanik transport vositalari. Massalar va o'lchamlar. Umumiy texnik shartlar va sinov usullari”ga, yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga muvofiq bo'lishi lozim.”.
5. 20-banddagi “GOST 12.4.026-76” degan so'zlar “GOST 12.4.026-2015” degan so'zlar bilan almashtirilsin.
6. 64-bandning o'n uchinchi xatboshisidagi “kanalizatsiyaga” degan so'z “oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmog'iga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.
7. 65-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“65. Tashkilotlarda elektr qurilmalarini o'rnatishda va ulardan foydalanishda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrda 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste'molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste'molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilinishi kerak.”.

8. 79-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan soʻzlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. 240-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlarni chiqarib yuborish tarmogʻi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING
QARORI

808 “Professional ta‘lim muassasalari pedagog kadrlari va muhandis-pedagog kadrlarining bo‘sh lavozimlarni egallash uchun ularni tanlov asosida tanlab olish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1461-4*

O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-oktabrdagi PF–158-son “Kasbiy ta‘limda malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va xalqaro ta‘lim dasturlarini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi va 2025-yil 23-oktabrdagi PF–190-son “Kasbiy ta‘lim tizimida boshqaruv samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi markazi, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi va Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2005-yil 24-martdagi 04/QQ, 01-76, 01/1184-son “Professional ta‘lim muassasalari pedagog kadrlari va muhandis-pedagog kadrlarining bo‘sh lavozimlarni egallash uchun ularni tanlov asosida tanlab olish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 1461, 2005-yil 28-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 12-13-son, 96-modda) ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta‘lim, fan va
innovatsiyalar vaziri**

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-dekabr,
61-q/q-son

**Kambag‘allikni qisqartirish
va bandlik vaziri**

B. ZAXIDOV

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-dekabrda e‘lon qilingan.

Toshkent sh.,
2025-yil 11-dekabr,
31-2025-Q/Q-son

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining
2025-yil 15-dekabrda 61-q/q-son va
Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining
2025-yil 11-dekabrda 31-2025-Q/Q-son qaroriga
ILOVA

“Professional ta'lim muassasalari pedagog kadrlari va muhandis-pedagog kadrlarining bo'sh lavozimlarni egallash uchun ularni tanlov asosida tanlab olish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. Qarorning nomi va 1-bandidagi “Professional ta'lim muassasalari” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Nizomda:

a) nizomning nomidagi “Professional ta'lim muassasalari” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

b) muqaddimada:

birinchi xatboshidagi “Professional ta'lim muassasalarining” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Professional ta'lim muassasalariga” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

d) 1-banddagi “Professional ta'lim muassasalarining” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

e) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Pedagog lavozimi bo'shaganidan keyin 10 kun ichida pedagog lavozimiga kasbiy ta'lim tashkiloti tomonidan ommaviy axborot vositalarida va kasbiy ta'lim tashkilotining rasmiy veb-saytida (agar mavjud bo'lsa) tanlov o'tkazish to'g'risida e'lon beriladi.”;

f) 3-banddagi “Professional ta'lim muassasalariga” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

g) 5-bandda:

birinchi xatboshidagi “Professional ta'lim muassasalarining” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “ta'lim muassasasi” va “professional ta'lim muassasalarining” degan so'zlar tegishli ravishda “ta'lim tashkiloti” va “kasbiy ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

h) 6-banddagi “Professional ta'lim muassasasiga” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkilotiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

j) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Pedagoglarni tanlovdan o'tkazish bo'yicha taxminiy savollar majmui va tanlov o'tkazish jadvali Qoraqalpog'iston Respublikasi Kasbiy ta'lim agentligi,

viloyatlar va Toshkent shahri kasbiy ta'lim boshqarmalari tomonidan ishlab chiqiladi.”;

k) 11-banddagi “professional ta'lim muassasasiga” degan so'zlar “kasbiy ta'lim tashkilotiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

l) 13 va 18-bandlardagi “professional ta'lim muassasasi” degan so'zlar “kasbiy ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

m) 14-banddagi “Professional ta'lim muassasasi” degan so'zlar “Kasbiy ta'lim tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

809 Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasiga
o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3406-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 16-iyuldagi 446-son “2025 — 2027-yillarda respublika va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlarida ichki nazorat tizimini yanada takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2022-yil 22-noyabrdagi 63-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3406, 2022-yil 27-dekabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.12.2022-y., 10/22/3406/1130-son) bilan tasdiqlangan Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasiga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 10-dekabr,
309-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
10-dekabrda 309-son buyrug‘iga
ILOVA

**Ichki audit tadbirlarini o‘tkazish qo‘llanmasiga kiritilayotgan
o‘zgartirishlar**

1. 1-banddagi “vazirlik va idoralarning” degan so‘zlar “davlat organlari va tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Ichki audit tadbirlari davlat organlari va tashkilotlarida byudjet intizomini mustahkamlash va byudjet to‘g‘risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish, byudjet xarajatlarining samaradorligi va natijadorligini baholash hamda ichki audit faoliyati sohasidagi hujjatlar ijrosini ta‘minlash hamda tizimdagi byudjet hisobidan moliyalashtirilmaydigan nobyudjet muassasa hamda tashkilotlarning moliyaviy-xo‘jalik faoliyati ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida o‘tkaziladi.”

3. 3-bandda:

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-dekabrda e‘lon qilingan.

to'rtinchi va beshinchi xatboshilar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“davlat organlari va tashkilotlari — ichki audit xizmati tashkil etilgan respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari, davlat maqsadli jamg'armalari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklari hamda boshqa byudjet tashkilotlari;

ichki audit obyekti — ichki audit tadbiri amalga oshirilishi nazarda tutilgan davlat organlari va tashkilotlarining tegishincha markaziy apparati va boshqaruv apparati tarkibiy bo'linmalari, tizim tashkilotlari hamda tasarrufidagi byudjet tashkilotlari;”;

o'ninchi xatboshidagi “vazirlik va idora” degan so'zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n birinchi xatboshidagi “vazirlik va idoraning” degan so'zlar “davlat organi va tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n ikkinchi xatboshidagi “vazirlik va idoralarning” degan so'zlar “davlat organlari va tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 7-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ichki audit yillik rejasini ishlab chiqish, O'zbekiston Respublikasining Hisob palatasi bilan kelishish va tasdiqlash.”

5. 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. Ichki audit obyektlari ro'yxati davlat organlari va tashkilotlarining tegishincha markaziy apparati va boshqaruv apparati tarkibiy bo'linmalari, tizim tashkilotlari va tasarrufidagi byudjet tashkilotlari hamda davlat maqsadli jamg'armalarini o'z ichiga oladi.”

6. 9, 30-bandlar, 37-bandning birinchi xatboshisi, 41, 74-bandlar, 91-bandning ikkinchi xatboshisi va 97-banddagi “vazirlik va idora” degan so'zlar “davlat organi va tashkiloti” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 15 va 58-bandlardagi “vazirlik va idorada” degan so'zlar “davlat organi va tashkilotida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 23-bandning birinchi xatboshisidagi “vazirlik va idora” hamda “vazirlik va idoraning” degan so'zlar tegishli ravishda “davlat organi va tashkiloti” hamda “davlat organi va tashkilotining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

9. 2-bob 5-paragrafining nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“5-§. Ichki audit yillik rejasini ishlab chiqish, O'zbekiston Respublikasining Hisob palatasi bilan kelishish va tasdiqlash”.

10. 27-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27. Ichki audit xizmati tomonidan kelgusi yil uchun ichki audit yillik rejasi loyihasi Davlat moliyaviy nazorat organlari va ichki audit xizmatlari tomonidan O'zbekiston Respublikasi Hisob palatasining “Davlat auditi” dasturiy kompleksidan foydalanish tartibi to'g'risidagi nizomga (ro'yxat raqami 3704, 2025-yil 12-noyabr) muvofiq “Davlat auditi” dasturiy kompleksida shakllantiriladi, kelishiladi va tasdiqlanadi.

Ichki audit yillik rejasi loyihasi mazkur Qo'llanmaning 3-ilovasiga muvofiq shaklda shakllantiriladi.”

11. 32-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“32. Ichki audit yillik rejasi majburiy tartibda O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi bilan kelishilgandan so‘ng uch ish kuni ichida davlat organi va tashkiloti rahbariga ko‘rib chiqish va tasdiqlash uchun kiritiladi hamda har yili dekabr oyining 25-sanasiga qadar tasdiqlanadi.

O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi bilan kelishishda ichki audit yillik rejasiga kiritilgan “yuqori” xavf darajasiga ega ichki audit obyektlarining chiqarib tashlanishiga yo‘l qo‘yilmaydi.”.

12. 33-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

13. 65-bandning oltinchi va sakkizinchi xatboshilaridagi “vazirlik va idoralarning” degan so‘zlar “davlat organlari va tashkilotlarining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

14. 70-banddagi “vazirlik va idora” va “buzilish holatlari yuzasidan” degan so‘zlar tegishli ravishda “davlat organi va tashkiloti” va “buzilish holatlari yuzasidan “Davlat auditi” dasturi orqali” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

15. 73-banddagi “vazirlik va idoraning” degan so‘zlar “davlat organi va tashkilotining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

16. 86-banddagi “tasdiqlanadi” degan so‘z “imzolanadi” degan so‘z bilan almashtirilsin.

17. 1-ilovadagi “Xavf omillarini baholash mezonlari namunasi” jadvalining izoh qismidagi “Vazirlik va idora” degan so‘zlar “Davlat organi va tashkiloti” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. 5-ilovadagi “Ichki audit xizmati rahbari” degan so‘zlar “Ichki audit obyekti rahbari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 6-ilovadan “TASDIQLAYMAN” Ichki audit xizmati rahbari _____ 20__ yil “___” _____ M.O’.” degan so‘zlar chiqarib tashlansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

810 Banklarga o‘rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3618-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 8-apreldagi 7/3-son qarori (ro‘yxat raqami 3618, 2025-yil 22-aprel) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 23.04.2025-y., 10/25/3618/0378-son) bilan tasdiqlangan Banklarga o‘rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo‘yicha to‘lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 5-dekabr,
31/9-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
5-dekabrda 31/9-son qaroriga
ILOVA

Banklarga o'rnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzlar) bo'yicha to'lovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar

1. 1-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi;”;

uchinchi va to'rtinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi va beshinchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. 2-bandda:

quyidagi mazmundagi to'qqizinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi — qarz oluvchining iste'mol kreditlari va(yoki) mikroqarzlari bo'yicha jami asosiy qarz (limit) miqdorining mazkur qarz oluvchi o'rtacha oylik daromadi miqdoriga nisbati;”;

to'qqizinchi — o'n ikkinchi xatboshilar tegishli ravishda o'ninchi — o'n uchinchi xatboshilar deb hisoblansin.

3. 3-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“eng ko'pi bilan 15 foizigacha bank tomonidan qarz oluvchilarga (bundan mazkur bandning to'rtinchi xatboshisida ko'rsatilgan qarz oluvchilar mustasno) kreditlar (mikroqarzlari) berishda ularning qarz yuki ko'rsatkichi 100 foizigacha bo'lishi mumkin;”.

4. 7-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bank va boshqa qarz beruvchilar tomonidan kelib tushganiga uch ish kunidan oshmagan kredit (mikroqarz) berish to'g'risida ko'rib chiqilayotgan murojaat bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar;”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Bunda, ipoteka krediti bo'yicha foiz xarajatlarining bir qismini qoplash uchun berilgan subsidiyalar hisobidan amalga oshiriladigan oylik to'lovlar summasi mazkur ipoteka krediti bo'yicha o'rtacha oylik to'lovlar summasidan chegirilishi mumkin.”.

5. 8-bandning ikkinchi, uchinchi va to'rtinchi xatboshilari “teng miqdorda” degan so'zlardan keyin “(annuitet usulida)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

6. 12-banddagi, 14-banddagi va 16-banddagi “qarz yuki” degan so'zlardan keyin “(qarzning daromadga nisbati)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

7. 13-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlari miqdorini hisoblash maqsadida bank qarz oluvchi bankka murojaat qilgan sanadan oldingi kamida 6 oy uchun uzluksiz, biroq 12 oydan oshmagan muddat uchun oylik daromadlarining

oʻrtacha arifmetik qiymatini aniqlaydi (bundan mazkur Nizomning 17-bandi birinchi xatboshisida belgilangan holatlar mustasno).”;

uchinchi va toʻrtinchi xatboshilar “qarz yuki” degan soʻzlardan keyin “(qarzni daromadga nisbati)” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin.

8. 18-banddagi “hamda” degan soʻz “va (yoki)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

9. 19-bandning oltinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“toʻlangan soliqlar toʻgʻrisidagi, shu jumladan davlat soliq xizmati organlari tomonidan tasdiqlangan jismoniy shaxsning jami yillik daromadi toʻgʻrisidagi deklaratsiya maʼlumotlari;”.

10. 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq qarz oluvchining oʻrtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud boʻlmasa, bank mazkur qarz oluvchi bankka murojaat qilgan sanadan oldingi 18 oylik davr ichida asosiy qarzi toʻliq toʻlangan kredit (mikroqarz) boʻyicha mazkur davr ichidagi toʻlovlarning kamida 6 oy, biroq 12 oydan oshmagan uzluksiz muddat davomida toʻlovlari (bundan qayta tiklanadigan kredit liniya boʻyicha toʻlovlar mustasno) toʻgʻrisidagi maʼlumotlardan foydalanishi mumkin.

Bunda, qarz yuki (qarzni daromadga nisbati) koʻrsatkichi hisob-kitobida qarz oluvchining oʻrtacha oylik daromadi sifatida qarz oluvchining kredit (mikroqarz) boʻyicha oʻrtacha oylik toʻlovlari oʻrtacha arifmetik qiymati miqdorining 50 foizi olinadi.”.

11. 21-band “mavjud boʻlmasa” degan soʻzlardan keyin “yoki daromadlar yetarli boʻlmasa” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin.

12. Quyidagi mazmundagi 2¹-bob bilan toʻldirilsin:

“2¹-bob. Qarzni daromadga nisbati koʻrsatkichiga qoʻyiladigan talablar

24¹. Qarzni daromadga nisbati koʻrsatkichi qarz oluvchiga (birgalikda qarz oluvchilarga) bank tomonidan:

isteʼmol krediti va (yoki) mikroqarz berishga yoki limitini oshirishga;

mazkur bank tomonidan avval berilgan isteʼmol krediti va (yoki) mikroqarz boʻyicha oʻrtacha oylik toʻlovlar miqdorini oshirishga (bundan shartnomada belgilangan oʻzgaruvchan foiz stavkasi oshishi munosabati bilan toʻlovlar miqdorining oshirilishi holatlari mustasno);

isteʼmol krediti va (yoki) mikroqarz muddatini uzaytirishga;

boshqa qarz beruvchining isteʼmol krediti va (yoki) mikroqarzgga doir huquqlarini (talablarini) sotib olish yoki kreditni qayta moliyalashtirishga doir qaror qabul qilinganda hisoblanishi lozim. Bunda qarz oluvchining huquqlari (talablari) sotib olinayotgan yoki kredit qayta moliyalashtirilayotgan amaldagi isteʼmol krediti va (yoki) mikroqarz boʻyicha oʻrtacha oylik toʻlovlari takroran hisobga olinmaydi.

24². Qarzni daromadga nisbati koʻrsatkichi hisob-kitobiga quyidagilar kiritiladi:

bank va boshqa qarz beruvchilar tomonidan kelib tushganiga uch ish

kunidan oshmagan iste'mol krediti va (yoki) mikroqarz berish to'g'risida ko'rib chiqilayotgan murojaat bo'yicha asosiy qarz (limit) summasi;

qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichini hisoblash sanasida qarz oluvchining barcha qarz beruvchilar bilan tuzilgan iste'mol krediti va (yoki) mikroqarz shartnomalari bo'yicha asosiy qarz (limit) qoldiq summalari;

qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichini hisoblash sanasida qarz oluvchi iste'mol krediti va (yoki) mikroqarz shartnomalari bo'yicha birgalikda qarz oluvchi sifatida ishtirok etgan taqdirda, har bir shartnoma bo'yicha asosiy qarz (limit) qoldiq summalari;

qarz oluvchi kafillik shartnomasiga muvofiq kafil sifatida ishtirok etgan har bir iste'mol krediti va (yoki) mikroqarz shartnomasi bo'yicha to'lovlar, qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichini hisoblash sanasida ular bo'yicha 30 kundan ortiq muddati o'tgan to'lovlari mavjud bo'lsa.

24³. Qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi hisob-kitobida o'rtacha oylik daromad miqdori mazkur Nizomning 2-bobi 3-paragrafiga muvofiq aniqlanadi.

24⁴. 2026-yil 1-martdan boshlab mazkur Nizomning 19-bandida belgilangan hujjat va ma'lumotlar bilan tasdiqlangan daromadlardan foydalangan holda qarz oluvchining (birgalikda qarz oluvchining) o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati:

mavjud bo'lsa, qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi 8 barobardan;

mavjud bo'lmasa, qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi 5 barobardan oshmasligi lozim, bundan o'zini o'zi band qilgan shaxs bo'lgan qarz oluvchilar mustasno.

24⁵. 2026-yil 1-martdan boshlab o'zini o'zi band qilgan shaxs bo'lgan qarz oluvchilar uchun qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi 8 barobardan oshmasligi lozim.

Bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha kreditlar(mikroqarzlilar) sonining eng ko'pi bilan 15 foizigacha o'zini o'zi band qilgan shaxs sifatida birinchi marta ro'yxatdan o'tganiga bankka murojaat qilgan sanadan oldingi olti oydan oshmagan qarz oluvchilarga daromad olishga yo'naltirilgan faoliyati uchun kreditlar(mikroqarzlilar) berishda ularning qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichi inobatga olinmasligi va (yoki) hisoblanmasligi mumkin.

24⁶. Qarzning daromadga nisbati ko'rsatkichiga doir talablar quyidagilarga tatbiq etilmaydi:

yakka tartibdagi tadbirkorlarga beriladigan kreditlar;

ta'lim kreditlari.”.

13. 30-bandning oltinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“ipoteka kreditini berishda mazkur bank tomonidan qarz oluvchilarga berilgan, biroq so'ndirilmagan barcha ipoteka kreditlari sonining eng ko'pi bilan 15 foizigacha bo'lgan miqdorida kreditning garovga nisbati ko'rsatkichi mazkur bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilarida belgilangan me'yorlardan ortishi mumkin, bundan mazkur Nizomning 18-bandiga muvofiq qarz oluvchining o'rtacha oylik daromadlarini aniqlash imkoniyati mavjud bo'lmagan holda beriladigan ipoteka kreditlari mustasno.”.

14. 32-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“qarzdorlik bo'yicha foizlar hisoblanmaydigan imtiyozli davr kamida 45 kundan iborat bo'lishi;”.

15. Nizomga ilovada:

“b” kichik banddagi “6 750 000” raqami “7 500 000” raqami bilan almashtirilsin;

“d” kichik banddagi “4 500 000” raqami “5 000 000” raqami bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

811 Investitsiya vositachisi sifatida depozitar operatsiyalari faoliyati to‘xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3727*

O‘zbekiston Respublikasining “Qimmatli qog‘ozlar bozori to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ–3150-son “O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Investitsiya vositachisi faoliyati to‘xtatib turilgan va tugatilgan taqdirda, depozitar operatsiyalar bo‘yicha harakatlar tartibi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil va O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

D. LI

Toshkent sh.,
2025-yil 14-noyabr,
19-son

Kelishildi:

***Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya
qilish bo‘yicha vakil***

J. URUNOV

2025-yil 16-oktabr

Savdo sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 24-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 14-noyabrdagi 19-son buyrug'iga
1-ILOVA

**Investitsiya vositachisi faoliyati to'xtatib turilgan va
tugatilgan taqdirda, depozitar operatsiyalar bo'yicha
harakatlar tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom investitsiya vositachisi faoliyati to'xtatib turilgan va tugatilgan taqdirda, depozitar operatsiyalar bo'yicha harakatlarni amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Investitsiya vositachisining faoliyatini to'xtatib turish va tugatish, shuningdek investitsiya vositachisi faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziyaning (bundan buyon matnda litsenziya deb yuritiladi) amal qilishini to'xtatib turish, tugatish yoki uni bekor qilish O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

2. Investitsiya vositachisining faoliyati qayta tashkil etish natijasida tugatilganda yoki uning qayta tashkil etilishi natijasida litsenziyasi bekor qilinganda, depozitar operatsiyalar bo'yicha mazkur Nizomda belgilangan harakatlar amalga oshiriladi.

3. Investitsiya vositachisi faqat mazkur Nizomning 4 va 6 — 10-bandlarida belgilangan harakatlarni amalga oshirganidan so'ng o'z faoliyatini ixtiyoriy ravishda to'xtatib turishi yoki tugatishi mumkin.

Bunda, mazkur bandning birinchi xatboshisida belgilangan harakatlarni amalga oshirmaganlik natijasida kelib chiqadigan ehtimoliy oqibatlar uchun javobgarlik investitsiya vositachisi zimmasiga yuklatiladi.

**2-bob. Litsenziyaning amal qilishi to'xtatib turilgan,
tugatilgan yoki litsenziya bekor qilinganda, depozitar
operatsiyalar bo'yicha amalga oshiriladigan harakatlar**

4. Investitsiya vositachisi O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi (bundan buyon matnda vakolatli davlat organi deb yuritiladi) yoki sudning litsenziyaning amal qilishini to'xtatib turish to'g'risidagi qarorini olgan vaqtdan e'tiboran depozitar operatsiyalar bo'yicha quyidagi harakatlarni amalga oshirishi lozim:

mazkur Nizomning 10-bandi va litsenziyaning amal qilishini to'xtatib turish to'g'risidagi qarorda nazarda tutilgan operatsiyalardan tashqari barcha depozitar operatsiyalarni amalga oshirishni darhol to'xtatadi;

litsenziyaning amal qilishi to'xtatib turilganligi to'g'risida ikki ish kuni ichida ommaviy axborot vositalarida va fond birjasining rasmiy veb-saytida e'lon qiladi;

litsenziyaning amal qilishini to'xtatib turishga sabab bo'lgan holatlarni bartaraf etish bo'yicha zarur choralarni ko'radi.

5. Litsenziyaning amal qilishini tugatish yoki uni bekor qilish to'g'risida qaror qabul qilinganda, vakolatli davlat organi investitsiya vositachisining depozitar operatsiyalarini tugatish bo'yicha maxsus komissiya (bundan buyon matnda Komissiya deb yuritiladi) tashkil etadi.

Komissiya tarkibiga vakolatli davlat organi, "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJ va investitsiya vositachisining vakillari, shuningdek, ayrim yo'nalishlar bo'yicha mutaxassislar kiritilishi mumkin.

6. Investitsiya vositachisi litsenziyaning amal qilishini tugatish va uni bekor qilish hamda vakolatli davlat organining Komissiyani tayinlash to'g'risidagi qarorini olgan paytdan boshlab:

mazkur Nizomning 10-bandi hamda litsenziyaning amal qilishini tugatish yoki uni bekor qilish to'g'risidagi qarorda ko'rsatilgan operatsiyalardan tashqari barcha depozitar operatsiyalarni amalga oshirmasligi;

Komissiya ishi boshlangan sanaga qimmatli qog'ozlar balansini shakllantirishi; investitsiya vositachisining vakillik hisobvaraqlari bo'yicha qimmatli qog'ozlar qoldiqlarini solishtirish uchun NOSTRO depo hisobvarag'idan ko'chirma tayyorlashi;

Komissiya ishi boshlangan paytdan boshlab depozitar operatsiyalarni hisobga olish uchun alohida hisobga olish jurnalini yuritishi;

uch kun muddatda "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga investitsiya vositachisining vakolatli shaxslari va Komissiya raisining imzolari namunalari qo'yilgan kartochkani taqdim etishi;

deponentlarning hisobvaraqlaridan ko'chirmalarni shakllantirishi va mazkur ko'chirmalarni deponentga Komissiya tomonidan belgilangan muddatlarda investitsiya vositachisi faoliyati tugatilganligi to'g'risidagi xabarnoma bilan birgalikda yozma yoki shartnomada nazarda tutilgan boshqa usulda yuborishi shart.

Bunda, investitsiya vositachisi deponentlar tomonidan qimmatli qog'ozlarni topshirish (olib qo'yish) tartibi va Komissiya ishini yakunlashning dastlabki muddatini ko'rsatgan holda investitsiya vositachisi faoliyati tugatilganligi to'g'risidagi xabarni ommaviy axborot vositalarida e'lon qilishga haqli.

7. Mazkur Nizomning 6-bandi yettinchi xatboshisidagi deponentlarga yuboriladigan xabarnomada quyidagilar ko'rsatilishi lozim:

investitsiya vositachisi faoliyati tugatilganligi to'g'risidagi xabar;

deponentning qimmatli qog'ozlarini o'zi tanlagan investitsiya vositachisiga o'tkazishi mumkinligi va uning muddati;

deponent xabarnomada ko'rsatilgan muddatda kelmagan taqdirda, uning qimmatli qog'ozlari "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJdagi deponentlarning talab qilib olinguncha saqlanadigan vaqtinchalik hisobvaraqlariga o'tkazilishi to'g'risida ogohlantirish;

“Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” AJning qimmatli qog‘ozlarni saqlash bo‘yicha xizmat ko‘rsatish uchun amaldagi tariflari.

8. Deponent investitsiya vositachisi tomonidan uning faoliyati tugatilganligi to‘g‘risidagi xabarnoma unga yetkazilgan yoki bu to‘g‘risidagi xabar ommaviy axborot vositalarida e‘lon qilingan kundan boshlab bir haftalik muddatda tugatilayotgan investitsiya vositachisiga o‘z qimmatli qog‘ozlarini boshqa investitsiya vositachisiga o‘tkazish to‘g‘risida topshiriq beradi.

Deponent tomonidan bir haftalik muddatda bunday topshiriq taqdim etilmagan taqdirda esa, investitsiya vositachisi vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan muddatlarda qimmatli qog‘ozlarni keyinchalik uning egasi tanlagan investitsiya vositachisiga o‘tkazish uchun “Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” AJga (faoliyatni to‘xtatib turish hollari bundan mustasno) o‘tkazadi.

9. Investitsiya vositachisi:

deponent topshiriq bergan kundan boshlab uch kundan ortiq bo‘lmagan muddatda deponentning hujjatsiz qimmatli qog‘ozlarini deponent tanlagan investitsiya vositachisiga o‘tkazishi;

amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq depozitar operatsiyalarni bajarish tartibiga rioya qilishi;

depozitar operatsiyalarni faqat Komissiya raisining imzosi bo‘lgan taqdirda amalga oshirishi shart.

10. Investitsiya vositachisi:

litsenziyaning amal qilishini to‘xtatish, tugatish va bekor qilish to‘g‘risida qaror qabul qilinguniga qadar tuzilgan bitimlar bo‘yicha qimmatli qog‘ozlarni deponentlarning depo hisobvaraqlariga o‘tkazish;

deponentlarning talabiga ko‘ra qimmatli qog‘ozlarni boshqa investitsiya vositachilariga o‘tkazishni amalga oshirish;

depo hisobvaraqlarida qimmatli qog‘ozlarning nol qoldiqlari qayd etilganda ularni yopish;

qonunchilikda belgilangan tartibda vakolatli davlat organining, monopoliyaga qarshi kurashish davlat organining, shuningdek sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning qarorlari bo‘yicha fuqarolik-huquqiy majburiyatlar yuklatilgan deponentlarning qimmatli qog‘ozlari harakatiga cheklovlarni olib tashlash yoki o‘rnatish;

qimmatli qog‘ozlar egalarining tarkibi o‘zgarishiga olib kelmaydigan depozitar operatsiyalarni amalga oshirish;

depo hisobvaraqlaridan ko‘chirmalar va operatsiyalar bajarilishi to‘g‘risidagi hisobotlarni berish huquqiga ega.

3-bob. Komissiyaning huquq va vazifalari

11. Komissiya o‘ziga yuklatilgan vazifalarga muvofiq:

ushbu Nizomga asosan deponentlarni xabardor qilish bo‘yicha ishlarni tashkil etish;

investitsiya vositachisining vakillik hisobvaraqlari bo‘yicha qimmatli qog‘ozlar qoldiqlarini solishtirish;

depozitar operatsiyalarning bajarilishini va qimmatli qog‘ozlarni qaytarish

jarayonida amalga oshiriladigan operatsiyalarni hisobga olish jurnalida qayd etilishini nazorat qilish;

investitsiya vositachisining hujjatlarini arxivda saqlash uchun topshirish ishlarini tashkil etish;

investitsiya vositachisi faoliyatini tugatish yakunlari bo'yicha hisobot tuzishni amalga oshiradi.

12. Komissiya quyidagi huquqlarga ega:

investitsiya vositachisining vakolatli shaxslaridan ochiq ma'lumotlarni so'rab olish;

investitsiya vositachisining barcha hisob jurnallariga, kartoteka, arxiv va omboriga, shu jumladan elektron jurnallariga kirish;

shubhali deb hisoblangan operatsiyalarning bajarilishini asoslagan holda rad etish;

vakolatli davlat organiga Komissiyaning ish muddatini uzaytirish to'g'risida iltimosnoma bilan chiqish;

mazkur Nizomning 10-bandida ko'rsatilmagan va investitsiya vositachisi deponentlarining manfaatlariga daxldor bo'lgan boshqa operatsiyalarni bajarishga ruxsat berish.

4-bob. Investitsiya vositachisi tomonidan qimmatli qog'ozlarni qaytarish muddati tugaganidan keyin amalga oshiriladigan harakatlar

13. Investitsiya vositachisi mazkur Nizomning 8-bandi birinchi xatboshisida belgilangan muddat tugaganidan keyin o'z qimmatli qog'ozlarini boshqa investitsiya vositachisiga o'tkazish bo'yicha topshiriq bermagan deponentlarning qimmatli qog'ozlarini "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga topshirish uchun quyidagi hujjatlarni tayyorlashi kerak:

a) har bir deponent bo'yicha quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilgan deponentlar ro'yxati:

deponent hisobining kodi va turi;

deponentning to'liq nomi;

deponent to'g'risidagi ma'lumotlar (jismoniy shaxslar uchun — shaxsni tasdiqlovchi hujjat seriyasi, raqami, sanasi va berilgan organi, yashash joyi, yuridik shaxslar uchun — davlat ro'yxatidan o'tkazish raqami va sanasi, manzili);

agar mavjud bo'lsa, deponentning vakili to'g'risidagi ma'lumotlar (shaxsni tasdiqlovchi hujjat seriyasi, raqami, sanasi va berilgan organi, depo hisobvarag'ini tasarruf etish huquqini tasdiqlovchi hujjat kim tomonidan berilganligi, uning raqami, sanasi va amal qilish muddati);

b) deponentning har bir depo hisobvarag'i bo'yicha quyidagi ma'lumotlar:

depo hisobvarag'ining kodi va bo'lim kodi (subhisobvara);

investitsiya vositachisining kodlash tizimi;

"Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJning kodlash tizimi bo'yicha qimmatli qog'oz kodi;

emitentning nomi, qimmatli qog'ozlarning turi va toifasi;

depo hisobvarag'ida (subhisobvarag'ida) hisobga olingan qimmatli qog'ozlar soni va ushbu hisobvara q bo'yicha amalga oshirilgan oxirgi operatsiya sanasi;

agar vakolatli davlat organi, monopoliyaga qarshi davlat organi, shuningdek sud va huquqni muhofaza qilish organlarining ko'rsatmalariga asosan deponentlarning qimmatli qog'ozlari harakatiga cheklov qo'yilgan (bloklagan) bo'lsa, ushbu cheklov qo'yish(bloklash) to'g'risidagi qarorning raqami va sanasi, qarorni chiqargan organ va qarorning amal qilish muddati ko'rsatilgan eslatma;

c) investitsiya vositachisining muhri va rahbarining imzosi bilan tasdiqlangan deponentlarni ro'yxatga olish kartalari;

d) investitsiya vositachisining hisob registrlari.

14. Investitsiya vositachisi tomonidan mazkur Nizomning 13-bandida ko'rsatilgan ma'lumotlar Komissiya tomonidan belgilangan muddatlarda "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga yozma yoki elektron shaklda taqdim etiladi.

15. Faoliyati tugatilayotgan investitsiya vositachisi tomonidan deponentlarning hujjatsiz qimmatli qog'ozlarini boshqa investitsiya vositachilariga o'tkazish va depo hisobvaraqlarini yopish bepul amalga oshiriladi.

Deponentlarning qimmatli qog'ozlari ushbu Nizomga muvofiq "Qimmatli qog'ozlarning markaziy depozitariysi" AJga o'tkazilgan taqdirda, faqat qimmatli qog'ozlarni saqlaganlik uchun haq olinadi.

16. "Qimmatli qog'ozlarning markaziy depozitariysi" AJ mazkur Nizomning 13-bandida ko'rsatilgan ma'lumotlar asosida quyidagi harakatlarni amalga oshiradi:

o'z qimmatli qog'ozlarini talab qilib olmagan deponentlarga vaqtinchalik depo hisobvaraqlarini ochadi;

talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlarni deponentlarning vaqtinchalik depo hisobvaraqlariga o'tkazadi.

17. Deponentlarning talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlari qabul qilib olingandan so'ng faoliyati tugatilayotgan investitsiya vositachisi va "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJ o'rtasida topshirish-qabul qilish dalolatnomasi tuziladi hamda dalolatnoma Komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

"Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJ Komissiyaga faoliyati tugatilayotgan investitsiya vositachisining vakillik hisobvarag'idan ko'chirma beradi.

5-bob. Komissiyaning deponentlarni qimmatli qog'ozlarini qaytarish bo'yicha amalga oshirgan ishlari to'g'risidagi hisoboti

18. Qimmatli qog'ozlarni deponentlarga qaytarish va talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlarni "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga topshirish ishlari tugallangandan so'ng bir kun ichida Komissiya to'rt nusxada bajarilgan ishlar to'g'risida hisobot tuzadi hamda hisobot Komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadi.

19. Hisobotda quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilishi kerak:

Komissiya ishining boshlanish va tugash sanasi;

Komissiya ishi davomida investitsiya vositachisining faoliyatida aniqlangan kamchiliklar;

Komissiya ish boshlagan sanada investitsiya vositachisining hisobida yuritilgan qimmatli qog'ozlar soni;

Komissiya ishi boshlanganda investitsiya vositachisining vakillik hisobvaraqlari bo'yicha hisobga olingan qimmatli qog'ozlar soni;

Komissiya faoliyati davomida investitsiya vositachisi tomonidan amalga oshirilgan operatsiyalar soni;

deponentlar soni va ularning "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga vaqtincha saqlash va hisobga olish uchun topshirilgan, deponentlar tomonidan talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlarining umumiy soni;

Komissiya ishi davomida aniqlangan va investitsiya vositachisi tomonidan bajarilmagan deponentlarning topshiriqlari mavjudligi yoki mavjud emasligi; investitsiya vositachisining depozitar operatsiyalar bo'yicha hujjatlarini arxivga topshirish to'g'risidagi ma'lumotlar.

20. Hisobotga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi kerak:

investitsiya vositachisi faoliyatini tugatish to'g'risidagi xabar (e'lon);

Komissiya ishi boshlangan vaqtdagi qimmatli qog'ozlar balansi;

Komissiya ishi boshlangan va tugagan sanadagi investitsiya vositachisining vakillik hisobvarag'idan ko'chirma;

Komissiya ishi davomida investitsiya vositachisi tomonidan o'tkazilgan operatsiyalar jurnali;

talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlarning deponentlari ro'yxati, mazkur qimmatli qog'ozlar emitentlarining nomi, talab qilib olinmagan qimmatli qog'ozlarning turi va soni to'g'risidagi ma'lumotlarni ilova qilgan holda "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga topshirish-qabul qilish dalolatnomasi nusxasi;

investitsiya vositachisining depozitar operatsiyalar bo'yicha hujjatlarini arxivga topshirish-qabul qilish dalolatnomasining nusxasi;

Komissiya ishi davomida aniqlangan va investitsiya vositachisi tomonidan deponentlarni xabardor qilmasdan bajarilmagan topshiriqlar ro'yxati.

21. Komissiyaning hisoboti u tasdiqlangan vaqtdan boshlab bir kun ichida ilovalari bilan birga vakolatli davlat organi, "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJ va investitsiya vositachisiga bir nusxadan topshiriladi.

6-bob. "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJdan deponentlarga qimmatli qog'ozlarni qaytarish

22. "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga vaqtincha saqlash va hisobga olish uchun topshirilgan qimmatli qog'ozlarni deponentlarga qaytarish, agar ushbu qimmatli qog'ozlar bilan operatsiyalarni amalga oshirishga cheklovlar mavjud bo'lmasa, uning shaxsi aniqlanganidan keyin bir kun ichida deponent tanlagan investitsiya vositachisining vakillik hisobvarag'iga o'tkazish orqali amalga oshiriladi.

23. Deponent o'z qimmatli qog'ozlarini "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJdan qaytarish uchun quyidagi hujjatlarni taqdim etishi shart:

jismoniy shaxs — shaxsni tasdiqlovchi hujjat;

rezident yuridik shaxs — davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi guvohnoma va yuridik shaxsning vakili murojaat qilganda, vakilning vakolatini tasdiqlovchi hujjat (ishonchnoma);

norezident yuridik shaxs — yuridik shaxs ro'yxatdan o'tkazilgan mamlakatning savdo yoki bank reyestridan legallashtirilgan ko'chirma va uning elchixonasi, konsullik yoki notarius tomonidan tasdiqlangan tarjima nusxasi, depo hisobvarag'i boshqaruvchisiga (u mavjud bo'lgan taqdirda) berilgan notarial tasdiqlangan ishonchnoma.

24. Agar ro'yxatga olish jurnalida depo hisobvarag'ini boshqaruvchisi sifatida deponentning vakili ko'rsatilgan bo'lsa, deponentning vakili "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga depo hisobvarag'ini boshqarish uchun berilgan ishonchnomani yoki uning notarial tasdiqlangan nusxasini taqdim etishi kerak.

Muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan deponentning qimmatli qog'ozlarini qaytarishda uning vasiysi yoki homiysi vasiylik yoxud homiylik to'g'risidagi hujjatning asl nusxasi va o'zining shaxsini tasdiqlovchi hujjatini "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga taqdim etadi.

Agar muomalaga layoqatsiz yoki muomala layoqati cheklangan shaxsning vasiysi yoki homiysi uning ota-onasi bo'lsa, ota-ona o'z shaxsini tasdiqlovchi hujjatini va bolaning tug'ilganlik to'g'risidagi guvohnomasini taqdim etadi.

25. Taqdim etilayotgan hujjatlarning haqiqiylikiga asosli shubha tug'ilganda yoxud ulardagi ma'lumotlarda jiddiy tafovutlar mavjud bo'lganda, "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJ deponent, uning vakili, vasiysi yoki homiysidan ko'rsatilgan hujjatlarning notarial tasdiqlangan ko'chirma nusxalari va tekshirish uchun qo'shimcha hujjatlarni talab qilishga haqli.

7-bob. Investitsiya vositachisining hujjatlarni saqlash bo'yicha javobgarligi va majburiyati

26. Investitsiya vositachisi deponentning hisobvaraqlari holati va ular bilan amalga oshirilgan operatsiyalar to'g'risida ma'lumot olishga imkon beradigan barcha axborotlar va hujjatlarni ushbu hisobvaraqlar yopilguniga qadar lozim darajada saqlanishi uchun javobgar hisoblanadi.

27. Investitsiya vositachisi faoliyati to'liq tugatilguniga qadar deponentlarning hisobvaraqlari holati va ushbu hisobvaraqlar bo'yicha amalga oshirilgan operatsiyalar to'g'risidagi ma'lumotlarni olish imkonini beradigan axborot va hujjatlarni qonunchilikda belgilangan muddatlarda arxivlarga hamda ushbu axborot va hujjatlarning bir nusxasini "Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysi" AJga topshirishi shart.

8-bob. Yakuniy qoida

28. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O‘zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligining 2025-yil
14-noyabrdagi 19-son buyrug‘iga
2-ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatbaho qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 13-martdagi 2002-02-son “Depozitar faoliyat to‘xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxati raqami 1130, 2002-yil 23-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralarining me‘yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 8-son).

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo‘mitasi huzuridagi Qimmatli qog‘ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 22-oktabrdagi 2008-26-son “Depozitar faoliyat to‘xtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1130-1, 2008-yil 18-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 47-son, 467-modda).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

812 **Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3728*

O'zbekiston Respublikasining "Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida"gi va "Birjalar va birja faoliyati to'g'risida"gi qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ–3150-son "O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

LI. DMITRIY

Toshkent sh.,
2025-yil 14-noyabr,
18-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 15 oktabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 13-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-dekabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 14-noyabrda 18-son buyrug'iga
1-ILOVA

Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi NIZOM

Ushbu Nizom qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyatini amalga oshirish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

investitsiya vositachisi — mijozning topshirig'iga binoan, mijoz nomidan va uning hisobidan qimmatli qog'ozlarga doir bitimlar hamda operatsiyalarni amalga oshiruvchi qimmatli qog'ozlar bozorining professional ishtirokchisi;

broker — fond birjasining a'zosi bo'lgan, mijoz topshirig'iga asosan va uning hisobidan birja bitimlarini tuzuvchi investitsiya vositachisi;

diler — fond birjasining a'zosi bo'lgan, o'z nomidan va o'z hisobidan birja bitimlarini tuzuvchi investitsiya vositachisi;

mijoz — qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining xizmatlaridan foydalanuvchi deponent yoki boshqa shaxs;

anderrayter — anderrayting faoliyatini amalga oshiruvchi investitsiya vositachisi yoki tijorat banki;

market-meyker — qimmatli qog'ozlarga doir narxlar, talab va taklif darajasini saqlab turish uchun birja bitimlarini tuzish majburiyatini o'z zimmasiga olgan investitsiya vositachisi;

manfaatlar to'qnashuvi — investitsiya vositachisi va (yoki) mehnat yoki fuqarolik-huquqiy shartnomasi asosida o'z faoliyatini olib boruvchi uning xodimlari (bundan buyon matnda xodimlar deb yuritiladi) bilan investitsiya vositachisining mijoz o'rtasidagi mulkiy va boshqa manfaatlar to'qnashuvi bo'lib, u mehnat yoki fuqarolik-huquqiy shartnoma asosida faoliyat yurituvchi xodimlar manfaatlar bilan bog'liq holda yuzaga keladi hamda investitsiya vositachisi va (yoki) uning xodimlarining harakatlari (harakatsizligi) natijasida mijozga zarar yetkazishi va (yoki) mijoz uchun salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin bo'lgan harakatlar;

qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi — O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi.

2. Bank faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziyaga ega tijorat banklari va sug'urta faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziyaga ega sug'urta tashkilotlari qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisi sifatida professional faoliyatni qonunchilik hujjatlarida ushbu faoliyat uchun o'rnatilgan talablarga rioya qilgan holda amalga oshirish huquqiga ega. Bunda, tijorat banklari va sug'urta tashkilotlari tomonidan qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyatni amalga oshirish uchun alohida litsenziya olish talab qilinmaydi.

3. Investitsiya vositachisining qimmatli qog'ozlar bozorida faoliyati ustidan nazorat qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi tomonidan amalga oshiriladi.

2-bob. Investitsiya vositachisi faoliyatini amalga oshirishning umumiy talablari

4. Investitsiya vositachisi shartnoma asosida mijozlarga: mijozning nomidan va hisobidan brokerlik xizmatlarini; o'z nomidan, lekin mijozning hisobidan brokerlik xizmatlarini; depozitar operatsiyalarni; anderrayterlik xizmatlarini; market-meykerlik xizmatlarini ko'rsatishga haqli.

5. Investitsiya vositachisi tomonidan:

anderrayterlik xizmatlari Qimmatli qog'ozlar bozorida anderrayting faoliyati to'g'risidagi nizam (ro'yxat raqami 3610, 2025-yil 28-fevral);

market-meykerlik xizmatlari Investitsiya vositachilarining emitentlarga rasmiy diler (market-meyker)lik xizmatlarini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizam (ro'yxat raqami 1682, 2007-yil 26-may);

depozitar operatsiyalar Depozitar operatsiyalar hisobini yuritish qoidalari (ro'yxat raqami 3628, 2025-yil 16-iyun) talablari asosida amalga oshiriladi.

6. Investitsiya vositachisi qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyatni amalga oshirishda:

mijozlarning qimmatli qog'ozlarini sotib olish va sotishga buyurtma berish, qimmatli qog'ozlarni o'tkazish borasidagi topshiriqlarini vijdonan hamda ularning kelib tushishi tartibida bajarishi;

shartnomalarni tuzish va ijro etish bilan bog'liq barcha zarur ma'lumotlarni mijozlarga yetkazishi, amalga oshirilgan bitimlar va operatsiyalar to'g'risida mijozlarga hisobot berishi;

manfaatlar to'qnashuvida, shu jumladan dilerlik operatsiyalarini qo'shib olib borish bilan bog'liq bo'lgan holatlarda mijozni nizo kelib chiqishi haqida darhol xabardor qilishi va uni mijoz foydasiga hal qilish uchun barcha zarur choralarni ko'rishi;

investitsiya vositachisi tomonidan mijozning topshirig'i qabul qilinishidan oldin yuzaga kelishi mumkin bo'lgan manfaatlar to'qnashuvi haqida mijozni xabardor qilmagan bo'lsa, yetkazilgan zararining o'rnini mijozga qoplab berishi;

mijoz topshirig'i asosidagi bitimlarni o'z dilerlik operatsiyalariga nisbatan ustuvor ravishda amalga oshirishi;

mijozning qimmatli qog'ozlarga doir bitimlar bo'yicha topshiriq va majburiyatlarini bajarishi bilan bog'liq xavf-xatarlar haqida xabardor qilishi;

mijozlarga qimmatli qog'ozlar savdosi tashkilotchilarining qoidalari muvofiq, qimmatli qog'ozlarni mustaqil ravishda sotib olish va sotish imkonini berishi, bunda bitimlarning oqibatlari uchun investitsiya tavakkalchiliklari bo'yicha javobgarlikni mijozlarning o'zlariga yuklashi;

mijozlarning shaxsini tekshirishi (KYC) va pul mablag'lari manbalarini

aniqlashi, amalga oshirilgan bitimlar to'g'risidagi ma'lumotlarni qonunchilikda belgilangan tartibda soliq organlari va boshqa vakolatli organlarga taqdim etishi;

qimmatli qog'ozlarning uyushgan savdosida amalga oshiriladigan qimmatli qog'ozlar bilan operatsiyalarda qimmatli qog'ozlar savdosi tashkilotchilarining qoidalariga rioya qilishi;

qimmatli qog'ozlar bilan operatsiyalarning ichki hisobini yuritishi, shuningdek qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organining normativ-huquqiy hujjatlariga, o'z tartib-taomillari va qoidalariga muvofiq ichki nazoratni tashkil etishi va amalga oshirishi;

o'z mablag'lari miqdorining yetarli darajada bo'lish me'yoriga muvofiqligini ta'minlashi;

har bir mijozning qimmatli qog'ozlari va pul mablag'larining hisobini yuritishi, qimmatli qog'ozlarga doir bitimlar va operatsiyalarni mijoz bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq amalga oshirishi;

mijozlarga dividendlarni qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda avtomatik ravishda to'lashi;

nominal saqlovchi sifatida o'z mijozlarining qimmatli qog'ozlari bo'yicha daromadlarini to'liq va o'z vaqtida, shu bilan birga qimmatli qog'ozlar muomaladan chiqarilganda ularning nominal qiymatini olishda yordam ko'rsatishi kerak.

7. Investitsiya vositachilari emissiyaviy qimmatli qog'ozlarning joylashtirilmagan qismini sotib olish majburiyatini olib yoki olmagan holda emitent nomidan emissiyaviy qimmatli qog'ozlarni sotish to'g'risida shartnomalar tuzishi mumkin.

8. Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisi sifatida professional faoliyatni amalga oshirishda:

a) tegishli litsenziyasiz qimmatli qog'ozlarga doir bitimlarni tuzish;

b) mijozlar bilan ularning qonunchilik hujjatlarida belgilangan huquqlarini cheklovchi shartnomalar tuzish;

d) taqiqlangan bitimlar yoki qonunchilik talablarining buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan bitimlarda ishtirok etish;

e) investitsiya vositachisiga tegishli bo'lgan qimmatli qog'ozlarning qiymati to'liq to'languniga qadar ularga doir bitimlar tuzish, bundan nettingdan foydalanish mustasno;

f) mijozlarga qimmatli qog'ozlarga investitsiya qilishdan olinadigan daromadni kafolatlash;

g) mijozlarning qimmatli qog'ozlarini joylashtirish bo'yicha xizmatlar ko'rsatish, agar qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi ushbu qimmatli qog'ozlar emissiyasini to'xtatgan bo'lsa;

h) qimmatli qog'ozlar bozorida tegishli professional faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziyaga ega bo'lmagan qimmatli qog'ozlar bozori ishtirokchilarining professional xizmatlaridan foydalangan holda qimmatli qog'ozlar bilan bog'liq bitimlar tuzish (qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyat bilan shug'ullanuvchi tijorat banklari va sug'urta tashkilotlarining professional xizmatlaridan foydalanish holatlaridan tashqari);

i) investitsiya vositachisining hisobvarag'ida bo'lgan mijozlarning qimmatli

qog'ozlari va pul mablag'laridan mijozning topshirig'isiz foydalanish, bundan shartnomada alohida qayd etilgan hollar mustasno;

j) qimmatli qog'ozlar bozorida hiyla-nayrang ishlatish, maxfiy va insayder axborotdan foydalanish;

k) qimmatli qog'ozlar va ularga doir narxlar to'g'risida qasddan buzib ko'rsatilgan axborotni taqdim etish orqali qimmatli qog'ozlarni sotib olishga yoki sotishga undash taqiqlanadi.

9. Investitsiya vositachisi mijozning talabiga binoan unga quyidagi ma'lumotlarni bepul taqdim etadi:

a) investitsiya vositachisining yuridik shaxs sifatida davlat ro'yxatidan o'tganligi to'g'risidagi hujjatning elektron nusxani;

b) investitsiya vositachisi sifatida qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyatni amalga oshirish huquqini beruvchi litsenziyaning elektron nusxasini;

d) investitsiya vositachisining ustav fondi, o'z mablag'lari va zaxira fondi to'g'risidagi axborotlar;

e) bitimlarni tuzish va boshqa xizmatlar uchun to'lov (stavkalar), mukofotlar va boshqa yig'implarning narxlari hamda miqdori;

f) mijoz oladigan qimmatli qog'ozlar chiqarilishining davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi axborotlar;

g) mijoz oladigan qimmatli qog'ozlarning emissiya risolasidagi axborotlar, shuningdek ushbu qimmatli qog'ozlarning investor tomonidan ma'lumot taqdim etish to'g'risida talab qo'yilgan sanadan oldingi olti hafta davomidagi narxlari haqidagi ma'lumotlar;

h) qimmatli qog'ozlarga doir o'z nomidan va mijoz hisobidan amalga oshirilgan bitimlarning natijalari bo'yicha hisobotni shartnomada kelishilgan muddatlar va shaklda.

10. Investitsiya vositachisi qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organini hisobot choragi tugagandan so'ng ikki ish kuni ichida yozma shaklda:

bir chorak davomida faqat bir emitentning qimmatli qog'ozlari bilan amalga oshirilgan operatsiyalar to'g'risida;

bir emitentning qimmatli qog'ozlari bilan amalga oshirilgan bir martalik operatsiya, agar bu operatsiya bo'yicha qimmatli qog'ozlarning soni mazkur emitentning qimmatli qog'ozlari umumiy sonining kamida 15 foizini tashkil etgan bo'lsa, xabardor qiladi.

Investitsiya vositachisi qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq boshqa axborotni ham oshkor qilishi mumkin.

11. Investitsiya vositachisi tomonidan investitsiya vositachisi sifatidagi faoliyatni to'xtatib turish, tugatish to'g'risida qaror qabul qilingan yoki u tugatilgan taqdirda, bu haqida qaror qabul qilingan paytdan e'tiboran ikki ish kuni ichida ommaviy axborot vositalarida va fond birjasining rasmiy veb-saytida e'lon qilinadi.

Investitsiya vositachisi sifatida o'z faoliyatini to'xtatib turayotgan, tugatayotgan yoki tugatilayotgan investitsiya vositachisida hisobi yuritilayotgan qimmatli qog'ozlar mijozning qaroriga ko'ra bir haftalik muddatda boshqa

investitsiya vositachisiga o'tkaziladi, bunday qaror mavjud bo'lmagan taqdirda esa, qimmatli qog'ozlarning egasi tanlagan investitsiya vositachisiga qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi tomonidan belgilangan muddatlarda keyinchalik o'tkazish uchun Qimmatli qog'ozlar markaziy depozitariysiga (faoliyatni to'xtatib turish hollari bundan mustasno) o'tkaziladi.

Yuridik shaxsni — investitsiya vositachisini tugatish qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi mazkur bandeda ko'rsatilgan harakatlar yakunlanganligini yozma ravishda tasdiqlaganidan keyingina amalga oshirilishi mumkin.

3-bob. Brokerlik faoliyatini amalga oshirish

12. Broker mijozdan quyidagi ma'lumotlarni taqdim etishni talab qilishga haqli:

a) qimmatli qog'ozlarni sotib olish bo'yicha bitim tuzishda mijozning to'lov qobiliyati;

b) qimmatli qog'ozlarning va ularga bo'lgan mulk huquqining mavjudligi — ularni sotish bo'yicha shartnoma tuzilayotganda;

d) qimmatli qog'ozlarga uchinchi shaxslar oldida majburiyatlar yuklatilganligi yoki ushbu qimmatli qog'ozlar taqdim etadigan huquqlarning amalga oshirilishi to'xtatilishi yoxud imkonsizligini keltirib chiqaruvchi emitentning moliyaviy-xo'jalik faoliyati bilan bog'liq mijozga ma'lum bo'lgan vaziyatlarning mavjudligi;

e) mijozning layoqati — jismoniy shaxslarning o'z harakatlari bilan fuqarolik huquqlariga ega bo'lish va ularni amalga oshirish, o'zi uchun fuqarolik burchlarini vujudga keltirish va ularni to'liq yoki qisman bajarish layoqati;

f) mijozlar rahbarlarining vakolatlari — yuridik shaxslarning manfaatlarini ifodalash va ushbu yuridik shaxslar uchun huquqiy oqibatlarga olib keladigan harakatlarni amalga oshirishga qonuniy huquqqa egaligi;

g) brokerlik xizmatlari orqali bitimni amalga oshirishni xohlagan mijozning hisobvarag'ida turgan qimmatli qog'ozlarning haqi to'liq to'langanligi.

13. Broker o'ziga berilgan topshiriqni shaxsan o'zi bajaradi, topshiriqni boshqa shaxsga berish (ishonib topshirish) bundan mustasno. Brokerlar o'ziga berilgan topshiriq bo'yicha bitimlar tuzishni faqat boshqa brokerga berishi (ishonib topshirishi) mumkin.

14. Brokerlik xizmatlarini bajarish jarayonida investitsiya vositachisi mijoz bilan tuzilgan shartnoma asosida, o'z mijoziga uyushgan savdolarida qimmatli qog'ozlarni sotib olish va sotish uchun pul mablag'lari yoki qimmatli qog'ozlar ko'rinishida qarz berishi mumkin.

15. Broker o'ziga mijoz tomonidan berilgan pul mablag'laridan, agar bu mijoz bilan tuzilgan shartnomada nazarda tutilgan bo'lsa, o'z manfaatlarini ko'zlab foydalanishga haqli bo'lib, mijozga uning topshiriqlari ko'rsatilgan pul mablag'lari hisobidan bajarilishini yoki mijozning talabiga ko'ra pul mablag'lari qaytarilishini ta'minlaydi.

16. Brokerga pul mablag'larini o'z manfaatlari yo'lida ishlatish huquqini bergan mijozlarning pul mablag'lari, shunday huquqni bermagan mijozlarning

pul mablagʻlari turgan hisobvaraقدan (hisobvaraqlar) alohida hisobvaraقدa (hisobvaraqlar) turishi kerak. Broker oʻz mablagʻlarini ushbu hisobga oʻtkazishi mumkin emas, qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda ularni mijozlarga qaytarib berish va (yoki) mijozlarga qarz berish hollari bundan mustasno.

17. Investitsiya vositachisi mijoz — norezident bilan tuzilgan shartnoma asosida qimmatli qogʻozlarni sotib olish (sotish) chogʻida mijoz — norezident nomidan va uning hisobidan chet el valyutasini sotib olish (sotish) uchun tijorat banklariga buyurtmalar berish huquqiga ega.

18. Investitsiya vositachisi va mijoz bilan tuziladigan brokerlik xizmatlarini koʻrsatish boʻyicha shartnomada quyidagi barcha muhim shartlar nazarda tutilishi kerak:

- a) shartnoma turi;
- b) xizmat turi — qimmatli qogʻozlarni sotib olish yoki sotish, qimmatli qogʻozlarga boʻlgan huquqlarni hisobga olish, shuningdek, mijozning talabiga koʻra brokerning vakolatiga kiradigan boshqa qoʻshimcha xizmatlar;
- d) qimmatli qogʻozlar bilan bitimlar va operatsiyalarga doir huquq va majburiyatlarni oʻz zimmasiga olish boʻyicha mijozning majburiyatlari;
- e) qimmatli qogʻozlarni oʻtkazish va ularni toʻlash muddati va usuli;
- f) investitsiya vositachisiga vositachilik haqining miqdori va uni toʻlash muddatlari;
- g) shartnoma taraflarining javobgarligi;
- h) shartnoma taraflari ixtiyoriga koʻra zarur deb hisoblangan shartnomaning boshqa shartlari.

19. Mijozning koʻrsatmasi boʻyicha bir nechta bitimlarni bajarish yoki bir nechta yuridik harakatlarni amalga oshirishda mijoz shartnoma boʻyicha oʻz majburiyatlarini toʻliq bajarguniga qadar uning pul mablagʻlarini yoki qimmatli qogʻozlarini brokerning hisobvaraqlarida vaqtincha saqlash investitsiya vositachisi va mijoz oʻrtasidagi shartnomada nazarda tutilishi mumkin.

20. Broker:

- a) agar shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan boʻlsa, mijozning birinchi talabi boʻyicha uning topshiriqlari bajarilish holati haqida barcha maʼlumotlarni berishga;
- b) agar shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan boʻlsa, bitim tuzilganidan soʻng darhol mijozga tuzilgan bitim shartlari haqida maʼlumot berishga, qimmatli qogʻozlarning oldi-sotdisini tasdiqlovchi shartnoma yoki boshqa hujjatlar nusxalarini mijoz koʻrsatmasi boʻyicha yuborishga;
- d) agar shartnomada boshqacha tartib nazarda tutilmagan boʻlsa, mijozning topshiriqlarini bajarish yuzasidan tuzilgan bitimlar boʻyicha olingan barcha hujjatlar va maʼlumotlarni mijozga kechiktirmasdan yuborishga;
- e) qimmatli qogʻozlar bozorini tartibga solish boʻyicha vakolatli davlat organining normativ-huquqiy hujjatlari talablariga muvofiq mijozlarning qimmatli qogʻozlari va pul mablagʻlari but saqlanishi hamda ularni alohida hisobga olinishini taʼminlashga, mijozlarga ushbu mijoz uchun amalga oshirilgan operatsiyalar boʻyicha davriy hisobotlarni, mijozning hisobvaraqlari boʻyicha pul mablagʻlari va qimmatli qogʻozlar harakatiga doir (shu jumladan brokerning vositachilik haqi va

boshqa mukofotlari miqdorlari to'g'risidagi ma'lumotlarni) ko'chirmalarni hamda qonunchilik hujjatlari va tuzilgan shartnomaga muvofiq boshqa hujjatlarni taqdim etishga;

f) qimmatli qog'ozlari uning nominal saqlorida bo'lgan mijozlarga, qimmatli qog'ozlar emitentidan yoki uning agentidan olingan, qimmatli qog'ozlarga bo'lgan huquqlarni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan hujjatlar va axborotni taqdim etishga;

g) har bir mijozning pul mablag'lari hisobini yuritishga, qimmatli qog'ozlarga doir bitimlar va operatsiyalarni faqat mijozning topshirig'iga ko'ra va u bilan tuzilgan shartnomaga muvofiq amalga oshirishga, amalga oshirilgan bitimlar va operatsiyalar to'g'risida unga hisobot berishga;

h) depozitar tizimda o'z mijozlari to'g'risidagi ma'lumotlarni yangilab borishga, shuningdek uch yil va undan ortiq vaqt mobaynida aloqa o'rnatmagan mijozlar bilan o'zaro hamkorlikni yo'lga qo'yish choralarini ko'rishga majbur.

4-bob. Dilerlik faoliyatini amalga oshirish

21. Dilerlik faoliyatini amalga oshirishda investitsiya vositachisi o'zi tuzgan qimmatli qog'ozlar oldi-sotdisi bo'yicha majburiyatlarni vijdonan bajarishi lozim.

22. Oldi-sotdi bitimini tuzayotgan diler o'z nomidan va o'z mablag'lari hisobidan qimmatli qog'ozlarni sotib olish va (yoki) sotish narxlarini ommaviy e'lon qilish yo'li orqali ularning e'lon qilingan narxlari bo'yicha sotib olish yoki sotish majburiyati bilan:

a) savdo tizimida qimmatli qog'ozlarni sotib olish va sotish uchun buyurtmalarni doimiy ravishda joylashtirib borishi;

b) o'ziga qimmatli qog'ozlarni sotib olish yoki sotish to'g'risidagi taklif bilan murojaat qilgan shaxslar bilan ommaviy e'lon qilingan qimmatli qog'ozlarning narxlari va miqdoriga muvofiq ravishda bitimlar tuzishi shart.

23. Diler o'zining veb-saytida va (yoki) birja va birjadan tashqari savdolar tashkilotchisining veb-saytida sotib olinadigan va (yoki) sotiladigan qimmatli qog'ozlarning eng kam va eng ko'p sonini e'lon qilishga haqli.

5-bob. Yakuniy qoida

24. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O'zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 14-noyabrdagi 18-son buyrug'iga
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 7-fevraldagi 2002-01-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108, 2002-yil 13-mart) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2002-y., 5-son).

2. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 2-iyundagi 2008-10-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomga qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-1, 2008-yil 10-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 24-25-son, 235-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2008-yil 26-sentabrdagi 2008-21-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-2, 2008-yil 22-oktabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 43-son, 437-modda).

4. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2013-yil 3-dekabrda 2013-09-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-3, 2013-yil 10-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 50-son, 656-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2017-yil 27-iyuldagi 2017-05-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-4, 2017-yil 22-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 34-son, 905-modda).

6. O'zbekiston Respublikasi Davlat raqobat qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozorini muvofiqlashtirish va rivojlantirish markazi bosh direktorining 2018-yil 30-oktabrdagi 2018-12-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya

vositachisi faoliyati to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-5, 2018-yil 30-noyabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 01.12.2018-y., 10/18/1108-5/2254-son).

7. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 26-fevraldagi 2019-04-son "Qimmatli qog'ozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1108-6, 2019-yil 6-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 07.03.2019-y., 10/19/1108-6/2718-son).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

813 Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3729*

O'zbekiston Respublikasining “Qimmatli qog'ozlar bozori to'g'risida”gi, “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 27-iyuldagi PQ–3150-son “O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil hamda O'zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

4. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

D. LI

Toshkent sh.,
2025-yil 14-noyabr,
20-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya qilish
bo'yicha vakil o'rinbosari*

J. URUNOV

2025-yil 15-oktabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2025-yil 17-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 22-dekabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 14-noyabrdagi 20-son buyrug'iga
1-ILOVA

**Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning
o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha
yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning (investitsiya aktivlarini ishonchli boshqarishni amalga oshiruvchi tijorat banklari bundan mustasno) o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

ishonchli boshqaruvchining ishonchli boshqaruvida bo'lgan investitsiya aktivlari (bundan buyon matnda investitsiya aktivlari deb yuritiladi) — qimmatli qog'ozlar, pul mablag'lari va qonunchilikka muvofiq investitsiya aktivlari deb e'tirof etiladigan boshqa mol-mulk;

investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchi (bundan buyon matnda ishonchli boshqaruvchi deb yuritiladi) — investitsiya aktivlarini ishonchli boshqarishni amalga oshiruvchi yuridik shaxs;

ishonchli boshqaruvning ta'sischisi — ishonchli boshqarish shartnomasiga binoan investitsiya aktivlarini ma'lum muddatga boshqarish uchun topshiradigan ishonchli boshqarish shartnomasining tarafi;

naf oluvchi — ishonchli boshqaruvning ta'sischisi yoki ishonchli boshqaruv shartnomasida belgilangan ishonchli boshqaruvchining o'z zimmasiga olgan majburiyatlari bajarilishini talab qilish huquqiga ega bo'lgan boshqa shaxs;

qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi — O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi.

2. Ishonchli boshqaruvchi o'zi boshqaradigan investitsiya aktivlari o'rtacha yillik qiymatining kamida 5 foizi miqdorida o'z mablag'lariga (ustav kapitaliga qo'yilgan nomoddiy aktivlarni chegirib tashlagan holda) ega bo'lishi kerak.

3. Ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati to'g'risidagi hisobot Qimmatli qog'ozlar bozorida axborot taqdim etish va e'lon qilish qoidalariga (ro'yxat raqami 2383, 2012-yil 31-iyul) muvofiq qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organiga taqdim etiladi.

Iшонchli boshqaruvchilarning o'z mablag'lari miqdori mazkur Nizomning 2-bandida belgilangan talabga muvofiqligi har chorakda ular tomonidan taqdim etiladigan o'z mablag'lari va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati to'g'risidagi hisobotga asosan qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi tomonidan nazorat qilinadi.

4. Ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari miqdori investitsiya aktivlarini boshqarish jarayonida moliyaviy barqarorlikni ta'minlash, ishonchli boshqaruvchining o'z zimmasiga olgan majburiyatlarni bajarish imkoniyatini baholash hamda ishonchli boshqaruvning ta'asischisi yoki naf oluvchining huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish maqsadida aniqlanadi.

5. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash quyidagi maqsadlarda amalga oshiriladi:

ishonchli boshqaruvchi o'z mablag'lari miqdorining mazkur Nizomning 2-bandida belgilangan talabga muvofiqligini aniqlash;

ishonchli boshqaruvchining faoliyati natijalarini baholash;

amaldagi qonunchilikka zid bo'lmagan boshqa maqsadlarda.

6. Mazkur Nizom maqsadlari uchun ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari miqdori quyidagilar asosida belgilanadi:

ustav kapitali (aksiyadorlardan (ishtirokchilar) olingan va (yoki) sotib olingan o'zining aksiyalari (ulushlari, hissalari) bundan mustasno);

qo'shilgan kapital;

zaxira kapital;

taqsimlanmagan foyda (qoplanmagan zarar);

maqsadli tushumlar;

kelgusi xarajatlar va to'lovlar zaxiralari.

7. Ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari miqdori va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati O'zbekiston Respublikasi pul birligi — so'mda ifodalanadi.

8. Agar ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari miqdori mazkur Nizomning 2-bandida belgilangan talabga muvofiq bo'lmasa, ishonchli boshqaruvchi uni bir oydan kechiktirmay ushbu talabga muvofiqlashtirishi kerak.

2-bob. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholash

9. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash har chorakda hisobot choragi tugaganidan keyingi kundan kechiktirmay ishonchli boshqaruvchilar tomonidan amalga oshiriladi.

Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash natijalari ishonchli boshqaruvchining o'z mablag'lari va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati to'g'risidagi hisobotida aks ettiriladi.

10. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini qayta baholash naf oluvchining talabiga ko'ra ishonchli boshqaruv shartnomasida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

11. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholash natijalari ishonchli boshqaruvchi tomonidan ishonchli boshqaruv shartnomasida belgilangan muddatlarda naf oluvchining e'tiboriga yetkaziladi.

12. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholashda hisobga olinadigan investitsiya aktivlarining tarkibi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

xo'jalik yurituvchi subyektlarning qimmatli qog'ozlari, shu jumladan ular

tomonidan ishonchli boshqaruv to'g'risida shartnoma tuzilgan vaqtda davlat mulki bo'lgan qimmatli qog'ozlar;

xo'jalik yurituvchi subyektlarning ularni ishonchli boshqarish to'g'risida shartnoma tuzilgan vaqtda davlat mulki bo'lgan ulushlari (paylari);

ta'sischi tomonidan ishonchli boshqaruvchiga boshqarish uchun berilgan qimmatli qog'ozlarga investitsiya qilish uchun mo'ljallangan pul mablag'lari;

ishonchli boshqaruvchi tomonidan shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarish natijasida olingan pul mablag'lari va qimmatli qog'ozlar.

13. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholash natijalari ishonchli boshqaruvchining buxgalteriya hisobida belgilangan tartibda qayd etiladi. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholashda listingga kiritilgan, birja va birjadan tashqari savdo tashkilotchilarining savdo maydonchalarida kotirovka qilingan emitentlarning qimmatli qog'ozlari, hisobot davrining oxirida ushbu qimmatli qog'ozlar bo'yicha mazkur hisobot davrida tuzilgan bitimlar natijasida shakllangan o'rtacha narx asosida amalga oshiriladi.

Agar hisobot davrida mazkur bandning birinchi xatboshisida nazarda tutilgan qimmatli qog'ozlar bilan bitimlar tuzilmagan bo'lsa, avvalgi hisobot davridagi qimmatli qog'ozlarning o'rtacha narxi investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash yoki qayta baholash uchun qo'llaniladi.

14. Birja va birjadan tashqari savdo tashkilotchilarining listingiga kiritilmagan, lekin ikkilamchi birja va birjadan tashqari bozorda sotilgan emitentlarning qimmatli qog'ozlari, agar ular hisobot davrida kamida ikkita yuridik shaxs tomonidan sotilgan va bitimlar hajmi ushbu emitent tomonidan chiqarilgan bir turdagi qimmatli qog'ozlar umumiy miqdorining kamida 5 foizini tashkil etgan bo'lsa, mazkur hisobot davrida tuzilgan bitimlar natijasida shakllangan qimmatli qog'ozlarning o'rtacha narxi asosida investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash yoki qayta baholash amalga oshiriladi.

Agar hisobot davrida mazkur bandning birinchi xatboshisida nazarda tutilgan qimmatli qog'ozlar bilan bitimlar tuzilmagan bo'lsa, avvalgi hisobot davridagi qimmatli qog'ozlarning o'rtacha narxi investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash va qayta baholash uchun qo'llaniladi.

15. Agar hisobot davrida mazkur Nizomning 13 va 14-bandlarida ko'rsatilgan qimmatli qog'ozlar bilan bitimlar birja va birjadan tashqari savdo tashkilotchilarining savdo maydonchalarida tuzilmagan bo'lsa, unda investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash yoki qayta baholashda ushbu bitimlar bo'yicha avvalgi hisobot davridagi qimmatli qog'ozlarning o'rtacha narxi qo'llaniladi.

Mazkur bitimlarning o'rtacha narxi va hajmi birja tashkilotlari va birjadan tashqari savdo tashkilotchilari tomonidan belgilanadi va ishonchli boshqaruvchining so'roviga asosan ikki ish kunida taqdim etiladi.

16. Davlat qimmatli qog'ozlari har bir chiqarish uchun alohida baholanadi, bunda ushbu davlat qimmatli qog'ozlarini baholash va qayta baholashda investitsiya aktivlarini oxirgi baholash sanasidan boshlab ikkilamchi savdolarda sotilgan o'rtacha narx hisobga olinadi.

Agar investitsiya aktivlarini baholash va qayta baholash vaqtigacha davlat

qimmatli qog'ozlarining ma'lum bir chiqarilishi bo'yicha ikkilamchi savdolar o'tkazilmagan bo'lsa, ushbu davlat qimmatli qog'ozlari ularning birlamchi joylashtirish bo'yicha kimoshdi savdosida sotilgan o'rtacha narx asosida baholanadi yoki qayta baholanadi.

17. Muayyan diler orqali savdo qilish belgilangan davlat qimmatli qog'ozlarini baholash yoki qayta baholash diler tomonidan e'lon qilingan oxirgi kotirovkaning qiymati bo'yicha amalga oshiriladi.

Agar investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash yoki qayta baholash kunida ayni bir qimmatli qog'ozning kotirovkasi ikki yoki undan ortiq dilerlar tomonidan e'lon qilingan bo'lsa, bunday qimmatli qog'ozning baholash qiymati, agar qonunchilik hujjatlarida boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo'lsa, dilerlar tomonidan e'lon qilingan barcha kotirovkalarning o'rtacha narxi asosida aniqlanadi.

Agar kupon bo'yicha to'lanadigan daromad bilan chiqariladigan davlat qimmatli qog'ozlarining kotirovkalari jamg'arilgan daromad summasini o'z ichiga olmasa, u holda investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini baholash yoki qayta baholash qimmatli qog'ozlarni sotib olishda to'langan jamg'arilgan daromad summasini chegirgan holda amalga oshiriladi.

18. Davlat mulkini boshqarish bo'yicha vakolatli organ tomonidan ishonchli boshqaruvchiga berilgan xo'jalik yurituvchi subyektlarning ulushlari (paylari) bo'yicha investitsiya aktivlari qiymatini baholash va qayta baholash qimmatli qog'ozlarning nominal qiymati bo'yicha aniqlanadi.

19. Ushbu Nizomning 11 — 18-bandlariga muvofiq investitsiya aktivlarini baholash va qayta baholash imkoni bo'lmaganda, investitsiya aktivlarining qiymati qimmatli qog'ozlarning nominal qiymati bo'yicha hisoblanadi.

3-bob. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash

20. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati har chorakda amaldagi hisobot choragi va undan oldingi uch hisobot choragi uchun investitsiya aktivlarining qiymati asosida mazkur Nizomda belgilangan tartibda aniqlanadi.

21. Investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash quyidagi formula asosida amalga oshiriladi:

$$SA \text{ o'rtacha yillik} = \frac{A1 + A2 + A3 + A4}{4}$$

Bunda:

SA o'rtacha yillik — investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati;

A1 — amaldagi hisobot choragidagi investitsiya aktivlarining baholangan qiymati;

A2 — o'tgan hisobot choragidagi investitsiya aktivlarining baholangan qiymati;

A3 — hisobot choragidan avvalgi ikki hisobot choragidagi investitsiya aktivlarining baholangan qiymati;

A4 — hisobot choragidan avvalgi uch hisobot choragidagi investitsiya aktivlarining baholangan qiymati;

A1, A2, A3, A4 — ushbu Nizomning 11 — 18-bandlarida belgilangan tartibda hisoblanadi.

Hisobot davri uchun ma'lumotlar bo'lmaganda, investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini hisoblash uchun mazkur Nizomning 21-bandida ko'rsatilgan formulaning surati va maxraji qiymatlari tegishli chorak uchun hisobga olinmaydi, maxraj qiymati esa ma'lumotlar mavjud bo'lmagan davrlar soniga kamayadi.

22. Ishonchli boshqaruvchi tomonidan bir nechta ta'sisчисidan olingan investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati ushbu Nizomda belgilangan tartibda hisoblangan investitsiya aktivlarining qiymatini jamlash yo'li bilan aniqlanadi.

23. Ishonchli boshqaruvchi tomonidan investitsiya fondlarining aktivlarini boshqarish faoliyati investitsiya aktivlarini ishonchli boshqarish faoliyati bilan birga qo'shib olib borilganda investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymati hisobot choragidagi investitsiya aktivlarining baholangan qiymati asosida hamda investitsiya fondlarining sof aktivlari qiymati qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda aniqlanadi.

4-bob. Yakuniy qoida

24. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikka muvofiq javobgar bo'ladilar.

O'zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining
2025-yil 14-noyabrdagi 20-son buyrug'iga
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2003-yil 30-dekabrda 2003-19-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1322, 2004-yil 5-mart) (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 9-son, 111-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2009-yil 1-iyundagi 2009-30-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1322-1, 2009-yil 20-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2009-y., 26-son, 302-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2019-yil 5-martda 2019-12-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 1-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1322-2, 2019-yil 12-mart) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 13.03.2019-y., 10/19/1322-2/2768-son).

4. O'zbekiston Respublikasi Kapital bozorini rivojlantirish agentligi direktorining 2020-yil 20-yanvarda 2020-03-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 24-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1322-3, 2020-yil 5-fevral) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 05.02.2020-y., 10/20/1322-3/0128-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

814 Banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
18-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3730*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq Markaziy bank boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizom 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais

T. ISHMETOV

Toshkent sh.,
2025-yil 4-dekabr,
29/2-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-dekabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
4-dekabrda 29/2-son qaroriga
1-ILOVA

Banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibi to'g'risidagi NIZOM

Mazkur Nizom banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

agent — bank sindikati ishtirokchilari va qarz oluvchi o'rtasida o'zaro hamkorlikni ta'minlash, hujjatlarni boshqarish, to'lovlarni taqsimlash va bank sindikati kelishuviga asosan boshqa vazifalarni bajaruvchi shaxs;

bank sindikati — qarz oluvchini birgalikda moliyalashtirish maqsadida ikki yoki undan ortiq bank sindikati ishtirokchilari tomonidan, agent ishtirokida yoki agentsiz, yuridik shaxs tuzmasdan tashkil etilgan vaqtinchalik birlashma;

bank sindikati ishtirokchisi — bank sindikatida ishtirok etuvchi bank, xorijiy bank, xalqaro moliya tashkiloti yoki ro'yxatdan o'tkazgan davlat qonunchiligiga muvofiq kredit ajratishga haqli bo'lgan chet el yuridik shaxsi;

qarz oluvchi — yetakchi ishtirokchiga sindikatlashgan kredit olish uchun murojaat qilgan O'zbekiston Respublikasi rezidenti bo'lgan yuridik shaxs (shaxslar);

sindikatlashgan kredit — qarz oluvchini birgalikda moliyalashtirish uchun bank sindikati ishtirokchilari tomonidan ajratiladigan kredit;

yetakchi ishtirokchi — sindikatlashgan kredit ajratish tashabbusi bilan chiqqan bank sindikati ishtirokchisi.

2-bob. Bank sindikatini tashkil etish va sindikatlashgan kredit ajratish tartibi

2. Qarz oluvchi bankka sindikatlashgan kredit olish haqida ariza bilan murojaat qiladi.

Arizaga qarz oluvchi va bank tomonidan kelishilgan hujjatlar ilova qilinadi.

3. Bank taqdim etilgan hujjatlarni tahlil qilgandan so'ng sindikatlashgan kredit ajratish mumkinligi va bank sindikatini shakllantirish maqsadga muvofiqligi to'g'risida qaror qabul qilgan taqdirda, u qarz oluvchi bilan sindikatlashgan kreditning dastlabki shartlarini hamda bank siri, tijorat siri yoki qonun bilan qo'riqlanadigan boshqa sirlarni tashkil etuvchi ma'lumotlarni oshkor qilish tartibini kelishib oladi.

4. Yetakchi ishtirokchi bank sindikatida ishtirok etishi mumkin bo'lgan potensial ishtirokchilarga qarz oluvchi to'g'risida o'ziga ma'lum bo'lgan

ma'lumotlarni o'z ichiga olgan bank sindikatida ishtirok etish va sindikatlashgan kredit ajratish bo'yicha taklifni yuboradi.

5. Bank sindikatida ishtirok etish va sindikatlashgan kredit ajratish bo'yicha taklif olgan potensial ishtirokchilar qarz oluvchi to'g'risidagi tegishli ma'lumotlarni o'rganadi.

Bunda har bir potensial ishtirokchi qarz oluvchining to'lovga qobiliyatini va moliyalash obyektini o'rganish bo'yicha yetakchi ishtirokchidan, yetakchi ishtirokchi esa qarz oluvchidan qo'shimcha ma'lumotlar talab qilishga haqli.

6. Potensial ishtirokchi qarz oluvchiga doir hujjatlarni mustaqil baholash asosida bank sindikatida ishtirok etish va sindikatlashgan kredit ajratish to'g'risida qaror qabul qilsa, bu haqda yetakchi ishtirokchini xabardor qiladi.

7. Yetakchi ishtirokchi potensial ishtirokchilarning javoblari asosida bank sindikati ishtirokchilarining sindikatlashgan kreditdagi ulushini aniqlashi va potensial ishtirokchilar bilan kelishishi lozim.

8. Bank sindikati sindikat ishtirokchilari o'rtasidagi yozma kelishuv asosida tuziladi va mazkur kelishuvda sindikat ishtirokchilari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar, huquq va majburiyatlar belgilanadi. Ushbu kelishuv tuzilmagan taqdirda, bu shartlar sindikatlashgan kredit shartnomasiga kiritilishi lozim.

9. Bank sindikati kelishuvida kamida quyidagilar nazarda tutilishi lozim:

bank sindikati ishtirokchilari tomonidan huquqlarning amalga oshirilishi yoki muayyan huquqlardan voz kechilishi;

bank sindikati ishtirokchisi sindikatlashgan kredit ajratish bo'yicha o'z majburiyatini to'liq yoki qisman bajarmasligi oqibatida bank sindikatining boshqa ishtirokchilari oldidagi javobgarligi;

bank sindikati ishtirokchisining qarz oluvchiga nisbatan talab qilish huquqlaridan sindikatning boshqa ishtirokchisi yoki bank sindikati ishtirokchisi bo'lishga haqli bo'lgan boshqa shaxs foydasiga voz kechish tartibi;

sindikatlashgan kredit bo'yicha majburiyatlarni bajarmaslik xavfi yuzaga kelgan taqdirda, sindikat ishtirokchilarini xabardor qilish tartibi va xabardor qilishga mas'ul bo'lgan sindikat ishtirokchisi;

sindikatlashgan kredit shartnomasida belgilangan tartibda kreditni yoki uning bir qismini foiz va boshqa to'lovlar bilan birga qarz oluvchidan muddatidan oldin qaytarishni talab qilish haqida qaror qabul qilish tartibi;

undiruvni ta'minotga qaratish shartlari;

sindikatlashgan kredit shartnomasi bo'yicha qarzdorlikni sudga murojaat qilmasdan undirish yoki qarzdorlikni undirish to'g'risida sudga da'vo kiritish shartlari;

qarzdorga nisbatan to'lovga qobiliyatsizlik tartib-taomilini qo'llash yoxud qonun hujjatlariga muvofiq qarzdorni bankrot deb topish to'g'risida sudga ariza bilan murojaat qilish shartlari;

sindikat ishtirokchilari o'rtasida ma'lumot almashinuvi tartibi.

10. Bank sindikati ishtirokchilari o'rtasida bank sindikati kelishuviga erishilganda, bank sindikati ishtirokchilari va qarz oluvchi o'rtasida sindikatlashgan kredit shartnomasi (bundan buyon matnda kredit shartnomasi deb yuritiladi) imzolanadi.

11. Kredit shartnomasida bank sindikati ishtirokchilarining funksiyalari, sindikatlashgan kreditdagi ulushlari to'g'risidagi ma'lumot, sindikatlashgan kredit shartlari, shu jumladan amalga oshirilishi ko'zda tutilgan loyiha tavsifi, qarz oluvchini moliyalashtirish tartibi, ta'minot turi, kredit miqdori, muddati va uni qaytarish usuli, to'lov grafigi, foiz stavkasi, moliyaviy hisobotlarni taqdim etish shartlari va majburiyatlari, tomonlarning huquq va majburiyatlari, javobgarligi va boshqa shartlar belgilanadi.

12. Kredit shartnomasida qarz oluvchi va (yoki) kafil tomonidan davriy moliyaviy hisobotlarning agentga taqdim etib borilishi shartlari, muddatlari, shuningdek, hisobotlar taqdim etilmaganligi uchun ko'riladigan choralar ko'rsatilishi mumkin.

13. Kredit shartnomasida nazarda tutilgan hollarda bank sindikatining ishtirokchilari, shu jumladan yetakchi ishtirokchi va agent sindikatlashgan kreditni tashkil etish, kredit tavakkalchiliklarini baholash, garovni boshqarish, kredit hujjatlarini yuritish va boshqa turdagi xizmatlarni ko'rsatganliklari uchun qarz oluvchidan qo'shimcha haq olishlari mumkin.

Bunda, qo'shimcha haq faqatgina qarzdorga tegishli xizmat turini ko'rsatgan bank sindikati ishtirokchisi tomonidan olinadi.

14. Kredit shartnomasida nazarda tutilgan hollarda qarz oluvchi tomonidan sindikatlashgan kredit bo'yicha majburiyatlar muddatidan oldin bajarilganligi uchun sindikat ishtirokchilari foydasiga tegishli haq (kompensatsiya) to'lanishi mumkin.

15. Kredit shartnomasi tuzilgandan keyin bank sindikatining ishtirokchilari kredit summasini shartnomada belgilangan tartibda va muddatda yetakchi ishtirokchiga, agentga, qarz oluvchiga yoki qarz oluvchi ko'rsatgan boshqa shaxsga o'tkazish majburiyatini oladi.

3-bob. Sindikatlashgan kreditni qaytarish va monitoring qilish tartibi

16. Sindikatlashgan kredit kredit shartnomasida belgilangan tartib va muddatlarda qaytariladi.

17. Bank sindikati to'g'risidagi kelishuvda belgilangan sindikat ishtirokchisi (ishtirokchilari) tomonidan sindikatlashgan kreditning butun muddati davomida qarz oluvchining moliyaviy holati, kreditdan maqsadli foydalanilganligi, garov holati va (yoki) kafilning (kafolat beruvchining) moliyaviy holati ustidan monitoring amalga oshiriladi.

18. Agar monitoringni amalga oshiruvchi sindikat ishtirokchisi (ishtirokchilari) sindikatlashgan kredit bo'yicha muammoli qarzdorlik yuzaga kelganligi yoki yuzaga kelish ehtimolligi mavjudligini aniqlasa, bu haqda bank sindikatining qolgan ishtirokchilarini besh ish kunidan kechiktirmay xabardor qilishi shart.

19. Agar bank sindikatining ishtirokchisi bank sindikati manfaatlariga zarar yetkazuvchi muammoni aniqlasa, bu haqda darhol yetakchi ishtirokchini, yetakchi ishtirokchi esa bank sindikatining boshqa ishtirokchilarini besh ish kunidan kechiktirmay xabardor qilishi shart.

4-bob. Yakuniy qoida

20. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil
4-dekabrda 29/2-son qaroriga
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2005-yil 16-iyuldagi 15/4-son "Tijorat banklari tomonidan yirik investitsiya loyihalarini sinditsiyalashtirilgan kreditlashni amalga oshirish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1509, 2005-yil 20-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 34-36-son, 265-modda).

2. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2010-yil 23-oktabrdagi 34/3-son "Tijorat banklari tomonidan yirik investitsiya loyihalarini sinditsiyalashtirilgan kreditlashni amalga oshirish tartibi to'g'risida"gi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1509-1, 2010-yil 6-noyabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 44-45-son, 399-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2016-yil 26-noyabrdagi 38/4-son "Tijorat banklari tomonidan yirik investitsiya loyihalarini sinditsiyalashtirilgan kreditlashni amalga oshirish tartibi to'g'risida nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1509-2, 2016-yil 6-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 49-son, 564-modda).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 1-dekabrda 305-son "Bojxona yuk deklaratsiyasini to'ldirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 15-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2773-13.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2025 йил 15 декабрда 25-сон "Электрон рецепт" тизимини босқичма-босқич жорий этиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.

2025 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3725.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi direktorining 2025-yil 2-dekabrda 4-son "Kasbiy ta'lim tashkilotlarini kompleks davlat akkreditatsiyasidan o'tkazishda baholash mezonlari bo'yicha indikatorlarni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 17-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3726.

4. O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligining 2025-yil 12-dekabrda 15-son, Qishloq xo'jaligi vazirligining 2025-yil 11-dekabrda 42-son, Ichki ishlar vazirligining 2025-yil 9-dekabrda 63-son va Suv xo'jaligi vazirligining 2025-yil 5-dekabrda 01/25-6-son "Transport vositalarini saqlash, ta'mirlash va ularga texnik xizmat ko'rsatish obyektlari uchun yong'in xavfsizligi qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

2025-yil 17-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2710-1.

5. O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2025-yil 15-dekabrda 61-q/q-son va Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2025-yil 11-dekabrda 31-2025-Q/Q-son "Professional ta'lim muassasalari pedagog kadrlari va muhandis-pedagog kadrlarining bo'sh lavozimlarni egallash uchun ularni tanlov asosida tanlab olish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 18-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1461-4.

6. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 10-dekabrda 309-son "Ichki audit tadbirlarini o'tkazish qo'llanmasiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 18-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3406-2.

7. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil

5-dekabrda 31/9-son “Banklarga oʻrnatiladigan makroprudensial normativlar hamda ular tomonidan beriladigan kreditlar (mikroqarzarlar) boʻyicha toʻlovlarning eng yuqori qiymatlariga doir talablar toʻgʻrisidagi nizomga qoʻshimcha va oʻzgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2025-yil 18-dekabrda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3618-1.

8. Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrda 19-son “Investitsiya vositachisi sifatida depozitar operatsiyalari faoliyati toʻxtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi toʻgʻrisida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi.

2025-yil 18-dekabrda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3727.

9. Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrda 18-son “Qimmatli qogʻozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi.

2025-yil 18-dekabrda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3728.

10. Oʻzbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2025-yil 14-noyabrda 20-son “Investitsiya aktivlarini ishonchli boshqaruvchilarning oʻz mablagʻlari miqdori va investitsiya aktivlarining oʻrtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi.

2025-yil 18-dekabrda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3729.

11. Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 4-dekabrda 29/2-son “Banklar tomonidan sindikatlashgan kreditlarni ajratish tartibi toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2025-yil 18-dekabrda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3730.

II. Davlat reyestridan chiqarildi:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat mulki qoʻmitasi huzuridagi Qimmatbaho qogʻozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 13-martda 2002-02-son “Depozitar faoliyat toʻxtatilgan va tugatilgan taqdirdagi harakatlar tartibi toʻgʻrisida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxati raqami 1130, 2002-yil 23-aprel), shuningdek unga kiritilgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar (roʻyxat raqami 1130-1, 2008-yil 18-noyabr).

2025-yil 18-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

2. Oʻzbekiston Respublikasi Davlat mulki qoʻmitasi huzuridagi Qimmatli qogʻozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2002-yil 7-fevralda 2002-01-son “Qimmatli qogʻozlar bozorida investitsiya vositachisining faoliyati toʻgʻrisidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrugʻi (roʻyxati raqami 1108, 2002-yil 13-mart), shuningdek unga kiritilgan oʻzgartirish va qoʻshimchalar (roʻyxati raqami 1108-1, 2008-yil 10-iyun), (roʻyxati raqami 1108-2, 2008-yil 22-oktabr), (roʻyxati raqami 1108-3, 2013-yil 10-dekabr), (roʻyxati raqami 1108-4, 2017-yil 22-avgust), (roʻyxati raqami 1108-5, 2018-yil 30-noyabr), (roʻyxati raqami 1108-6, 2019-yil 6-mart).

2025-yil 18-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

3. O'zbekiston Respublikasi Davlat mulki qo'mitasi huzuridagi Qimmatli qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazi bosh direktorining 2003-yil 30-dekabrda 2003-19-son "Boshqaruvchi kompaniyalar o'z mablag'lari miqdorining hisobi va investitsiya aktivlarining o'rtacha yillik qiymatini aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxati raqami 1322, 2004-yil 5-mart), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxati raqami 1322-1, 2009-yil 20-iyun), (ro'yxati raqami 1322-2, 2019-yil 12-mart), (ro'yxati raqami 1322-3, 2020-yil 5-fevral).

2025-yil 18-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

4. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2005-yil 16-iyuldagi 15/4-son "Tijorat banklari tomonidan yirik investitsiya loyihalarini sinditsiyalashtirilgan kreditlashni amalga oshirish tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1509, 2005-yil 20-avgust), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1509-1, 2010-yil 6-noyabr), (ro'yxat raqami 1509-2, 2016-yil 6-dekabr).

2025-yil 18-dekabrda davlat reyestridan chiqarildi.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.